

Бўё. 2.  
089

T-36

Абдусамад ТҲЙЧИЕВ

**Ўзбек**  
**романларида**  
**МАКОН ВА ЗАМОН**

TOSHI DOT AFI



0000000959

Ўзб.2  
89  
Т-96

Абдусамад ТҲҲЧИЕВ

Ўзбек филологияси  
факултеи  
ЎҚУВ ЗАЛ

# Ўзбек романларида макон ва замон

2033

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI  
Тошкент  
АХБОРОТ-ИШУРС MARKAZI

Ўзбек филологияси  
факултеи  
KUTUBXONASI

Тошкент  
«MUMTOZ SO'Z»  
2009

81.2

Т79

Тўйчиев, Абдусамад

**Ўзбек романларида макон ва замон: Монография / ЎЗР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти; масъул муҳаррир Ҳ.Болтабоев. - Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. - 152 б.**

ББК 81.2

*Монографияда ўзбек романларининг ўзак масалаларидан бири макон ва замон муносабати таҳлил этилган. Масаланинг ўрганилиш тарихи, тарихий ва замонавий романлардаги маконий ва замоний талқинлар ўрганилган.*

*Китоб адабиётшунос олимлар, тадқиқотчи ва аспирантлар ҳамда адабиёт ихлосмандларига мўлжалланган.*

**Масъул муҳаррир:**

**Филология фанлари доктори, профессор**

**Ҳ. Болтабоев**

**Такризчилар:**

**Филология фанлари доктори, профессор**

**У. Норматов,**

**Филология фанлари номзоди, доцент**

**Р. Қўчқоров**

ISBN 978-9943-363-30-4

© Абдусамад Тўйчиев, 2009

© «MUMTOZ SO'Z», 2009

## **АДАБИЁТШУНОСЛИҚДА МАКОН ВА ЗАМОН МУНОСАБАТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИГА ДОИР**

Мустақиллик шарофати туфайли адабиётимизнинг тараққиёт йўлига ҳолис ва илмий нуқтаи назардан ёндашиш имконияти туғилди. Мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ўзгаришлар ҳар бир соҳага ўз таъсирини ўтказмоқда. Маънавиятимизни юксалтириш борасида ҳам, самарали ишлар қилинмоқда. Шу маънода Республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг “Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати бадиий адабиётдир. Адабиётни инсоншунослик деб, шоир ва ёзувчиларни эса инсон руҳининг муҳандислари, деб таърифлаши бежиз эмас”<sup>1</sup>.

Адабиёт сўз санъати азалдан халқ қалбининг ифодачиси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келади. Хусусан, мустақиллик йилларида юртимизда маънавиятимизнинг ғоят муҳим соҳаси бўлган адабиёт қарорлар билан эмас, шоир ва ёзувчиларнинг эзгу меҳнати билан ривожланади. Ўзбекистон Президентининг “Бадиий адабиёт мавзулар жиҳатидан ҳам, жанрлар нуқтаи назаридан ҳам ранг-баранг бўлиб бораётгани, адабиёт майдонида янги-янги номлар пайдо бўлаётгани китобхон халқимизни албатта қувонтиради”<sup>1</sup> деган сўзлари ғоятда ибратлидир. Юртбошимизнинг юқоридаги сўзлари бевосита адабиётшунослик илми масалаларига ҳам алоқадордир. Ана шу маънода мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ўзгаришлар таъсирида ўзбек адабиётида ҳам ибратли ўзгаришлар юз берди. Натижада ўзбек адабиётшунослигида асар поэтикасини ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши янги давр адабиётшунослиги олдига долзарб ва муҳим муаммоларни қўйди.

Миллий маданият ва маънавий масалалар кун тартибига жиддий қўйилаётган ҳозирги кунда XX аср носирлари адабий фаолиятини ўрганиш, ижодкор шахси ва жамият, ёзувчи услуги, воқеликни ифода этиш усуллари, ҳаёт ҳақиқати, тағмаёно тасвирлар орқали пафос ва бадиий ғоянинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 136-137.

ифодаланиши каби қатор умумэстетик муаммоларни идрок этиш ҳамда миллий тафаккуримизнинг юксак намунаси бўлиши ўзбек романчилигини бадиий таҳлил қилиш, унга хос поэтик унсур ва воситаларни ўрганиш, жанрдаги макон ва замон концепциясини тадқиқ этиш шу кун адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан биридир.

Маълумки, макон ва замон (фазо ва вақт) фалсафий тушунча бўлиб, олам мавжудлигининг умумий шакллари-дандир. Табиий фанлар, жумладан, физиканинг ривожланиши билан макон ва замон ҳақидаги илмий қарашлар, фалсафий-эстетик фикрлар чуқурлашиб, такомиллашиб борди. “Макон ва замон ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда астрономия, айниқса, космология муҳим роль ўйнади”<sup>2</sup>. Чунки макон ва замон ҳақидаги илмий қарашлар, тасаввурлар материя, борлиқ, олам, коинот ва унда жойлашган Куёш, Ой, юлдузлар, ер ва уларнинг ҳаракати, ўзаро таъсир тушунчалари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Илм-фан тараққиёти, фалсафий-эстетик қарашлар тарихида макон ва замон муаммоси турли хил, ранг-баранг баҳс ва мунозаралар учун асосий мавзу бўлиб келган.

Тарихда идеалистик нуқтаи назардан фикр юритувчи, оламни, борлиқни инсон онгининг, руҳиятининг маҳсули деб қараган баъзи фалсафий оқим тарафдорлари макон ва замоннинг объектив характерини тан олмаганлар. Уларнинг қарашлари бўйича бутун борлиқнинг негизи материя эмас, балки онг, идеал ва руҳдир. Макон ва замон тушунчаси мавҳум бўлиб, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи учун муҳим эмасдир. Бундай олимларнинг айримлари макон ва замонни индивидуал онгнинг мазмунига қарам ҳодисалар, дея баҳолаганлар ва талқин этишга уринганлар.

И.Кантнинг фикрича, «Макон ва замон инсон томонидан борлиқни равшанроқ кўриш учун кўзойнак сингари ўйлаб топилган тушунчалардир»<sup>3</sup>. Файласуфнинг англатишича, инсон материя, борлиқни масофа ва ҳажм жиҳатидан идрок этиш, объектив оламнинг, материянинг ҳаракатини узлуксиз ва

<sup>2</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. — Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамият нашриёти, 2004. — Б. 234-235.

<sup>3</sup> Ўша асар.

изчил давомийлигини вақт (замон) орқали кўрувчи кўзгудир. Бу жиҳатдан Гегелнинг макон ва замонни руҳнинг категориялари деб таъкидлаши бежиз эмас.

Умуман, макон ва замон ҳақидаги тушунчалар ранг-баранг ва мунозарали бўлиб, бу борада машҳур физик И.Ньютоннинг қарашлари характерлидир. Унинг макон ва замон ҳақидаги тушунчасига кўра, “макон абсолют бўлиб чексиз кўламга эга. Шунинг учун у ўзида барча материяни сиғдира олади ва турли жараёнларга боғлиқ эмас... Замон ҳам абсолют бўлиб турли ўзгаришларга боғлиқ бўлмаган ҳолда кечадиган тенг даврийликки, унда барча нарсалар пайдо бўлиб ва йўқ бўлиб туради”<sup>4</sup>.

Макон ва замон материядаги барча нарса-предметларни сиғдира олиши, чексиз кўламга эгаллиги, турли воқеа-ҳодисалар жараёни билан боғлиқлиги, даврийлик ҳамда давомийлиги, ҳаракатланувчи хусусиятга эгадир. Масалан, Қуёш ва Ойнинг ер атрофида айланиши, натижада Ер заминидаги барча табиатдаги тирик мавжудодларнинг ҳаракатга келиши, бу вақт атрибутида содир бўладиган ҳодисадир. Ўз ҳаракатига нисбатан Ер ҳам, атрофида бошқа планеталар билан ўзаро боғлиқдир. Ерда одамлар ва машиналарнинг юриши, Осмонда самолёт ва қушларнинг учиши, сувда балиқ ва акулаларнинг сузиши макон ва замонда узвий боғлиқлик тарзида амалга ошади.

Инсоният тараққиётининг турли даврларида макон ва замон муаммоси файласуфларни бефарқ қолдирмаган. Лукреций (милоддан аввалги I аср) “Нарсаларнинг табиати ҳақида” китобида оламнинг икки нарсадан — фазо (макон)дан ва жисмлардан ташкил топганлиги, улар ўзаро мустақил эмаслиги, фазо чегарасиз эканлиги ҳақида ёзган. Кейинроқ XVI-XVII асрларда яшаган италиялик олим Жордано Бруно оламнинг чегараси йўқ, ер шаридан бошқа жуда кўп шундай олам бор, деб таъкидлайди. Макон ҳақидаги бундай фалсафий-эстетик қарашлар йигирманчи асрга қадар давом этади. Худди шу давргача замонни ҳам бир маромда ўтиб борадиган нарса, деб қараб келинди.

<sup>4</sup> Фалсафа. Қомусий луғат. — Б. 235.

XX аср бошларида жаҳон илм-фани маънавий ва маданий ҳаётида юз берган янгиликлар, қўлга киритилган муваффақиятлар натижасида макон ва замон ҳақидаги қарашлар янгича тамойилларга эга бўлди. “Табиётшунослик фанларида рўй берган катта муваффақиятлар макон ва замон тўғрисидаги фалсафий тасаввурларни кескин ўзгартирди”<sup>5</sup>. Эйнштейннинг нисбийлик назарияси туфайли макон ва замон тушунчасига аниқлик киритилди. Бошқача айтганда, бу таълимот фазо-вақт назарияси ҳам дейилади. “Фазо - вақт” (макон-замон) сўз бирикмаси дефис орқали ёзилади, чунки бу тушунчаларнинг бир-биридан мустақил эмаслиги, балки узвий боғланганлиги маълум бўлди. Бу назарияни яратилганига қадар И.Ньютон механикаси қонунларига, шунингдек, у кашф қилган бугун олам тортишиш қонунига асосланиб, фазо ва вақт ҳақида бошқача ўйлашар эди. Маълум бўлишича, бу қонунлар фақат астрономик масштаблар бўйича фазонинг кичик соҳаларида ва ўша ўлчовларга нисбатан қисқа вақт оралиғида тўғри бўлади. Эйнштейннинг қарашларида макон ва замон ўз-ўзича ажралган ҳолда эмас, балки, улар бир-бири билан узвий алоқадорликда мавжуд бўлиши исботлаб берилди. Олам мавжудлигининг умумий шакллари бўлмиш макон ва замон ҳақида “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай таъриф берилади: “Макон — материянинг масофа ва ҳажм билан белгиланадиган асосий объектив яшаш формаларидан биридир. Макон ва вақт ҳодисаларнинг оддий формаларидан иборат бўлмай, балки борлиқнинг объектив реал формаларидир”<sup>6</sup>. Макон чексиз-чегарасиз бўлиб, унинг барча йўналишида барча нуқтасида жойлашган нарса-предметлар масофа ва ҳажм жиҳатидан белгиланади. Шунингдек, макон нарса-предметларнинг қўламини, ўзаро жойлашиш тартибини, узлукли ёки узлуксизлигини ифодалайди.

Замон (вақт) ўлчов бирлигида воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, жараёнларнинг давомийлигини ифода этади. Шу ерда замоннинг бўлаги ҳисобланган вақт тушунчаси ҳақида ҳам тасаввурларимизни аниқлаштириб олишимиз зарур. Вақт

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т.1 – М.: Русский язык, 1981. – Б. 443.

<sup>6</sup> Кўрсатилган адабиёт.

— оламнинг атрибути бўлиб, барча объектлар мавжудлигининг давомийлигини ва ҳолатлар алмашувининг изчиллигини характерлайди. Демак, вақт замоннинг ажралмас ва муҳим эквиваленти бўлиб, улар деярли бир хил маъно-моҳиятга эга тушунчалардир.

Макон ва замон доимо узвий боғлиқ тарзида ҳаракатда бўлиб, олам, борлиқ, материя ҳақидаги бугунликка эга бўлган тушунчадир. Материяда, борлиқда ҳар қандай моддий жисм жойга, кўламга, миқдор ва ҳажмга эгадир. Макон ана шу материя, борлиқдаги нарса-предметларнинг жойи ҳисобланиб, маконда — вақтнинг муайян лаҳзасида оламини ташкил этган нуқталарининг ўзаро жойлашиш тартибини акс эттиради. Замон (вақт) эса маконнинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди.

Инсон эса, борлиқнинг, оламнинг, табиатнинг ақлли мавжудотидир. У ўзи яшаётган макондаги нарсаларнинг кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини ёки узлукли ёки узлуксизлигини, замон воқеа-ҳодисаларининг кетма-кетлиги жараёнининг давомийлигини билишга, англашга ёрдам беради. Унинг бундай ният-мақсадларини амалга оширишда бадиий адабиёт муҳим роль ўйнайди. Чунки бадиий асар инсон учун макон ва замонни аниқ ва равшанроқ кўриш борасида кўзгу вазифасини ўтайди. Бу кўзгу ёрдамида инсон онги тафаккурида реал ҳаёт воқелигидаги, макон ва замон манзарасидаги нарса-ҳодисалар жараёнини образлар орқали ҳаётий моделини яратади.

Бадиий адабиётда ҳаётнинг муайян рамзий маконий-замоний манзараси бадиий образ воситасида гавдалантирилиб тасвирланади. Ҳаётнинг бор мураккабликлари, зиддиятлари ва жумбоқлари бадиий макон ҳамда бадиий замонда акс эттирилади.

Адабиётдаги бадиий ўзлаштирилган макон ва замон муносабатларининг ўзаро алоқасини биз хронотоп деб атаёмиз. Хронотоп юнунча сўз бўлиб, (*chronos* — вақт, *topos* — жой) ушбу атама дастлаб табиатшуносликда қўлланилган. Уни адабиётшуносликка рус олими М.М.Бахтин олиб кирган<sup>7</sup>. Хронотопнинг сўзма-сўз таржимаси замон-макон бўлиб, адабиётнинг шаклий-мазмуний категорияси сифатида тушунилади.

<sup>7</sup> Бахтин М.М. Эпос и роман // Вопросы литературы и эстетики. — М., 1975.



Адабиётдаги бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг образли эканини Платон “Ион” ва “Тимей” асарларида, Арасту “Физика”сида, Ибн Сино “Табиёт”, Буало “Поэзия санъати”да, Лессинг “Лаокоон” асарида ёрқин очиб берган. У бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг ўзига хос жиҳатларини белгилаб беради. Унинг фикрича, барча маконга хос нарсалар статистик тасвирланмаслиги керак, балки тасвирланаётган воқеа ва ҳодисалар ўзининг замон тартибига жалб этилиши лозим.

Лессинг бадиий адабиётдаги макон ва замон муаммосини бутун аҳамияти ва сермахсул мазмуний қирраларини эстетик жиҳатдан тадқиқ этади. Кундалик реал макон ва замоннинг бадиий моделини яратиш, ўзлаштириш муаммоси, яъни ўтмиш воқеа-ҳодисаларини шеърӣ жанр образлари орқали гавдалантириш муаммосига тўхтаб ўтса ҳам, у асарнинг ғоявий-бадиий талабларига тўғридан-тўғри ёндашмайди.

Бадиий макон ҳамда бадиий замон поэтиканинг муҳим категорияси ҳисобланиб, замонавий адабиётшуносликнинг асосий, долзарб масалаларидан ҳисобланади<sup>8</sup>. Бадиий макон ва замон асарда адабий тур ва жанр имкониятларидан келиб чиқиб намоён бўлади. М.Бахтиннинг бадиий макон ҳамда бадиий замон ҳақидаги умумий қарашлари, биринчи навбатда, бадиий макон ва замоннинг уюштирувчи ва бошланувчи категорияси сифатида муаллифнинг асардаги ўрни, ҳаракати, идрок этиши сифатида намоён бўлади. Иккинчидан, бадиий макон ва замон манзарасини санъат асарида тугган ўрни табиий кўлами билан баҳоланади. Учинчидан, бадиий асардаги қаҳрамон, персонажларнинг руҳий олами, ички кечинмалари макон ва замон аспектида биргаликда таҳлил қилинади.

М.М.Бахтиннинг илмий тадқиқотларида адабиётнинг нафосат ва гўзаллиги ҳақида фикр-мулоҳазалари кенг ўрин олган бўлиб, бадиий асарнинг тур ва жанр масаласи, сюжет-композицион қурилиши, бадиий тил воситалари,

<sup>8</sup>Абуталиева Э.И. Пространство и время в русскоязычной прозе средней Азии (на материале творчества Тимура Пулатова и Тимура Зульф리카рова). Автореферат дисс. на соскание ученой степени кандидата филол. наук. —Ташкент, 1993. — С.3.

муаллиф ва қаҳрамон пафоси, нутқи ва бошқа назарий тушунчалар ҳақида фикр юритилади. Айниқса, роман ва эпоснинг генезеси, уларнинг муштараклиги ва фарқли томонлари, роман жанрининг тараққиёти, роман назарияси М.М.Бахтин ижодида марказий ўрин тутади. У ўз тадқиқотларида эпос ва роман истилоҳини, бадиий макон ва замон концепциясини, муаллиф ва персонаж нутқини, сюжет-композицион структурасини, “романий тафаккур” масаласини таҳлил этади. М.М.Бахтин Европа романчилиқ тараққиёт тадрижига бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган назарий-илмий масалаларга муносабат билдиради. Унинг бевосита роман назарияси, унинг генезисига бағишланган ва мазмун-моҳият жиҳатидан ўзаро бир-бирини тўлдирадаган бир неча тадқиқотлари мавжуд. Шунингдек, М.М.Бахтиннинг “Достоевский поэтикаси муаммолари” ва “Франсуа Рабле ижоди ҳамда ўрта асрлар ва Ренессанс даври халқ маданияти” деб номланган салмоқли тадқиқоти адабиётшуносликдаги фундаментал ишлардан ҳисобланади. Бу тадқиқотларида муаллиф жаҳон адабиётининг буюк ёзувчилари Достоевский ва Рабле ижодининг ўзига хос хусусиятлари, адабий-эстетик қарашлари, жаҳон бадиий тафаккури тадрижида тутган ўрни ҳақида фикр мулоҳаза юритади.

М.М.Бахтин “Эпос ва роман” номли тадқиқотида “романни жанр сифатида тадқиқ этиш алоҳида қийинчиликлари билан ажралиб туради. Бу объектнинг ўзига хослиги билан боғлиқ. Роман — бирдан-бир шаклланаётган ва ҳали тайёр бўлиб улгурмаган жанрдир” — деб ёзади. Муаллиф романни тадқиқ этишдаги муҳим назарий-илмий қийинчиликларни, ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уни ҳали шаклланиб улгурмаган жанр эканлигини таъкидлайди. У ўз тадқиқотида эпос билан романни қиёсий таҳлил этаркан, бу икки жанр истилоҳини юзага келтирувчи омиллар, уларнинг бадиий имкониятлари, воқеликни ифодалаш ва юзага чиқариш усуллари, қаҳрамонлар ҳаракати, сюжет тизими ҳамда композицион структураси

9 М.М.Бахтин. Эпос и роман // Вопросы литературы и эстетики. — М., 1975. — С. 447.

ҳақида батафсил хулосалар чиқаради. Шунингдек, эпос ва романнинг ўхшаш томонлари, фарқли жиҳатларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганади.

Маълумки, бадиий адабиётнинг асосий турлари Аристотель замонидан бошлаб учга бўлинади. Улар эпос, лирика ва драматир. Бу адабий турларга тааллуқли жанрлар мавжуд бўлиб, улар турлича бадиий асарларни ўз таркибига олади. “Эпик системанинг хил ва жанрлари эпосни ташкил этади. Бунга ҳикоя, повесть (қисса), роман, эпопея, очерк, эссе, миф, афсона, ривоят (адабий эртак, йиғи, латифа, мақол, матал, ҳикмат, афоризм) ва бошқалар киради”<sup>10</sup>. Шунингдек, эпик турга оид асарлар фақат насрий йўл билан ёзилмай, балки шеърий йўл билан ҳам ёзилиши мумкин.

М.М.Бахтин эпос (уни айрим ҳолларда эпопея ҳам деб юритади)ни, уларнинг асосий элементлари ёзув ва китобдан кўра қадимийроқдир, улар ўзларининг азалий ва оғзаки табиатларини ҳозирги кунгача ҳам озми-кўпми сақлаб келмоқда, деб таъкидлайди. Эпос романга нисбатан кексайиб ва эскириб қолган жанр дея изоҳ беради. Лекин улар адабиётда реал тарихий куч сифатида фаолият кўрсатади, чунки эпос марказида воқеа туради: эпосда воқеа (инсон эмас) ҳукмронлик қилади.

М.М.Бахтин Достоевский ижодига бағишланган тадқиқотида ижодкорнинг умумий концепциясидан келиб чиқиб, ёзувчининг янги типдаги романларини таҳлил қилади. Ёзувчи романларининг сюжет ва композицияси, образ яратиш усуллари, бадиий восита ҳамда тил хусусиятлари, қаҳрамон психологиясини намоён этишдаги маҳорати ҳамда бадиий-ғоявий концепциясини, сўз ва унинг бадиий-ижтимоий функциясини таҳлил қилади. Тадқиқотчининг қарашлари бўйича бадиий асар матнидаги гап қурилиши, ҳар бир сўз ва иборалар асар структурасини, ундаги унсурларнинг ўзаро алоқасини, ижтимоий мазмун моҳиятини тушунтиришига имкон берувчи муҳим воситадир.

М.М.Бахтин «Франсуа Рабле ижоди ҳамда ўрта асрлар ва Ренессанс даври халқ маданияти» номли тадқиқотида дунё

<sup>10</sup> Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд: Эпос. — Тошкент: Фан, 1991. — Б.7.

адабиётининг буюк намояндаси Рабле ижодининг бадиий-ювявий концепсияси, унинг халқ маданияти ва адабиёти билан боғлиқ муштараклик жиҳатларини илмий асосда таҳлил этади. Франсуа Рабле ижодиёти Шекспир асарлари даражасидаги юксак бадиий хусусиятга эга эканлигини асослаб беради. Унда ижтимоий ҳаётдаги муҳим воқеа-ҳодисалар тасвирланади. Шу боис ҳам эпос кенг маънода воқеликни кўламдор ҳикоя қилиш хусусиятига ҳам эгадир. Қадимда эпос қабила ва уруғнинг ижтимоий-маданий ҳаётини ҳикоя қилувчи оғзаки ва ёзма шаклларига эга бўлган. Мазкур тадқиқотда ёзилишича, эпос билан роман жанр хусусиятлари, мазмун-мундарижаси, сюжет ва композицион жиҳатидан бир-бирига ўхшаш. “Йирик жанрлар ичида фақат романгина ёзувдан ва китобдан кўра ёшроқдир, ёлғиз угина вужуд-вужудидан қабул қилиш шаклларига, яъни ўқишга мослашган. Лекин энг муҳими шундаки, романнинг бошқа жанрларникига ўхшаган қатъий қолипи йўқ: романнинг жанрий қолипи эмас, балки алоҳида намуналаригина тарихий куч сифатида фаолият кўрсатади”<sup>11</sup>. Романнинг баъзи турларида эпосдаги каби жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган, халқ, жамият ва тарихнинг тараққиёт тақдирини белгиловчи воқеалар, муаммолар бадиий акс этади. Романдаги воқеликнинг кенг кўламда ифодаланиши эпосга хос хусусиятлардан ҳисобланади ва унга ўхшаш жиҳатларини кўрсатади. Лекин роман жанрида макон ва замонда ҳаракат қилувчи, яшовчи инсон шахси билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ифодаланади, инсоннинг қисмати, тақдири, фожиаси, ранг-баранг руҳий олами, қалб кечинмалари тасвирланади. “Эпос” термини кенг ва тор маъноларда ишлатилиши, у эпик жанрлар системасини, яъни адабий тур сифатида қўлланилиши, алоҳида олинганда эса, асарларнинг жанрини белгилашини изоҳлайди. Адабиётшунос ушбу тадқиқотида роман жанрининг хусусиятлари, шаклланиш жараёни, тараққиёт тадрижи, бадиий нутқ унсурларига кенг ва батафсил тўхталади. Романни жаҳон тарихининг янги даври туғиб вояга етказганлиги, шу боис ҳам ўзига хос бениҳоя кўп турларига эга бирдан-бир жанр эканлигини таъкидлайди. Бошқа жанрларга нисбатан роман макон ва замон (ўтмиш,

<sup>11</sup> М.М.Бахтин. Эпос и роман / Вопросы литературы и эстетики. — С. 449.

ҳозир ва келажак заминиди ҳам)да кечувчи воқеа-ҳодисаларни тасвирлай олиши, у янги даврга тайёр ҳолда эмас, балки ўзига хос жиҳатлар билан кириб келганлиги, барча жанр хусусиятларини ўзида жам этиши, реал тарихий куч сифатида фаолият кўрсатишини таъкидлайди.

Маълумки, табиатнинг онгли мавжудоти инсон ижтимоий ва биологик характерга эга бўлиб, у бошқа жонзотлардан ўзининг хотираси, тафаккури, тили, ахлоқий нормаларга амал қилиши, борлиқнинг макон ва замонида ҳаракат қилиши, воқеа-ҳодисалар жараёнида иштирок этиши, муносабат билдириши, нарса-предметларни англаши, моддий ва маънавий бойликларни ишлаб чиқариши, ўзи яшаётган муҳит ва шароитни ўзгартириши каби хусусиятлари билан фарқланади. Муаллиф антик роман тарихи ҳақида “катта адабиёт бўсағасида инсон норасмий ҳаёт кечирганлиги”, шунда ҳам шаклланган ва аниқ жанрий қиёфасига эга бўлганлиги, тайёр ҳолда ҳаракат қилганлигини илмий-назарий жиҳатдан мисоллар билан исботлайди. Роман жанр сифатида ўз табиатини сақлаб қолгани боис ҳам у туб структурал хусусиятларига кўра эпос билан жинсдошдир.

М.М.Бахтин романнинг шаклланиш жараёнидаги муҳим ва қизиқарли вазифаларини, ҳолатларини келтириб ўтади. Унинг ўзига хос турлари қуйидагиларда кўринади. Биринчи жиҳати “жанрий синкрет”, яъни бутун адабиётни қамраб олишидир. Бу ҳол эллинизмнинг айрим даврларида ва ўрта асрчилик, Ренессанснинг сўнгги босқичларида содир бўлганлиги исботланади. Иккинчиси, роман ҳукмронлик қилган даврларда бошқа барча жанрлар “романлашади”, драма ҳам (масалан, Ибсен, Гауптман драмалари), поэма ҳам (Байроннинг “Чайлд Ҳарольд”и ва айниқса, “Дон Жуан”и), ҳаттоки, лирика ҳам (энг ёрқин мисол Гейне лирикаси). Учунчиси, ижодкорнинг бадиий ниятига боғлиқ бўлмаган ҳолда жанр ўз қолипларида пародиявий стилизация билан қарши олинади. Шунингдек, роман ўз-ўзига танқидий муносабатда бўла олади.

Муаллиф “Эпос ва роман” номли тадқиқотида бошқа жанрларнинг романлашиш ҳодисаси, уларнинг ўзаро бир-

бирига таъсири ва ўзгариб боришини илмий-назарий жиҳатдан баҳолайди.

М.М.Бахтин ярим асрдан кўпроқ бадиий асарнинг илмий-фалсафий муаммолари бўйича изланишлар олиб борди. Унинг тадқиқотларида асарнинг ички мазмун-моҳияти бадиий-эстетик нуқтаи назардан таҳлил этилган. Бахтиннинг эстетик дунёқарашини тушуниш учун унинг XX асрнинг 20-йиллари биринчи ярмидаги тадқиқотларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бу даврда яратилган тадқиқотларида М.Бахтин илмий муаммоларни ҳамда янги назарий қарашларни очади. Унинг илмий позициясида бадиий асарларни “моддий эстетика” нуқтаи назардан талқин этиш, энг муҳим образларга танқидий муносабатда бўлиш муҳим аҳамият касб этган. Бахтин танқидий мақолаларида асар муаллифидан тортиб, қаҳрамон характери табиатигача муносабат билдиради. Бу борада у фалсафий мушоҳада қилиб, танқид ижтимоий ҳаётнинг қимматли манбай, деб таъкидлайди.

Агар, М.М.Бахтин 20-йилларда бадиий асарнинг умумий эстетикаси, методологияси, гоёвий-фалсафий тушунчаси, асар тили билан шуғулланган бўлса, 30-йилларда олим тарихий поэтика, асосан, адабий жанрлар поэтикаси каби муаммолар билан қизиқади. Роман ҳақидаги илмий тадқиқотлари агрофида шундай саволлар пайдо бўлади. Адабиётда инсон образининг тадрижи қандай? Макон ва замон асосий координат сифатида дунёнинг бадиий манзарасини қандай тасвирлайди? Тарихий тақдир сўз ва ранг-баранг маданий сфераларда ва адабий жанрларда қандай ифода этилган? Халқ оғзаки ижоди ва бадиий образ муносабати каби масалалар агрофида баҳс мунозара қилади.

Бадиий адабиётда инъикос этилувчи макон ва замонни ҳар тамонлама ўрганиш, уларни ифодаловчи тушунчаларга поэтиканинг муҳим категорияси сифатида ёндашиш жаҳон адабиётшуносларини доим қизиқтириб келган. Бадиий макон ҳамда бадиий замонни типологияси билан Н.К.Гей изчил шуғулланган. Шунингдек макон ва замон муаммоси бўйича А.Ф.Лосев, Ю.Лотман, М.С.Коган, Д.Н.Медриш каби олимлар ҳам тадқиқот олиб борганлар. Бу каби илмий изланишларнинг натижаси сифатида “Ритм, пространство

и время в литературе и искусстве” (Л., 1974) коллектив тўплами нашр этилган.

М.М.Бахтин томонидан адабиётшуносликка олиб кирилган “Хронотоп” (маъноси: “замон - макон”) тушунчаси бадиий макон ҳамда бадиий замонни узвий боғлиқликда ўрганишга кўмаклашади. У романлардаги макон ва замон шаклини бадиий адабиётнинг муҳим категорияси, оламнинг бадиий моделини яратишдаги образ сифатида тадқиқ этади. Бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг муҳим характерли хусусияти, бадиий образ сифатида мақсад ва ғояни таъмин этувчи ҳаракатни юзага келтирувчи композицион структурани уюштиришдан иборатдир. Бу ҳақда М.М.Бахтин ўзининг “Формы времени и хронотопа в романе” (“Романда макон ва замон шакли”) номли тадқиқотида ёзади: “Бадиий адабиётдаги объектив реал тарихий замон ва маконда кечувчи воқеа ҳодисалар, бу воқелик жараёнида ҳаракат қилувчи руҳий оламни ички кечинма, туйгулар орқали намоён бўлувчи реал тарихий инсон томонидан ўзлаштириш жараёни мураккаб ва узилишлар билан кечади”<sup>12</sup>. Инсоният тараққиётининг ушбу тарихий босқичига мувофиқ келувчи макон ва замоннинг алоҳида жиҳатлари ҳамда объектив реал борлиқни ўзлаштирилган манзаралари, бадиий моделининг инъикоси сифатида жанр имкониятлари ва методларидан келиб чиқиб бадиий қайта ишланади. М.М.Бахтин адабиётшуносликдаги бадиий ўзлаштирилган макон ва замонни, уларнинг муносабатларини, ўзаро алоқасини хронотопда намоён бўлишини асослайди.

Бадиий асарнинг мазмун мундарижаси, ният-мақсади бадиий-фалсафий ғояси қаҳрамон характери, образнинг руҳий олами, сюжет ва композицияси кабиларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида унсур ҳисобланса, уларни ички жиҳатдан боғлаб турадиган восита макон ва замон образидир. Асарнинг бадиий макон ҳамда бадиий замонга мос белгиларининг маъно-мазмун ва умумийлик, аниқлик жиҳатидан қўшилиши муҳим ўрин тутади. Адабий-бадиий образ ўз вақтида шаклий аҳамиятга эга бўлса-да, ўзининг мазмун-мундарижаси макон ва замон орқали дунёнинг манзараси рамзийликда намоён бўлади.

<sup>12</sup> Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. — М.: Художественная литература, 1986. — С. 121.

Бадиий макон ҳамда бадиий замонда реал кундалик воқеа-ҳодисалар қуюқлашади, зичлашади, қаҳрамонлар муносабати кескинлашади, муаллиф ҳар қандай ҳолатда ҳам замоний мақсад, ғояни ифода этади. Айниқса, роман жанрида бундай вазият кўламли тасвирланади. Романда маконнинг интенсификациялаши, сюжет (вақги) замонига тарихнинг воқеа-ҳодисалар жараёнининг тортилиши илмий асосланади. М.М.Бахтин бадиий макон ҳамда бадиий замон ҳақида фикр юритар экан, бадиий асарда замон (вақт) белгиларининг маконда намоён бўлишини, ёрқинроқ очилишини, макондаги нарса-предметлар воқеа-ҳодисалар жараёни замонда идрок этилишини ва замон (вақт) билан ўлчанилишини алоҳида таъкидлайди. Адабий тур ва унинг жанрлари айнан бадиий макон ҳамда замон билан белгиланади. Чунки ҳар бир тур ва жанрларда яратилган асарларнинг ўз бадиий макони ҳамда бадиий замони бўлади. Хоҳ у катта жанрда бўлсин, хоҳ у кичик жанрда бўлсин макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисаларни тасвирлайди ёки ўша воқеликка муносабат билдиради. Ижодкор ўз асарининг мазмун ва мавзуси ҳамда ифодалаётган воқеа-ҳодиса жараёни, илгари сураётган мақсад-ғоясига мос тарзда бадиий макон ҳамда бадиий замон манзарасини чизади. Бадиий адабиётда макон ва замон асарнинг шаклий-мазмуний категорияси сифатида инсон образини ҳар тамонлама тасвирлашда, ранг-баранг руҳий оламларини, қалб кечинмаларини акс эттиришда муҳим аҳамият касб этиб, кўп жиҳатларни белгилайди. Шунинг учун ҳам инсон образи бадиий макон ҳамда бадиий замон билан узвий боғлиқликда кенг кўламда тасвирланади.

Бадиий асарнинг бу ерда бош вазифаси инсон образини аниқлик ва махсус мавзу асносида тасвирлашдан иборатдир. Чунки инсон объектив борлик, олам ва табиатнинг онгли мавжудоти, у оламнинг муайян макон ҳамда замонида яшайди, ҳаракат қилади. Ана шу макон ва замондаги воқеа-ҳодисалар жараёнида фаолият кўрсатиш орқали борлик ва табиат ғаройиботларини билишга, ўзи яшаётган муҳитни, жамиятнинг сир-синаотларини ўрганишга, уни гўзаллаштиришга интилиб яшайди. Айниқса, жамият воқеалари билан бирга ўз-ўзини ўзгартиришга, ижтимоий қобилиятларини намоён этишга интилади.



М.М.Бахтин инсон ҳаётидаги, кундалик реал турмушидаги механик ҳаракатини фақат макон ва замонда ташқи ҳамда ички жиҳатдан боғлиқлигини таъкидлайди. Чунки инсон ҳаётда бирор-бир ният-мақсадда ҳаракат қилади, ана шу фаолият унинг ички ғояси, орзусини амалга оширишдаги муҳим қадам ҳисобланади. Бундай маконий замон анъанавий маконий майдоннинг масофа ва ориентир жиҳатдан бир неча кўринишларида намоён бўлади. Бадиий адабиёт инсониятнинг макон ва замондаги фаолиятини, у билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар жараёнини, нарса-предметлар тартиби, жойлашишини акс эттирар экан, ҳаётнинг бадиий образи сифатида теварак-атрофдаги реал воқеликнинг моҳият-мазмунини билишга ёрдам беради. Инсоният маданиятида учта нарса муҳим ҳисобланиб, булар: илм-фан, санъат ва ҳаётдир. Бу учта нарса бирликда инсонни шахс сифатида шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Чунки ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг сир-синоатларини ўрганиш, уларни ўзгартириш, ўз мақсад-манфаати йўлида мувофиқлаштиришга ҳаракат қилиш орқали инсон шахсияти номоён бўлади. Бундай муштараклик алоқаси ҳаётий жараёнда содир бўлади. Бадиий адабиётда макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёни билан бирга инсоннинг қалб кечинмалари, руҳий олами, онг ва тафаккуридаги фикр-мулоҳазалари тасвирланади. Шунингдек, “инсон зоти учта буюк қудрат — тана, руҳият, ва маънавиятнинг йиғиндиси”<sup>13</sup>.


М.М.Бахтин бадиий макон ҳамда бадиий замонни, унинг реал воқеликка муносабатида поэтик бирлигини белгилайди. Барча замон ва макон тушунчалари санъат ва адабиётда бир-биридан ажралмас ва доимо ҳиссий қадрият жиҳатидан ранг-барангдир. Жумладан, бадиий асардаги макон ва замон муҳим мазмуний-шаклий категория ҳисобланиб, асар сюжетини юзага чиқаришда, композицион қурилишида, қаҳрамон руҳий оламининг намоён бўлишида, мазмун ва ғояни акс эттиришда катта аҳамиятга эга. Инсон онгидаги мавҳум тафаккур, дунёқараш орқали бадиий асар сюжетини замон (вақти)да, ундаги воқеа-ҳодисалар жараёни ҳамда замонни

<sup>13</sup> Ёқубов И.А. Ўзбек романи тадрижи. — Тошкент, 2006. — Б.14.

намоён этувчи макон, унда тартибланувчи, жорийланувчи нарсалар-предметлар англашилади. Инсон ҳиссий фикрлаш ҳолатида объектив борлиқдаги, ўзини ўраб турган муҳит ва шароитдаги барча ҳодисаларнинг моҳиятини англашга, идрок этишга, тушунишга ҳаракат қилади.

Адабиётшунос М.М.Бахтин бу жиҳатдан роман таҳлилига алоҳида аҳамият қаратади. Романнинг сюжет ҳамда композицион структурасида бадиий макон ва замондаги ҳаётнинг воқеа-ҳодисалари кенг қўламда тасвирланади. Инсон онги, тафаккури, табиати билан боғлиқ қарашлар ўз ифодасини топади. Романнинг бадиий макон ҳамда бадиий замонда ҳаракат қилувчи қаҳрамон сюжет вақти (замони)нинг турли кўринишларида намоён бўлади. Муаллифнинг роман қаҳрамони ҳақидаги қарашлари, қаҳрамон характеридаги ўзига хосликни, психикасини, индивидуал хусусиятларини, тақдири, фожиасини сюжет вақти (замони) тасвири жараёнида ҳаёт ҳодисаларини замондаги сабабий кетма-кетликда жойлаштириш тамойили асосида ёритади. Бадиий макон майдонидаги воқеа-ҳодисаларни мантиқий изчиллигини таъминлашга имкон беради. Шу боис ҳам қаҳрамон доимо романнинг буюк формуласидир. Эпик романда сюжет тартибланиши, композицион қурилиши ва воқеаларнинг маконда ўзгаришини бадиий-мантиқий далиллаш лозим. Чунки роман жанридаги жуда катта ранг-баранг хусусиятлар, унинг сюжет, композицияси ҳамда романнинг ҳамма ички қурилишини ана шу мустаҳкам, жонли ва табиий яратилган қаҳрамон мантиғи билан биргаликда намоён бўлади. Романда макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисаларнинг қаҳрамонлар онги ва қалбига таъсири, хотира ва тасаввурлар, шахснинг жамият билан чамбарчас алоқадорлигини М.М.Бахтин чуқур таҳлил этади. Шу боис ҳам муаллиф адабий қаҳрамонга таъриф бераркан, биринчи галда, унинг ижтимоий қиёфасига аътиборини қаратади.

Сюжетнинг юзага чиқишида бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг ўрни ва аҳамияти муҳим сюжет вақти (замони)да ижодкор "мен"и орқали ҳиссий идрок этилади. Ижодкорнинг руҳий эркин фантазияси орқали макон ва замонда яшовчи, ҳаракат қилувчи кишининг ўзига хос индивидуаллиги, онг



ва тафаккуридаги пўртаналар ҳам ўз ифодасини топади. М.М.Бахтин “Бадиий асар системали бутунликдир” тезиси таркибига бадиий макон ҳамда бадиий замонни асосий категория сифатида киритади. Асар структурасини, ундаги унсурларнинг ўзаро алоқаларини тушуниш, тушунтиришда бадиий макон ҳамда бадиий замон таҳлили муҳим деган хулосага келади. Унинг фикрича, адабиётшунослик учун макон ва замон тушунчасининг нисбийлик назариясидаги ўша махсус маъноси муҳим эмас, балки унинг қарийб метафора сифатида кўчирилиши аҳамиятлидир. Унинг таъкидлашича, объектив борлиқ — оламнинг маконий-замоний мавжудлик шакли бадиий адабиётга метафорик образ сифатида кўчирилади. Оламнинг бутунлиги реал ҳаёт манзараси макон ҳамда бадиий замонда метафора орқали тасвирланади. Маконда содир этилган воқеа-ҳодисалар замонавий фалсафий қарашлар асосида намоён бўлади. Асарда ўзгартирилган бадиий макон ҳамда бадиий замон ҳаётний воқеаларни ҳар томонлама англаш воситаси сифатида хизмат қилади. Бадиий макон ҳамда бадиий замон (вақт) одатда асар персонажининг хатти-ҳаракати, унинг характери ва кайфияти, портрети ҳамда асар сюжети ва композицияси орқали юзага чиқади. Бадиий вақт билан реал (астрономик) вақтни таққослаганда, бадиий вақтнинг эстетик категория сифатидаги хусусиятларини чуқурроқ тасаввур қилишимиз мумкин.

“Ўрта асрлар эстетикасида ҳам вақт инсон онгининг асосий унсурларидан бири сифатида қаралган. У пайтда вақтни икки хил ўлчов билан ўлчашган: табиий ва тарихий вақт сифатида. Биринчи ўлчовни фасллар, осмон жисмларининг жойлашиши ва ҳаракатланиши, ҳосилни йиғиб олиш кунлари ва ҳоказоларда қўллаганлар. Иккинчи — тарихий ўлчов эса, динга боғланган ҳолда ишлатилган: яъни насронийларда Исо пайгамбарнинг туғилган куни, ўтган замонни билдиришда дунёнинг яратилиши ва келаси замонни англатишда эса охираат тушунчалари назарда тутилган ҳолда қўлланилган”<sup>14</sup>. Бошқача қилиб айтганда, “ер салтанати” ва “осмон салтанати” деб фарқлашган.

<sup>14</sup> Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. Сб. статей. Ответ. Ред. Б.Ф.Егоров. — Л.: Наука, 1974. — С. 11.

М.М.Бахтиннинг таъкидлашича, бадий асарда бу ҳодиса бир мунча мураккаброқ шаклда акс этади, чунки асардаги воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам бирин-кетин хронологик тартибда содир бўлавермайди.

Бадий макон ҳамда бадий замонда реал вақтнинг намоён бўлишида ўтмиш воқеалари қуюқлашади, зичлашади, ихчамлашади. Ҳаётда бўлгани каби бадий макон ҳамда бадий замонда ҳар хил характерга эга бўлган кишилар ҳаракат қилади. Бахтиннинг кузатишича, воқеа давомида ўтган куну тунлар, соату дақиқалар ҳисобига киргизилган юнон романларида барча воқеалар на тарихий вақтга ва на биографик вақтга тўғри келади. Бундай бўм-бўш вақт ўзидан кейин из ҳам қолдирмайди ва бундай вақт адабиётшуносликда авантюра, яъни таваккал вақт деб юритилади. Бадий асарда тасодифлар жуда ҳам тез бирин-кетин давом этади: ҳар куни, ҳар соатда, ҳатто бир пайтнинг ўзида шундай бўлиши мумкин. Кунлар, соатлар дақиқаю сониялар бирикмайди. Авантюра вақтда инсониятнинг куну тун ҳосил бўлмайди, шунинг учун ўзидан кейин из қолдирмаган вақт қанча вақт бўлмасин давом этаверади.

Бадий макон ҳамда бадий замонда романларнинг сюжети бир-бирига яқинлиги жиҳатдан, элемент ва моговлари бир хилликдан иборат бўлади. Айрим романларда бу элемент ва унсурларнинг сони ўзгаради. Уни сюжетдаги салмоғи ҳамда композицияси ўзига хос бўлади. Сюжетнинг типик схемасини енгил қуриш ва вариантларини алоҳида-алоҳида ҳамда осон кўрсатиш мумкин.

Бу сюжет ҳаракати жуда ҳам кенг қамровли ва географик (худудий) жиҳатдан аниқ ишончли фонда кўрсатилади. Масалан, воқеа-ҳодисалар уч ёки беш мамлакатда, денгиз, ўрмон ва тоғларда содир бўлиши мумкин. (Юнонистон, Эрон, Финикия, Миср, Бобил, Ҳабашистон в.х.). Романда жуда мукамал мамлакатларнинг ижтимоий ҳаёти маданияти, анъаналари тасвирланади.

Сюжетнинг асосий нуқтасида аёл ва эркакнинг биринчи учрашуви, оловли муҳаббати, ишқий муносабатлари ифодаланади: сюжет вақт ва маконда, ҳаракат қилувчи нуқтасида икки ёш оила қуради ва уларнинг кейинги тақдири

кўрсатилади. Ана шу икки нуқта орасида романнинг бадий макон ва замондаги воқеа-ҳодисалари тасвирланади. Бу нуқталарнинг ўзи бадий макон ва замон сюжет ҳаракатининг термини ҳисобланади. Қаҳрамонлар ҳаётидаги энг муҳим вазият, ҳолатлар, буларнинг бари ўз-ўзи билан биографик маънога эгадир. Уша қаҳрамонларнинг фожиавий ҳаётида, уларнинг изтироблари, ташвишлари, тасодифий воқеалар, кундузими, кечқурунми, саотдами, лаҳзадами фарқсиз равишда тасвирланаверади. Авантюр вақт романда кескин ҳаётӣй воқеа-ҳодисалар билан ифодаланади: бир кун, бир соат, ҳатто бир дақиқа илгари ёки кеч уларнинг ҳаммаси ҳал қилувчи маънога эга. Уларни қанча бўлса ҳам чўзиш, узайтириш кифоя. Чунки улар ички бир боғлиқликка эга эмас.

Ўрта аср ва уйғониш даври рицарлик романларини ўрганган тадқиқотчилар, жумладан, В.Шкловскийнинг сюжет табиатига доир асарларида мўъжизавий вақт тушунчасини учратамиз<sup>15</sup>. Бундай вақт бирлигида худди фольклордагидай муболаға, мўъжиза туфайли реал ёки тарихий вақтда содир бўлиши мумкин бўлган воқеалар рицарлик романларда “бир зумда, бир сонияда” юз бериши мумкин. Асар сюжетидаги воқеалар кетма-кетлиги тезлашади. Мўъжиза ҳар доим юз бермаслиги мумкин, бироқ ёзувчи бунга эҳтиёж сезганда мўъжизавий вақт тушунчаси унга ёрдамга келади. М.Сервантеснинг “Дон Кихот” романида шундай мўъжизавий вақт кузатилган.

Аммо М.М.Бахтин таъкидлаганидек, ижодкор реал, яъни кўрсатилган макон ва замондан узоқда ҳаракат қилса-да, у бадий макон ҳамда бадий замон билан боғлиқликда намоён бўлади. У кўрсатилаётган ҳаётӣй воқеаларда иштирок этувчи ҳикоячи (ровий) кўз қарашидаги ёки ёрдамчи муаллиф томонидан ёки охирида ҳеч ким ёрдамсиз ҳикояни ижодкор томонидан тасвирлайди (тўғридан-тўғри муаллиф нутқи орқали). Шундай ҳолатда ҳам у макон ва замоннинг бадий манзарасини, жараёнини ўзи кўргандек, воқеа-ҳодисаларни ўзи гувоҳи бўлгандек, кузатгандек ифода этади.

Ҳар хил дунёда, ҳар хил макон ва замонда ҳеч қачон бир-бирига қўшила олмайдиган, уйғунлаша олмайдиган

<sup>15</sup> Шкловский В. Энергия заблуждения. Книга о сюжете. — М.: Сов. писатель, 1981. — С. 97.

воқеа-ҳодисалар бадиий макон ҳамда бадиий замонда бири-бири билан узвий боғланади. Реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар рамз ва бадиий воситалар, образлар орқали бадиий макон ҳамда бадиий замонда ифода этилади.

Адабиётшунос М.М.Бахтин хронотоп (макон ва замон) тушунчасини биргина Ф.Достоевский романлари таҳлили ва тадқиқи жараёнида қўлламаган. Бу олим дастлаб Уйғониш даври романларини, хусусан, П.Ф.Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэл” романи таҳлили орқали Уйғониш даври романчилигида хронотопнинг бадиий асардаги иштирокини жиддий ўрганган<sup>16</sup>. Шунингдек, М.М.Бахтин ишларида тилга олинган ҳодиса “онг оқими” (поток сознания) 90-йиллар адабиётшунослигида хотира вақти (замони), хотира макони (жойи) тушунчаси ҳам юзага келди. Бунда қаҳрамон хотираси унинг шу кундаги турмуш тарзи билан боғлиқ ҳолда тасвирлангани учун хотира вақти сюжет вақтидан ташқарида кўрилмайди, балки унинг хотирасида келтирилган воқеалар баёни сюжет элементлари сифатида тасвирда сақлангани учун ҳам хотира вақти сюжет вақтининг таркибий қисми сифатида қаралади. Адабиётшунос олим А.Г.Бочаров ўз тадқиқотларида М.Пруст, В.Вульф, В.Быков, Ю.Трифонов асарларига нисбатан ана шу хотира вақти истилоҳини қўллаган<sup>17</sup>.

Эпик асарларда қаҳрамон ҳаётининг турли давларидан олинган воқеа-ҳодисалар қаламга олинади. Шу боис бадиий макон ҳамда бадиий замон чек-чегарасиз тасвирланади. Сюжет вақтида бўшлиқнинг ўзи сезилмайди. “Зеро чинакам санъаткор ижод онларида воқеликдан узилади, бу илоҳий дамларда унинг учун вақт чегаралари мавжуд эмас – у ўтмиш, ҳозир ва келажакни бирлаштирган катта Вақт ҳукмида яшайди. Табиийки, асарда ҳам фақат ўша ижодий жараён, санъаткорнинг ижод онларидаги ўй-ҳислари моделигина мужассамдир”<sup>18</sup>.

<sup>16</sup> Қаранг: Бахтин М.М. Собрание соч. В 7-и томах. Т.3. – М.: 1996. – С. 216.

<sup>17</sup> Бачаров А.Г., Суровцев Ю.И. Литературно-художественная критика. – М.: 1982. – С. 171.

<sup>18</sup> Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ НМАК, 2004. – Б. 228.

Адабиётшунос М.Бахтин ҳам Ф.Достоевский романлари тадқиқи жараёнида ана шундай ижодкор моделини тўғри тушуниб фикр-мулоҳазалар юритган. У Ф.Достоевский романлари поэтикасида муҳим ўрин тутган туш вақтини алоҳида ўрганади. Туш вақти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар жараёнининг макони (жойи)ни эса, инсон онги билан боғлиқ вазият деб баҳолайди. Инсон ухлаганда ҳам унинг онги фаолиятда бўлишини таъкидлайди. Чунки Ф.Достоевскийнинг деярли ҳамма романларида бундай эпизодлар учрайди ва туш вақти ҳамда жойи маълум вақтда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга олдиндан ишора қилиниши ёки М.Бахтин термини билан айтганда, “поэтик башорат” вазифасини ўтайди.

Бадиий макон ва замон адабиётшунослар, ижодкорлар томонидан бадиий асарнинг алоҳида бадиий-эстетик категорияси сифатида ўрганилмоқда. Жумладан, ёзувчи Л.Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” асарида уруш замони (вақти) ва макони муаммоси, бир томондан, инсон озодлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ақл-идрокка, яъни ўша озодликнинг мазмун-моҳиятини англаш, идрок этиш, тушуна билишга боғлиқдир. Л.Толстойнинг фикрича, инсоннинг ақли, онги қанчалик узоқ асрлар воқеа-ҳодисаларни ўз ичига қамраб олса, шунчалик озодлик қонуни тушунарлироқ бўлади. Муаллиф “Уруш ва тинчлик” асарида шундай хулосага келади: “Инсон ҳеч қачон озодликнинг қадрига урушдагидай етмайди”. Бу ерда астрономик (календар) вақт ҳамда ҳудудий макон (жойни бадиий макон ҳамда бадиий замонни таққослаш тариқасида ўз ўрнига эга бўлган фалсафий тушунча). Ф.Достоевскийнинг “Ёзги таассуротлар ҳақида қишки битиклар”идаги кундалик ёзувлар қиш билан боғлиқ ҳолда кечади. Таассуротларни эса муаллиф – ўтган воқеаларни ёдга олган ҳолда ёзади. Тасвирлар, асосан, ҳозирги замон шаклида ёзилган бўлишига қарамасдан, муаллиф ярим йилда ҳеч нарса ўзгармаганини таъкидлайди. Унинг хаёлида гўё ҳамма нарса тўхтаб қолгандек. Бу ҳолат фақат ёзда ҳам шундай бўлишини ва эртанги кунлар ҳам худди шундай давом этишини таъкидлайди<sup>19</sup>. Муаллифнинг фикрича, бир сонияга ҳам тўхтаб

<sup>19</sup> Ритм, пространство, время в художественном произведении. — Алма-Ата: 1984. — С. 71-72.

турмайдиган, доимий ҳаракатланувчи ҳодиса бўлиб, бу ҳам бўлса вақтдир. Ўтган кунни ёд олиш ва эртанги кунни орзу қилиб тасвирлаш бугунги кунни келтириб чиқаради. Бадиий асарда вақт бирликлари фақат йил билангина кифоя топмайди. Фасл, ой, ҳафта, кеча, кун, тун, ҳатто соат, дақиқа, сониялар ҳам ўз бадиий функциясига эга. Улар сюжетни шакллантириб, қаҳрамон, персонажларнинг характерлари, психологиясини юзга чиқариш ишига ёрдам беради. Лексик жиҳатдан бу сўз, рақамлар вақт (замон) ва инсонни давр, макон ичидаги динимий ҳаракатланишини англатади.

“Вақт (замон) ўз-ўзидан макон (ёхуд микромакон) тасвирини тақозо этади. Зеро, улар абадулабад бир-бири билан ушғи, жипс боғланган. Вақт аломатлари маконда мавжуд бўлгандек, макон замон орқали тушунилади, инкишоф этилади”<sup>20</sup>. Бинобарин, бадиий асарда, хусусан, романда бадиий замон ҳамда бадиий макон (хронотоп) уйғунлигида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, персонажларнинг ўзаро алоқа-муносабатлари, тўқнашув-зиддиятлари тасвиридан иборатдир. Бадиий асарда бир бутунлик сифатида анланган маконий ва замоний белгилар бир ўринга қўйилади. Бу ерда вақт қисқаради, зичлашади, қуюқлашади, бадиий, кўринарли аҳамият касб этади, вақт сюжет ва тарих сари ҳаракатланади. Вақт (замон) мавжуд экан, макон ҳам ўз ўрнида вақт билан ҳамнафасдир. Макон тасвири бевосита бош қаҳрамон ҳамда ёрдамчи образлар — персонажлар ҳаёти, шахси уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, саргузаштлари, сафарлари билан боғлиқ. Шунингдек, бадиий асарда бир макон бирлиги ўзгасига кўчиши ҳам мумкин. Ҳар бир маконий birlik аломатлари кенг, ҳар томонлама, батафсил бадиий ифодасини, тарихий, этнографик, жуғрофий маълумотларни бирма-бир берилишини тақозо этади.

Бадиий асар воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилиш жараёнида икки хил макон ва замон (вақт) ҳолатига дуч келамиз. Биринчи, сўзлаб берувчи, яъни муаллиф томонидан белгилаб қўйилган вақт ва макон, иккинчиси, воқеанинг ҳаракат вақти (замони) ва ҳолати. Биринчи ҳолат матнда аниқ қайд этилмайди, у асарда билвосита намоён бўлади,

<sup>20</sup> Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. — С. 122.



бу ҳолат асар воқеаларини ва қаҳрамонлари табиатини тушунишда ниҳоятда муҳим бўлиб қолади. Иккинчи ҳолат доим аниқ бўлади, чунки бу ҳолат бизга маълум бўлган макон ва замон (вақт)ни англатади<sup>21</sup>. Бадиий асардаги макон, шу жумладан, микромакон тасвирида ижодкорнинг эстетик идеаллари билан бир қаторда миллий дунёқараши, тафаккури ҳам акс этади. Шу боис ҳам асарнинг бадиий макони ҳамда бадиий вақти (замони) ижодкор томонидан танланади, унинг тафаккури (субъекти) орқали қайта ишланиб тасвирланади. Шу кабиларни тадқиқ этишда ижодкорнинг адабий-эстетик қарашларини инобатта олиш лозим.

Бадиий асарнинг сюжети ва унинг таркибий қисмлари (экспозиция, ситуация, тугун, воқеалар ривожини, кульминация ва ечим) бадиий макон ва замонда юзага келади ҳамда ечилади. Шунингдек, асар сюжети ҳам, бадиий макон ва замон билан узвий боғлиқдир. Чунки асардаги ҳар бир воқеа, ҳодисанинг содир этилган макони (жойи) ҳамда юзага чиқарилиши лозим бўлган вақти (замони) мавжуддир. Масалан, бадиий асардаги (кўпроқ насрий асардаги) тонг, пешин, оқшом, кеч, тун, ёз, куз, қиш, баҳор, кун, ҳафта, ой, йил, аср сингари вақт унсурлари сюжет ривожини, қаҳрамонлар ва персонажларнинг руҳий оламини ёрқинроқ намоён бўлишида, улар билан боғлиқ саргузаштларни ифода этишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай воқеа тизими бадиий замондан, аниқроғи, унинг муайян бир қисмидан ташқарида содир бўлмаслиги, ривожланмаслиги маълум.

Бинобарин, бадиий асарда замон (вақт) унсурлари, бадиий ҳудудий замонда ўзаро бирлашиб, тугашиб, аниқ бир тарихий даврнинг эпик манзарасини юзага келтиради. Реал ҳаётини воқелик манзарасини инъикос этувчи бадиий макон ҳамда бадиий замон асарда бирор мақсадга, ғояга асосланган ҳолда ифода этилади. Бадиий макон, бадиий замон ҳамда бадиий макон (хронотоп) уйғунлигида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, персонажларнинг ўзаро алоқа-муносабатлари, тўқнашув-зиддиятлари тасвирдан иборатдир. Бадиий макон ҳамда бадиий замонда ижтимоий ҳаётдаги воқеа акс этади ва унинг жумбоқлари, зиддиятлари, мураккабликлари тасвирланади.

<sup>21</sup> Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. — С. 234-235.

Бадиий макон ҳамда бадиий замонда юзага келувчи сюжетлар бир-бирларидан янгилиги жиҳатидан кескин фарқ қилади. Айрим романларда юқоридаги унсур ва элементларнинг сони, ташкилланиши, ранг-баранглиги, кўриниши ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Романда турли мамлакат халқларининг ижтимоий ҳаёти, маданияти, анъаналари, хусусиятлари бадиий макон ва замонда ифода этилади.

М.М.Бахтин роман поэтикаси ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни қаҳрамон қалб диалектикаси, реал ҳаётдаги ҳаракати, унинг саргузаштлари билан боғлайди. Романда саргузашт воқеа-ҳодисалар бир-бири билан бадиий маконда ҳамда бадиий замонда боғланиши мумкин, — деган хулосага келади. Зеро, улар ички маъно-мазмун, моҳиятда боғлиқликка эга бўлмаса-да, асарнинг ғоявий-бадиий концепцияси учун хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот ижодкор субъектига, бадиий асар поэтикаси ҳамда пафосига ҳам эътиборини қаратади, унинг асарда тасвирланган ўтмиш дунёсидан, кўрсатилаётган макон ва замондаги воқеа-ҳодисалардан узоқда ҳаракат қилса-да, аммо ўша бадиий макон ҳамда бадиий замон билан боғлиқ равишда намоён бўлади. У тасвирланаётган маконий-замоний воқеа-ҳодисаларни, ҳаётий манзараларни иштирок этувчи қаҳрамон қарашлари, нуқтаи назаридан ёки ҳикоячининг дунёқаришидан ёки яширин ҳолатдаги муаллиф томонидан ёки охир-оқибатда ҳеч ким ёрдамисиз асар муаллифи томонидан ифода этилади, яъни асар сюжети воқеа-ҳодисалари тўғридан-тўғри муаллиф нутқи орқали ҳикоя қилиниши мумкин. Бундай ҳолатларда муаллиф ҳам бадиий макон ҳамда бадиий замонда содир этилган воқеа-ҳодисаларни ўзи кўргандек ёки кузатгандек ифода этади. Объектив борлиқнинг, дунёнинг ҳар хил макони ва замонида юз берган реал, ҳақиқий воқеа-ҳодисалар ҳеч қачон бир-бирига қўшила олмаслиги, уйғунлаша олмаслиги мумкин, аммо улар бадиий макон ҳамда бадиий замонда бир-бири билан узвий тарзда боғланиб тасвирланади.

Демак, бадиий асарда макон ва замон концепцияси ўзида барча поэтик унсурларни мужассам этади. Асар композициясининг яхлитлигини таъминлашда муҳим роль

уйнайди. Ижодкор концепциясига кўра, ўзлаштирилган бадиий макон ҳамда бадиий замон муносабати доимо жиддий, узлуксиз ва муҳим ҳисобланади.

Адабиётшунос М.М.Бахтин “Эстетика словесного творчества” номли монографиясида бадиий макон ҳамда бадиий замонда ҳаракат қилувчи қаҳрамон нутқига диққат-этиборни қаратади: “Нутқ жараёнида айтилган гап нутқнинг нутқ субъекти алмашилиши билан ажралувчи бўлаги бўлиб, диалогдаги, алоҳида репликага тенгдир. Диалог репликеси эса, маълумки биргина сўздан, битта ёки бир неча гапдан ташкил топиши мумкин. Биз бадиий асарга қиёслаётган гап-нутқ жараёнида айтилган гапдир”<sup>22</sup>. Олимнинг “нутқий жанрлар” ҳақидаги қарашлари, бадиий асар структурасини таҳлил этишда гап қурилиши конструкцияларига таянган ҳолда тушунишга ҳамда тушунтиришга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, реалликка ҳиссий муносабат билдириш орқали бадиий макон ҳамда бадиий замон намоён бўлади.

Бадиий асар сюжет вақтида ижодкор объектив реалликдан узилиши, яъни китобхон билан мулоқотга киришиши, унинг диди ва савиясига мос тарзда фикр-мулоҳазалар юритиши мумкин. Бу эса асар мазмун кўламини кенгрок тушуниш, тасаввур этиш имконини беради.

Хуллас, М.М.Бахтин ўз тадқиқотларида бадиий асар поэтикасида макон ва замон муносабати муҳим категория эканлигини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беради. Унинг бадиий асар унсури ва воситаларини бадиий макон ҳамда бадиий замон концепциясида бутунликда намоён бўлади, деган фикри тадқиқотнинг теранлиги ва кўламдорлигини таъминлайди.

Рус адабиётшуноси Д.С.Лихачев ўзининг “Бадиий асарнинг ички дунёси”<sup>23</sup> мақоласида ҳамда «Рус адабиётининг тарихий поэтикаси» каби рисоласида бадиий макон ҳамда бадиий замон тушунчасини халқ оғзаки ижодининг эртак жанри ва Ф.Достоевский асарлари мисолида тадқиқ этади. Олимнинг ёзишича, “Ёзувчи ўз асарида воқеа содир бўладиган муайян макон яратади. Бу макон худуди катта бўлиб, бир қанча

<sup>22</sup> Бахтин. М.М. Эстетика словесного творчества. — С. 368.

<sup>23</sup> Лихачев Д.С. Внутренний мир художественного произведения // Вопросы литературы. 1968. № 12.

мамлакатларни ўз ичига олиши мумкин (саргузашт ёки эфирнома типигаги асарларда), ҳатто воқеа ер шарининг чегарасидан чиқиши мумкин (фантастик романларда) ва ёнлик бир хонада юз бериши мумкин”<sup>24</sup>. Демак, ижодкор ўзларида воқеалар ҳаракатини таъмин этувчи алоҳида бадиий макон ҳамда бадиий замон танлайди. Бу бадиий макон муаллифи ва ўз асарига мос тарзда географик ҳудудий жиҳатни белгилайди. Бадиий макон ҳамда бадиий замон халқ оғзаки ижоди намуналари учун жуда муҳимдир. Чунки у асар мавзуси, унинг ўзига хослиги ва ҳаракатини уюштиришда, таъмин этишида катта аҳамиятга эгадир. Олимнинг таъкидлашича, эртақ жанридаги бадиий макон ҳамда замон бутунича асар сюжетига яширинган бўлади. Эртақларда бадиий вақтнинг бошланиши ҳам, тугаши ҳам аниқ чегараланмаган. Тарихий вақт умумий тарзда аниқланмайди. Бадиий вақт эртақда ҳеч нарсага қарамай табиат тавсифини баён қилади. Вақт эртақ сюжетидаги алоҳида тушунча эмас. Эртақ тугадими, эртақ вақти ҳам тугайди. Д.С.Лихачев таъкидлашича, халқ оғзаки ижодининг бошқа жанрларидаги каби дostonда ҳам муаллиф томонидан белгиланиб қўйилган вақт бўлмайди. Улардаги вақт ҳаракат вақти ва бажарувчи вақтдир.

Д.С.Лихачев Ф.Достоевский асарлари поэтикасига муносабат билдирган ҳолда ўзига хос илмий-назарий хулосага келган: “Ф.Достоевский учун бадиий вақт бадиий тасвирнинг ҳал қилувчи жиҳатларидан биридир. Чунки у доимо жараён, ҳаракат ва давомийликни тасвирлаш учун бир вақт нуқтасидан иккинчисига кўчувчи янги шаклларни излаган”<sup>25</sup>. Демак, шундай ёзувчилар борки, улар учун, вақт муаммосини кўрсатиш муҳим эмас, бадиий вақт анъанасини тасвирлаш билан кифояланадилар. Ф.Достоевский учун аксинча, бадиий вақт тушунчаси бадиий асарнинг энг муҳим бўлаги, асоси, элементидир. Шу боис у доимо янги бадиий вақт ҳамда бадиий макон шакллариини излаб, топиб тасвирлашга ҳаракат қилади. Бадиий вақт муаммосига бағишланган дастлабки мақолани

<sup>24</sup> Лихачев Д.С. Историческая поэтика русской литературы. — Санкт-Петербург: Алетейя, 2001. — С.129..

<sup>25</sup> Лихачев Д.С. Историческая поэтика русской литературы. — С. 99-100.

А.Г.Цейтлин ёзган бўлиб, у “Достоевский романларида вақт”<sup>26</sup> деб номланади. Олимнинг аниқлашича, Достоевскийнинг асосий романлари қисқа узвий боғланишли ёзувлар орқали шаклланган. Ҳаракат вақти билан уни ёзиш вақти ўртасида, оралиғида унчалик катта бўлмаган сўнгги масофа ётади. Достоевский ёзиш жараёнида бешта хабарни муҳим ҳисоблайди: воқеа уларга етиб олиш, уларни қоғозга тушириб улгуриш, ният-мақсадни, ғояни пухта ўйлаш, уларни қандай ва қанақа қилиб тугатиш, ички ва ташқи мазмун-мундарижасига, шаклига эътиборни қаратиш. Шунингдек, бадиий макон ҳамда бадиий замон охириги вазиятда адабиётнинг бирдан-бир ўсувчи, ривожланувчи шакли ва энг муҳим элементи бўлиб қолади.

XX аср адабиётшунослигида бадиий асардаги бадиий макон ҳамда бадиий замон (вақт) тушунчасига кенгроқ ёндашиш зарурати туғилди. Чунки “санъатда замон ва макон категорияси бадиий информацияни англаш ва баҳолаш учун махсус белгилар тизими сифатида хизмат қилади”<sup>27</sup>. Адабиётда ҳар бир адабий тур ва жанрнинг макон ва замон билан боғланиш, алоқа қилиш қонунияти бор. Мумтоз драма матнида композицион тартиб олдиндан белгиланади ва охиригача ёзиб қўйилади. Тадқиқотчиларнинг қарашларича, сюжет вақти асар воқеаларининг давомийлигини акс эттирувчи вақт бирлиги бўлиб, асосий воқеалар тизими мана шу сюжет вақтини ташкил қилади. “Маълумки, драматик турга мансуб асар ижодкорни бадиий макон ва замон бобида анча чеклаб қўяди. Бунинг сабаби, табиийки, драматик асарнинг ижро учун мўлжаллангани билан изоҳланади. Ижро вақтига сиғиш учун асарнинг кескин конфликт асосида шиддат билан ривожланувчи сюжетга қурилиши тақозо қилинади. Равшанки, бу хил сюжетнинг ривожланиш вақти ҳам чегараланган, шу боис ҳам сюжет воқеалари сабаб-натижа муносабатлари асосида концентрацияланади. Воқеалар орасидаги сабаб-натижа муносабати эса уларнинг маконий ва замоний жиҳатларида яқин бўлишини тақозо қилади”<sup>28</sup>.

<sup>26</sup> Цейтлин А.Г. Время в романах Достоевского. — М., 1971.

<sup>27</sup> Введение в литературоведение. Под ред. Л.М.Крупчанова. — М.: ОНИКС, 2007. — С. 258.

<sup>28</sup> Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. — Т.: Шарқ НМАК, 2004. — Б. 236.

Бадий макон ҳамда бадий замон талаби билан сюжетдан ташқари композицион воситалар — лирик чекиниш, киритма воқеа ва эпизодлар тасвири сюжет вақтига кирмайди. Бадий вақт сюжет вақтини ўзига қамраб олса-да, лекин унга айнан мос келмайди. Чунки бадий макон ҳамда бадий замон (вақт) нисбатан кенг адабий ҳодиса бўлиб, юқорида тилга олинган сюжетдан ташқари композицион воқеалар баёнига кетган даврни ҳам ўз ичига олади. Шунингдек, драмада сюжет вақти ҳамда макони саҳнадаги асосий воқеалар, ҳаракатлар кўриниши билан боғлиқ бўлса, бадий вақт ҳамда макон таркибига ремарка ва саҳна ортидаги вақт бирликлари киради. Адабиётшунос Ю.Лотманнинг ёзишича, “сюжет, персонаж билан семантик майдон ҳосил қилувчи чегара сифатида, яъни макон ва замон ҳосил қилувчи поэтик бирлик сифатида тушунилади”<sup>29</sup>. Ю.Лотман ушбу ўринда эпик ва драматик асарлардаги сюжет ва қаҳрамон муносабатидан келиб чиқиб эмас, балки лирик асарлар табиатидан келиб чиқиб фикр юритган. Чунки лирикада воқеа тасвири деярли учрамайди (лиро-эпик асарлар бундан мустасно), балки сюжетни ташкил қилувчи элементлар сифатида кечинмалар бирлиги, ҳис-туйғулар кетма-кетлиги вужудга келади. Шароит нуқтаи назаридан драмада макон ва замон, асосан, саҳна ҳудуди билан узвий боғланади. “Драмада (Софокл, Шекспир, Мтерлик, Брехт асарларида) макон ва замонни ташкил қилишнинг хилма-хиллигига қарамасдан баъзи умумий жиҳатлар сақланади”<sup>30</sup>.

Аристотель давридан бошлаб бадий макон ҳамда бадий замон эстетик категория сифатида тушунилиб келинган эди. Кейинги йиллар адабиётшунослигида эса уни концептуал бирлик, яъни бадий концепция сифатида талқин этишга ҳаракат қилинди. Бадий асардаги ўзаро мавжуд уч боғлиқлик нуқталар муаллиф — қаҳрамон — китобхон муносабати орқали бадий макон ҳамда бадий замон (вақт) концепцияси ўз аксини топиши мумкин. Драматик асарда қандайдир маъноли роль ижро этувчи билимли шахс ҳикоячига оид бўлиб, ҳаракати орқали овози ёрдамида макон ва замондаги маконий

<sup>29</sup> Лотман Ю.М. Структура художественного текста. — М.: 1970.

<sup>30</sup> Хализев В.Е. Драма как род литературы. — М., 1986. — С. 46.

гошн тарғиб этади. Шунингдек, драманинг асоси на хор, на монолог шакли бўла олади. Драманинг асосини диалог ва полилог ташкил этади, лекин монолог ҳам драматик асарда ўз ўрнига эгадир. Бу каби нутқ бирликларининг драмадаги ўрни кўпроқ, унда акс этган макон ва замон тушунчасининг талқинига боғлиқ. Санъатшунос олим И.Фаниевнинг таъкидлашича, “макон ва замон боғлиқликларини биз реал ҳаётда ҳар доим сезиб турамыз. Масалан, бирор ҳодисанинг қаерда содир бўлганлиги билан қачон рўй бергани ҳам муҳимдир. Аниқроғи, замон ва макон бир-бирини тўлдиради, улар ўзаро боғлиқликда яшайди”<sup>31</sup>.

Драма асосида, шубҳасиз, аниқ ва раво эпик жанр сингари алоҳида анчагина парча келтиришга ҳамда макон ва замондан бошқа вақтда жойни алмаштириш эркин ҳикоядаги каби осон юзага келади, ибратли ҳаёт билан ўқувчи ўртасида алоқа мавжуд бўлади. Драматик тур асосида бадий нутқ муҳим роль ўйнайди. Чунки унда муаллиф саҳна воситасида бутун бир оммага мурожаат этади ва асардан олинадиган таассурот барча томошабинларда бир пайтда содир бўлади. Олмон файласуфи Гегелнинг фикрича, драма чекланган бир воқеани халққа реал воқеа сифатида тасвирлаб беради. Лекин ҳамма тасвир ва воқеа чиндан ҳам драматик бўла олмайди”<sup>32</sup>.

Драмада энг муҳим бўлган хусусият бу ҳаракатдир. Муаллиф драмада эпик турдаги каби воқеалар тизимини яратади, у қаҳрамонлар қилмишини ўзаро алоқадорликда кўрсатади. Шу боис ҳам Гёте ўз даврининг драматик асарларини кузатиб, “ривожланаётган ҳаракат қонуниятига бўйсунмиши керак”, деган хулосага келганди<sup>33</sup>. Драмадаги асосий ҳаракат воситаларидан бири нутқдир. Чунки қаҳрамон ҳаракатидан ташқари қаҳрамон нутқи ҳам драмада муҳим аҳамият касб этади. Бадий макон ҳамда бадий замон муносабати драматик асарларда имконияти кенг тушунча бўлиб, муҳим аҳамиятга эга. Лирик драмада макон ва замон ҳамнафаслиги узлуксиз давом этса, эпик драмада томошабин ёки ўқувчи воқеани аввалда бўлиб ўтганлигини англаб туради.

<sup>31</sup> Фаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. — Т., 2005.

<sup>32</sup> Введение в литературоведение. — М.: Высшая школа, 1999. — С. 50.

<sup>33</sup> Гёте И.В. Об искусстве. — М., 1977. — С. 350.

Нутқ бирликларининг даврий характерга эга эканлиги олмон олими Г.Э.Лессинг томонидан XVIII асрдаёқ, қайд этилган эди: “Бадий асар (айниқса, драма) марказида ҳаракат туради. Бу ҳаракат муайян вақт давомида амалга ошади ёки бадий нутқ вақт жиҳатидан давомийликка эга бўлади... Ҳодисаларнинг макондаги қийёсланиши ўрнида нутқнинг вақт давомидаги кетма-кетлиги билан дуч келади”<sup>34</sup>. Демак, драмада бадий асарнинг асоси ва намоён бўлиш шакли сифатида ҳаракат юзага чиқар экан, унинг маконда юз бериши билан бирга ўша ҳаракат содир этиши учун сарф этилган вақт давомийлиги ҳам эътиборда тутилиши керак. Чунки драмада ҳаракат ифодаси учун кетган вақт юқорида тилга олинган театр вақти, сюжет вақти каби ҳодисалар билан бирга нутқнинг давомийлиги ёки замонавийлиги муҳим ҳисобланади.

Бадий макон ҳамда бадий замон муносабати санъат асарлари орасида имкониятлари нисбатан кенг бўлган бадий адабиётда алоҳида аҳамият касб этади. Санъат асарлари орасида лирикада таъсирчанлик, шартлилик нуқтаи назаридан энг юқори даражададир. Бу ерда ишончли бўлиши учун макон образи ҳозир бўлмаслиги мумкин. Айни ўша вақтда лирика нарса-предмет дунёси ва унинг реал маконини такрор яратишга лаёқатли.

Бадий асардаги алоҳида эпизодда келтирилган макон ва замон ҳам ўзига хос тарзда бадий макон ҳамда бадий замон билан узвий боғланиб характерланади. Абстракт тушунчасини шундай макон деб номлаш мумкинки, умумий кенглик, замин сифатида қабул қилиш, яъни ҳамма ер ёки ҳеч қаер. Унинг ўзига хос кўриниши характерли қимматга эга эмас.

Маълумки, бадий асардаги макон ва ҳамда замон тасвирида, табиийки, ижодкорнинг етакчи бадий-ғоявий концепцияси, эстетик идеаллари билан бир қаторда миллий дунёқараш, тафаккури ҳам акс этади. Шунингдек, бадий макон ҳамда бадий замон асар сюжет ва композициясини юзага чиқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

<sup>34</sup> Лессинг Г.Э. Гамбургская драматургия. — М., 1957. — С.145.



## РОМАНЛАРДА МАКОН ВА ЗАМОН АКСИ

Янги давр адабиётининг йирик эпик асари бўлган роман инсон ҳаётини бугун мураккаблиги билан ҳар томонлама ва тўлиқ тасвирлашда иштирок этувчи шахслар тақдирини акс эттирувчи кўп сюжетли жанрдир. Роман жанрининг ўзига хос хусусиятлари жанр тараққиётининг турли босқичларида турлича намоён бўлади. Адабиётшуносларнинг таъкидлашича, “ҳақиқий роман Уйғониш даврининг охирига келиб пайдо бўлади. Роман жанрининг шаклланиши Ренессанс даврида яратилган Бокаччонинг “Декамерон” типидagi новеллалар китобининг юзага келиши билан боғлиқдир”<sup>1</sup>. Маълумки, ҳар бир нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бирор-бир ҳаётий эҳтиёж туфайли юзага келади. Роман ҳам жанр сифатида ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. Унга Уйғониш даврининг новеллачилиги ҳамда кўп асрли халқ эпоси асос бўлди. Чунки ҳаётий воқеаларни кенг кўламда эпик тасвирлаш фақат халқ эпосига хос хусусиятдир. Лекин роман жанри халқ эпосидан куйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Агар халқ эпосида бутун тасвир халқ идеалини акс эттирувчи ягона қаҳрамон ёки қаҳрамонлар атрофида бўлса, романда оддий инсоннинг шахсий ҳаётини тасвирлаш орқали ижтимоий ҳаёт акс эттирилади.

2. Агар халқ эпосида тасвирланган воқеалар “эпик давр” деб аталган жуда қадимий “идеал ҳаётга” доир бўлса, романда (тарихий роман бундан мустасно) тасвирланган воқеалар асарнинг яратилиш давригача, қисқаси, конкрет ҳаётга алоқадор бўлади.

3. Халқ эпоси ҳамма вақт халқ идеалини ифодалагани учун кўпроқ қаҳрамонона руҳ, кўтаринки поэтик характер касб этган бўлса, роман халқ эпосига нисбатан ҳаётий, кундалик турмуш воқеалари асосида яратилганлиги учун ҳам қаҳрамонона кўтаринки поэтик тасвирдан кўра объективроқ тасвирга эга бўлади”<sup>2</sup>. Демак, роман жанрида ҳаётий воқеа-ҳодисалар кенг кўламда эпик кўламда тасвирланиб, унда,

<sup>1</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б.. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1983. — Б. 278.

<sup>2</sup> Кўрсатилган асар.

асосан, тарихий-ижтимоий муҳит ҳукм суради. Ижтимоий ҳаёт, давр муҳит ва инсон табиати, тарбияси ва дунёқараши, жамият, давлат, башариятнинг қонун-қоидалари, қаҳрамоннинг феъл-атворини, руҳиятини, халти-ҳаракатини, тақдирини кўппланли сюжет орқали ифода этилади. “Роман (фр. roman — роман тилларидаги дастлабки воқеабанд асар) — янги давр адабиётининг йирик эпик жанридир. Унинг асосий хусусиятлари: инсонни ҳаётнинг мураккаб жараёнларида тасвирлаш, сюжетнинг кўптармоқчилиги асосида бир қатор қатнашувчиларнинг тақдирини қамраб олиши, кўповозилик ва буларнинг эвазига бошқа жанрларга нисбатан ҳажмнинг катта бўлиши”дир<sup>46</sup>. “Шунинг учун романда бир неча давр ва кўплаб персонажлар тасвирланади, инсон мураккаб ҳаёти қарама-қаршиликларда, бошқалар билан ўзаро муносабатда ифодаланади, воқеа-ҳодисалар кенг қамровли бўлади”<sup>3</sup>.

Романда ҳар бир қаҳрамон, персонаж хоҳ у марказий бўлсин, хоҳ у марказий бўлмасин, сюжет чизиги билан боғланиб, атрофлича ёритилади. Романда биринчи ўринда реал макон ва замондаги инсон образи, унинг ҳаракати, индивидуал тақдири, шахсий кечинмалари тасвирланади.

Романда макон ва замонга хос белгилар маъно, мазмуннинг аниқлик жиҳатидан қўшилиши муҳим ўрин тутади. Романда ҳаётнинг муайян рамзий маконий-замоний манзараси адабий-бадиий образ сифатида гавдалантирилиб тасвирланади. Роман жанри объектив борлиқни, кундалик реал макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисаларни бор кўламида кўрсатиш имкониятига эгадир.

Ёзувчи макон ва замон орқали борлиқ, унинг кечаги куни, ҳозирги ҳолати, келажаги тўғрисида атрофлича, яхлит фалсафий тасаввур, концепциясига эга бўлсагина роман ёзиши мумкин. Макон ва замоннинг, оламнинг яхлит фалсафий концепцияси тасаввурига эга бўлмаган ёзувчи роман ёза олмайди. Масалан, илк ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”ни яратиш учун Ўрта Осиё халқлари, аниқроғи, Қўқон хонлиги маконий майдонини, у ерда жойлашган предмет-нарсаларнинг

<sup>3</sup> Зуннунов А., Ҳотамов Н.. Адабиёт назариясидан қўлланма. — Т.: Ўқитувчи, 1981. — Б.129.

кўламини, ўзаро жойлашиш тартибини, воқеалар узлуксизлигини, ўша давр, замон (яъни, ёзувчи тилга олган XIX аср иккинчи ярми) воқеа-ҳодисалар жараёнини яхши англаб, тушуниб етган ҳаётнинг бадиий манзарасини санъаткорона тасвирлаган. Маълумки, йирик тарихий даврлар бир-бири билан тарихий жиҳатдангина эмас, балки улар маконий-замоний жиҳатдан ҳам узвий боғлиқ бўлади. “Ижодкор шахснинг ўтмишга муносабати ўзини англаш, англаганида ҳам ўзини ўзгалар томонидан англаниши эҳтиёжи билан юзага келади”<sup>4</sup>.

Ёзувчи Абдулла Қодирий ўша давр, макон ва замон воқеаларини тўла-тўқис ва борлиғича ҳис этган. Реал макон ва замонни ўзлаштириш натижасида бадиий макон ҳамда бадиий замонга жойлаштиради. Шу боис ҳам “Ўткан кунлар” романининг маъно-мундарижа доираси ғоят кенг, унда ранг-баранг, хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Романда реал ҳаётдаги макон ва замонда кечувчи ижтимоий-сиёсий ҳодисаларнинг бадиий талқини тасвирланади. “Асарнинг илк бобларидаёқ, унинг асосий ижтимоий-бадиий руҳи аён бўлади”<sup>5</sup>. Романнинг дастлабки, сюжет вақти воқеасига Кўқон хонлигига қарашли Марғилон шаҳри воқеа макони сифатида олинади. У ердаги савдогарлар учун мўлжалланган саройдаги (микромакон) нарсаларнинг кўлами, ўзаро жойлашиш тартиби ёзувчи томонидан маҳорат билан чизилади. Ҳеч нарсасиз, предметсиз маконнинг бўлиши мумкин эмас. Ёзувчи воқеа-ҳодиса маконидаги ҳар бир деталга, уларнинг жойлашишига алоҳида эътиборни қаратади. Шунингдек, ўша макондаги сюжет вақтини табиат манзараси билан боғлиқ тарзда кўрсатади. Чунки асар сюжет вақти маконнинг муайян нуқтасида рўй берувчи ҳодисалар кетма-кетлиги тартибини ифодалайди. “Ўткан кунлар” романидаги бадиий маконлардан бири карвонсаройни адиб бундай жонлантиради:

“1264-нчи ҳижрий, далв ойининг 17-нчиси, қишки кунларнинг бири, қуёш ботқан, теварақда шом азони эшитиларди...

<sup>4</sup> Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. — Т.: Шарқ НМАК, 2004. — Б. 110.

<sup>5</sup> Норматов У. Қодирий боғи. — Т.: Ёзувчи, 1995. — Б. 122.

Дарбозаси шарқи-жанубига қаратиб қурилган бу донгдор саройни Тошкент, Самарқанд ва Бухоро савдогарлари таллаганлар, саройдаги бир-икки хужрани истисно қилиш билан бошқалари мусофирлар ила тўла. Сарой аҳли кундузги иш кучларидан бўшаб, хужраларига қайтганлар, кўп хужралар кечлик ош пишириш ила машғул, шунинг учун кундузгига қараганда сарой жонлиқ: кишиларнинг шақиллашиб сўзлашишлари, хохолаб кулишлари саройни кўкка кўтаргудек”<sup>6</sup>. Шунингдек, романда реал замон ва макон билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, жараёнлар давомийлик тарзида ифода этилади. Бадиий вақт романда макон, замон, ҳаракат бирлиги тизимида иштирок этади. Замон билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар маконда ёрқинроқ, тўлалигича намоён бўлади. Шу боис ҳам ёзувчи романнинг сюжет вақти воқеаларини тасвирлашда Худоёрхон хонлигига қарашли Марғилон - Тошкент (бош қаҳрамон туғилган шаҳар) ва Қўқон шаҳарларини, у ерда яшовчи, миллат, эл-юрт гамида куйиб ёнган, замонасининг зиёлиси Юсуфбек ҳожи, савдогар, ўқимишли бўлмиш Мирзакарим Қутидор хонадонини ва хон саройини макон сифатида, қаҳрамонлар хонадонларини микромакон сифатида олади. Ўша даврда, муҳитда ва замонда кечаётган ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт воқеаларини тасвирлайди. Романда оилавий-маиший воқеалар тасвири билан бирга ижтимоий ҳаёт, жамиятдаги ҳодисалар ҳам ўз аксини топади. Айрим сюжет воқеалари замондан ташқарида, яъни қаҳрамонлар ҳаёлида, туш вақтида, ўйидаги маконда ҳам содир бўлади.

“...Ҳасанали тамом тинчланди, ҳам туриб кетмоқчи бўлди ва шу ҳолатда ичкаридан уйқусираш эшитди:

– “...Қора кўзлари, камон қошлари”

– “Ой каби юзлари, кулиб боқишлари, чўчиб қочишлар... Уфф”<sup>7</sup>.

Отабекнинг муҳаббат ва севги туфайли юзага келган ҳис-туйғулари, кечинмалари, ҳақиқий ва реал воқеа-ҳодисалар содир бўлган ҳаётини лавҳани туш вақтида ифода этади. Чунки Отабекнинг ҳаётидаги муҳим ўзгариш ана шу туш орқали

<sup>6</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. — Тошкент: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. — Б. 8-21.

<sup>7</sup> Ўша жойда.

намоён бўлади. Ёзувчи романда ана шундай персонажлар сиймосида миллатимизга хос хислатларни бадиий кашф этади. “Ўткан кунлар”даги ривоя, асосан, муаллиф тилидан олиб борилади. XIX аср ўрталаридаги Туркистондаги ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар жараёни бадиий маконий-замоний манзараларда ёрқин намоён бўлади.

Маълумки, макон ва замон муаммоси инсон ҳаётини унинг барча кўринишларида англашга интилиш асосий тамойилга айланган XX аср бошларидаги романда алоҳида роль ўйнайди. Буни яхши англаган Абдулла Қодирий ўз романларида юртдаги азалий қадриятларни, эл-юрт бошида турган инсофли, диёнатли, фуқаропарвар ва холис кишиларнинг турмуш тарзини кундалик реал маконий-замонавий концепцияда жуда ёрқин намоён этади. Ёзувчининг “Меҳробдан чаён” романида ҳам Қўқон хонлиги, унинг ҳудудида жойлашган Солиҳ Махдум хонадони бадиий макон сифатида олинади. Ўша замондаги, муҳитдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, жамиятдаги табақа ёки синфига оид кишилар билан боғлиқ ҳодисалар жараёни тасвирланади.

“Меҳробдан чаён” романида ҳам композицион бутунликка эришишда, бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг ўрни катта. Солиҳ Махдум хонадониди ўқув-ёзувни ўрганган, тарбия кўрган Мирзо Анвар романининг марказий қаҳрамони ҳисобланиб, асарнинг сюжет вақти воқеалари ва персонажлар чизиғи у билан боғланган. Мирзо Анвар ўзига хос истеъдодга эга, севги, муҳаббат, адолат, инсоф, эътиқод ва иймон бобида беқийёс шахедир. У замонасининг илғор зиёлиси бўлиши билан бирга тўғри сўз, ҳақиқатпарвар ва адолатлидир. Мирзо Анвар ўз замонидаги воқеа-ҳодисалар жараёнини яхши англайди. Шу боис ҳам у хон девонида расмий мирзо сифатида фаолият кўрсатади. Ёзувчи романда макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисаларни маиший деталлар тасвирида жуда нозик аниқлик билан иш кўради. Худоёрхон хонлигига оид тарихий факт ва материаллар билан яхши таниш бўлган адиб ҳар бир воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда ўша даврга мос маконий-замоний деталларни ўринли қўллайди.

— Мен бу жигитни мирзабаши қилмоқчи бўлдим, — деди хон тиззаси тегидан бир қоғоз олиб, домла Ниёзга узатти, — ўқунг, домла.

Домла Ниёз ўрнидан туриб, қоғозни олиб ўпди, Абдурахмон офтобачи ва унга эргашиб биринчи хонадаги аъёнлар баробар ўрунларидан туришдилар.

Домла Ниёз турган кўйи ёрлиқни ўқуди: “Ба исми субҳонаху. Амируллоҳ фараизатун ва амрута вожиб. Бизким, Фарғона мамлакатининг хоқони султон ибни султон, яъни Саййид Худоёрхон сўзимиз: Жумласи солисамизнинг учинчи санаси мутобиқи 1287-нчи ҳижрия моҳи сафарнинг 25-нчиси, ушбу ёрлиғимизни бердик ҳўқондлик мулла Мирзо Анварғаким, мазкур мулла Мирзо билан Салимбой шаръи шариф узра устивор туриб, амримизга инқиёд этиб, девонбеги унвон дигар садри муншийлик умри вазойифаларимизни кама янбоғи адо қилғай деб. Адойи ҳадама асноси биз амири вазифа мутлақалихон доруссалтананинг ҳаққи шаръийсиға хиёнат қилишдин ижгиноб, адолатимиз ойнасини даноат гурбати бирлан ҳалалдор айлашдин парҳез арзидоди фуқаромиз суръати истимосида ихмол ва суслик кўрсатмай интишори адолатимиз кўшишида субҳи шом машғул ва мабзул, диққат ва эътибори том қилғай деб ва яна мазкур исмиға ёрлиғ мактуб бўлмиш итоатига афради девонхонамиз маъмурлари деб, муҳри шоҳонамиз бирлан ушбу ёрлиғни таъкид ва тақрир этдик.

Домла Ниёз ёрлиғини тугатиб, қоғозни манглайиға кўтарди ва икки қўллаб Худоёрхонга узатди. Худоёрхон ёрлиғни олиб қаршида бош букиб турган Анварга ишорат қилди. Анвар югуриб келиб, ёрлиғини олиб ўпти ва уни салласиға санчиб, орқаси билан юриб, илгарги ўринға бориб тўхтади”<sup>8</sup>.

Ёзувчи романда Худоёрхоннинг учинчи маротаба тахтга ўтирган пайтини тасвирлар экан, ўша макон ва замонга мос тарзда нарса-предметларни, воқеа-ҳодисалар жараёнини кўрсатади. Ана шу кичик эпизод шарҳ-талқинида Худоёрхон шахсининг, фаолиятининг туб моҳияти жуда ёрқин очилади. Хонлик тахтидаги иш юритиши, идора усули, ўз даврига, шароитга мос сиёсат қилиши, шу ёрлиғ мазмунида ва ёзилиш услубидаги жимжимадорликда очиб берилади. Саройдаги барча

<sup>8</sup> Қодирий А. Меҳробдан чаён. — Б. 363-364.

детал ва нарса-предметларнинг тартиби, жойлашиши, қаҳрамонларнинг кийиниши, хатти-ҳаракатлари маконий манзараларни кўрсатади. Лекин романда макон ва замон концепцияси ўз-ўзича ажралган ҳолда эмас, балки бир-бири билан узвий алоқадорликда намоён бўлади. Бундай тасвир асар бадииятини таъминлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Адиб “Меҳробдан чаён” романида Мирзо Анвар ва Раънонинг соф муҳаббати, уларнинг самимий ва беғубор муосабатини тасвирлаш орқали ўша макон ва замондаги миллатнинг бебаҳо анъаналари, урф-одатлари, қаҳрамонлар руҳиятидаги ўй-кечинмаларни, ҳис-туйғу ва характерли белгиларни юксак маҳорат билан чизиб беради. Шунингдек, “романнинг ҳар бир қаҳрамони ўз бисотини кавлаб, бор матосини бозорга солади. Ёзувчи шу орқали жамият қиёфасини аниқ кўрсатишга муваффақ бўлади”<sup>9</sup>. Урдадаги фитна-фасодлар сабабли макон ва замондаги салбий иллатлар ва жамиятдаги ноҳақлик ҳақида шундай ёзади: “...Жамият ҳам бир касал билан оғридими, унинг ҳар бир табақа ёки синфга, яна тўғриси, фардига шу касал сироят қилмай қўймайди”<sup>10</sup>.

Маълумки, бадиий асарда ижодий жараён ифода этилар экан, ўша жараёнда кечган конкрет шароит ва шу шароитдаги ижодкор субъекти унинг тузилишига таъсир этиши аниқ. Чунки эпик турга оид асарларда пластик элементлар билан бир қаторда но plastik элементлар ҳам мавжуд бўлади. Бу элементлар муаллиф образини тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади. Эпик асарнинг но plastik элементлари орқали муаллифнинг мушоҳадалари, фикрлари, тасвир предметига ҳиссий муносабати кабилар тушунилади. Шунингдек, насрий асарларда объектив ва субъектив ибтидоларнинг уйғун бирикиши кузатилади. Бадиий асардаги воқеликни объектив ибтидо деб олинса, асар тўқимасининг ҳар бир нуқтасига сингдириб юборилган муаллиф шахсини субъектив ибтидо деб юритамиз.

Ёзувчи Абдулла Қодирий романда реал макон ва замонда кечувчи воқеаларни замонда ўзлаштирган тарзда тасвирлар экан, ўтмишга, ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги

<sup>9</sup> Қодирий А. Меҳробдан чаён.

<sup>10</sup> Кўрсатилган асар.

адолатсизликларга ўз муносабатини билдиради. Мирзо Анвар ва Раъно матонатли, ўз севгиларига садоқатли шахслар эканлиги қаламга олинади. Ҳар қандай макон-замонда ана шундай муҳаббат фидойилари кишиларга ибрат бўла олади. Роман маконий-замоний ҳаётий ва инсоний манзараларнинг санъаткорона талқини билан ҳам қимматлидир.

Романда бадиий вақт реал вақтдан кўра тез ҳаракатланади. Қаҳрамонлар бадиий микромаконда ҳаракат қиладилар. Ўзбек халқи ўтмиши романнинг мавзуи сифатида ва қаҳрамонлар турмуш тарзи унинг бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Романда XIX асрнинг иккинчи ярмидаги давр Марғилон, Қўқон ҳамда Тошкент шаҳарларида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни юзага чиқарувчи замон сифатида намоён бўлади.

Ўрта Осиё халқлари ўтмишидаги йирик тарихий давр асарнинг асосий фони сифатида тасвирланади. Романда бадиий замон (вақт) матннинг муҳим категорияси сифатида макон ҳамда микромакон уни намоён бўлишида восита бўлиб, асар ички тўқимаси билан боғлиқ ҳолда мураккаб давомийликка эга бўлган замон ва муддатни англатади. "Зеро, чинакам санъаткор ижод онларида воқеликдан узилади, бу илоҳий дамларда унинг учун вақт чегаралари мавжуд эмасу ўтмиш, ҳозир ва келажакни бирлаштирган катта Вақт ҳукмида яшайди"<sup>11</sup>.

Ёзувчи романдаги бадиий макон ҳамда бадиий замонда ўтмиш вақтидаги воқеа-ҳодисаларни қаламга олади-да, ўз замонаси учун актуал мазмунни метафорик йўсинда, масалан, юрт ўтмишидаги қипчоқ-қорачопон бўлиниши чоризм истибдодига кенг йўл очиб берганини тасвирлайди, замонасидаги "оқ-қизил" бўлинишнинг истибдод умрини узайтириши мумкинлигини башорат қилади". Романдаги бадиий вақт адабий ҳодиса бўлгани учун астрономик вақтдан жиддий фарқ қилади. Бадиий макон, айниқса, микромакон қаҳрамон, персонажларнинг ҳаракати ва фаолиятига қараб ўзгариб туради. Бир умрлик ҳаёт ҳодисасини бир неча соатда ўқиш учун мўлжалланган асарга жойлаштиришнинг ўзи бадиий вақт тушунчасининг санъат ҳодисаси эканини англатади.

<sup>11</sup> Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. — Т.: Шарқ НМАК, 2004. — Б. 283.



“Ўткан кунлар” романи бадиий макони ҳамда бадиий замонида реал ҳаётнинг тахминан олти йиллик воқеа-ҳодисалари ифода этилади. Романда ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг юз бериш вақти (сюжет вақти) ва уларнинг ҳикоя қилиниш вақти (композиция вақти) ўзига хос тарзда макон билан муносабатга киришиб бир бутунликда, яхлитликда намоён бўлади. Романда эпик қўламдорлик талаби билан ҳикоя қилиш вақти (замони) чўзилади, ҳаракатнинг давомийлигига мос тарзда макон, айниқса, микромакон ўзгариб туради.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ижтимоий ҳаётдаги воқеалар, Қўқон хонлигига оид муҳим тарихий ҳодисалар бадиий вақт орқали тасвирланади. Роман муаллифи, марказий қаҳрамон Отабек ҳамда китобхон муносабати орқали бадиий замон ҳамда бадиий макон концепциясида ўз аксини топади. Бадиий хронотопнинг муҳим бир қисми ҳисобланган замон тасвири романда ҳижрий санани қайд этиш билан бошланади. Ушбу сана жамият, инсоният тарихига оид катта ижтимоий, маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган воқеа содир бўладиган йилни ифодалайди. Ёзувчи “тарихий вақт”ни бадиий макон ҳамда бадиий замонда жонлантиради. Тахминан ана шу олти йилларга тенг воқеалар бир асар доирасида бир неча кунларда акс этади. Роман бадиий матнидаги вақт фақат йил билангина кифоя топмайди. Фасл, ой, ҳафта, кун, тун, ҳатто дақиқа ва сониялар ҳам матнда ўз бадиий функциясига эга. Улар сюжет вақтини шакллантириб қаҳрамон, персонажларнинг психологиясини юзага чиқаришга ёрдам беради.

“Хуфтон намозидан сўнг янгиланган ташвишларни бир оз унутдирар умиди ила пойчироғ ёнига ўлтуриб, Фузулий девонини варақлар эди.

Кумушнинг уйга келиб киргани ҳам унга сезилмай қолди. Ул кушлар каби латиф товуш чиқармаслик қилиб гилам устидан юриб келди-да, секингина шам ёнига — Отабек қаршисиغا ўлтурди”<sup>12</sup>.

Романнинг марказий қаҳрамонлари ҳисобланмиш Отабек ҳамда Кумуш бадиий вақт (замон) ҳамда бадиий маконда

<sup>12</sup> А. Қодирий. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. — Б. 122.

учрашадилар, руҳан ва ақлан бир-бирларини тушунадилар. Романда концептуал вақт — аср воқеаларининг ибтидосидан интиҳосигача бўлган муҳлатни оловчи вақт, эпик вақт — сюжет воқеаларининг турли макон ва персонажлар хатти-ҳаракатида соҳир бўлишини ифодаловчи вақт, перцептуал вақт — асарда иштирок этувчи қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари, хаёли, кечинмалари, туши билан боғлиқ кечувчи вақт бадиий маконда тўла намоён бўлади. Шунингдек, муаллиф вақт (авторское время) ҳам романда муҳим роль ўйнайди.

Бадиий макон ҳамда бадиий замонни асарнинг муҳим категорияси сифатида талқин этган М.М.Бахтиннинг қарашлари бўйича хронотоп воқеа-ҳодисаларнинг аниқ жойи ва вақтини кўрсатади. “Ўткан кунлар” романида ҳам воқеалар жойи (макони) ҳамда вақти аниқ қайд этилган. Табиийки, роман сюжетининг юзага чиқишида, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, саргузаштларини тасвирлашда бадиий макон ҳамда бадиий замон муҳим аҳамият касб этади.

“Ўн олти-ўн етти кунлик ой оқ булут ичидан қўтосланиб кўринар эди. Ҳамма хуфтон намозига кириб кеткан, кўчалар сув қуйгандек тинч эди. Кўчанинг бу тинч пайтидан фойдаланган каби уста Олимнинг эшиги ёнига келиб тўхтаган кимсанинг ким эканлигини билиш учун ой ёруқлиғига қарши тушкан бўғот ҳалал берар эди”<sup>13</sup>. Демак, роман сюжети марказида турган Отабек ва унинг хатти-ҳаракати макон майдонида бадиий вақт (замон) орқали намоён бўлади. Бадиий макон ҳамда бадиий замон романнинг асосий воқеаларини юзага келтиради. Уюштирилган талоқ хати туфайли қайнотаси Мирзакарим Қутидор уйидан ҳайдалган Отабек романнинг яна бир персонажи, душманни танитган Уста Олим хонадонига кириб келади. Ушбу матндаги бадиий замон ҳамда бадиий макон сюжет тугуни ечилишига замин тайёрламоқда. Эпик манзаранинг кенг ва қўламдорлигига эришишда бадиий макон ҳамда бадиий замон муҳим аҳамият касб этади. Ҳаётнинг бешафқат воқеаларидан чорасиз қолган Отабек иккинчи бир микромакондаги персонаж ёрдамида жумбоқ бўлган ҳодисаларга жавоб топади. Умуман, романда ҳар бир сюжет воқеа тизими бадиий замондан, бадиий макондан, аниқроғи,

<sup>13</sup> Қодирий А. Ўша китоб. — Т.: 1992 — Б. 188.

унинг муайян бир қисмидан ташқарида содир бўлмайди, ривожланмайди. Бинобарин, вақт унсурлари роман бадиий ҳудудида ўзаро бирлашиб, туташиб аниқ бир тарихий даврнинг (XIX аср иккинчи ярмини) эпик манзарасини юзага келтиради. Қаҳрамонларнинг ички қалб диалектикаси, руҳий-маънавий дунёсини очишга ёрдам беради.

Ўзбек романчилигида объектив олам, воқеа ва ҳодисалар, ташқи тасвир, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, муҳит ва шароит, макон ва замоннинг инсон тасаввур ва шуурига таъсири, қаҳрамоннинг унга онгли муносабати тарзида бадииятга айлантирилмоқда. Маконий-замоний концепция, роман бадиияти, сюжет тизими, композицион тузилиши, характерлар хусусияти, образлар олами, қаҳрамонлар динамикаси, бадиий восита ва бадиий тил, мазмун, ғоянинг ёрқин намоён бўлишида муҳим роль ўйнайди. Лекин энг муҳими шундаки, романнинг бошқа жанрларникига ўхшаган қатъий қолипи йўқ: романнинг жанрий қолипи эмас, балки алоҳида намуналаригина тарихий куч сифатида фаолият кўрсатади”<sup>14</sup>. Роман жанри қаҳрамонлари ўқувчи кўз ўнгида доимо ҳаракатда бўлади. Макон ва замонда кечувчи реал воқеа-ҳодисалар орқали қаҳрамоннинг туғилиши, характерининг шаклланиши, умуман, ҳаётдаги ўтмиши, бугуни тасвирланади. Бу жанрнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири янги давр, замон учун мақсад, ғоя беради. Шунингдек, роман марказида инсон образи туради, у оддий фаолиятдаги киши, унинг ўзига хос характерли хусусияти, тақдири, шахсий дунёқараши, фикр-мулоҳазалари мавжуд. Романда ўтмиш-бугун ва келажак макон ва замонда кечувчи воқеаларда тасвирланади. Макон ва замоннинг адабий ва бадиий символикаси романда кенг кўламда, ёрқин намоён бўлади.

Адабиётшунос Д. Куроновнинг таъкидлашича, “Меҳробдан чаён”да ҳам ривоя воситасида драма яратилади ва барча тафсилоту эпизодлар шу драма атрофида уюшади. Бунинг натижаси ўлароқ романда ҳикоя қилинаётган воқеаларнинг юз бериш вақти тифизлашади, қаҳрамонлар ҳаётидаги жуда қисқа бир давр қаламга олинади. “Меҳробдан чаён”да реал

<sup>14</sup> Бахтин М.М. Эпос и роман // Введение в литературоведение. Хрестоматия. — Москва: Высшая школа, 1979. — С. 286.

ҳаётдаги олти ой ичида содир бўлган тарихий воқеалар бадиий макон ҳамда бадиий замонда тасвирланади. Романда Худоёрхон хонлигининг сўнги пайтлари асарнинг асоси ва намоён бўлиш шакли сифатидаги ҳаракат юзага чиқар экан, унинг макон (Қўқон)да юз бериши билан бирга ўша ҳаракат содир этилиши учун сарф этилган вақт давомийлиги ҳам эътиборда тутилиши керак. Чунки романда ҳаракат ифодаси учун кетган вақт юқорида тилга олинган сюжет вақти муаллиф вақти каби ҳодисалар бирга нутқнинг давомийлиги, макон айниқса, микромакон тасвири замоний характерга эга эканлиги муҳим ҳисобланади.

“Солиҳ Маҳдум бу кун одатдан ташқари ешилиб кетди, масжиддан чиқиб тўғри қассобнинг олдида борди, бир тангалик гўшт, саккиз пуллик пиёз олиб ҳовлисига келди.

Раъно ҳовли юзида иккита укасининг ўртасига тушиб, уларнинг лой ўйунига иштирок этар, ер супуриб ётқан соч ўрумларининг тупроққа белашканидан хабарсиз эди”<sup>15</sup>. Ёзувчи романи маконда ҳаракатланувчи қаҳрамонлар кўринишидан бошлайди. Солиҳ Маҳдум ҳовлисини бевосита саҳна кўринишига ўхшатиб тасвирлайди. Маълумки, ривоягагина асосланган эпик асар олдида драма борлиқни пластик жонлантира олиши томошабинга “кўриш” ва “эшитиш” имкониятини ярата олиши билан бешак устунликка эга. Илгари айтдикки, романга драманинг кириб келиши жанрга хос асосий муаммо (шахс драма воситасида дунёни англаш) билан боғлиқ эди. Демак, “Меҳробдан чаён”да драматик унсурнинг қўлланиши ёзувчи услуби ҳамда роман концепцияси билан боғлиқ ҳодисадир. Чунки реалистик романнинг драмани ўзига синдиришга интилиши, биринчидан, “реаллик иллюзияси” ҳосил қилиш учун зарур бўлса, иккинчидан, улкан бадиий-эстетик самара беради, учинчидан, романга кирган драманинг ожизликлари сезилмай кетади, тўртинчидан, драма романи эпосга хос бўлмаган кучли жиҳатлар билан бойитади. А.Қодирий романининг бадиий макон ҳамда бадиий замонида мумтоз эпосга хос ривоя йўсинини танлайдики, у имкон қадар сюжет вақтида қаҳрамон ҳаракат қилаётган макондаги воқеа-

<sup>15</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1992. — Б. 307.

ҳодисаларни ҳолис туриб, босиқлик билан, енгилгина юмор аралаштирган тарзда маҳдумга таъриф беради. Роман сюжет воқсаларини юзага чиқарувчи асосий маконлардан бири Солиҳ Маҳдум ҳовлиси, яъни микромакондир. Шу боис ҳам муаллиф Маҳдум хонадонига унинг ўзи билан кириб келади. Қаҳрамонлар ҳаракатини биргаликда кузатишга интилади.

Маълумки, бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг ташкил қилиниш усули турли асарларда турлича кечади. “Меҳробдан чаён” романида даврий муносабатлар уларнинг бирлиги кўрсатилаётган ҳаракатдаги воқеа билан ҳамнафасдир, яъни роман сюжети ўша замон муносабатлари тимсолида намоён бўлади. Замон муносабатлари эркин ва фаол равишда маконда зиддиятли тасвирланади. Шу боис ҳам адиб Маҳдум оиласидаги ички низоларни, қаҳрамонлар хатти-ҳаракатини кескинлаштирмасдан, шошилмасдан баён қилади. Романда ҳикоя қилишга асосланган воқеалар сюжет вақтида ҳамда маконда қаҳрамонларнинг ҳаракати, феъл-атвори, ташқи қиёфа кўриниши билан узвий боғлиқ тарзда олиб борилади. Нагжида бадиий макон ҳамда бадиий замон романнинг асосий сюжет воқсаларини юзага келтиради. Асарнинг бошланишида юзага келган сюжет тугунлари ечила боради: “Кучлик шамол кўтарилиб, боқчадаги ҳар нарсани тўрт тарафка бука бошлади. Кўча чанглари кўкка кўтарилиб, ой ва юлдузлар нурини хирароқ бир ҳолга қўйдилар. Чигирткалар чириллаши, кеча ҳашоратларининг нағмаси кучлик шамол товши билан кесилди. Суфа устидаги сўри ҳар замон тўрт томонга чайқалиб, ўз остида ўлтурғучиларнинг бетларини гоҳ кўрсатиб, гоҳ яшириб, улар билан ўйнашқандек теваракка ҳусайни ғужумларини бир-икки бора узиб ташлади”<sup>16</sup>.

Адабиётшунос М.М.Бахтин бадиий асардаги маконни икки турга бўлади, булар “очиқ” ҳамда “ёпиқ” макондир. Очиқ макон майдонига кенгликлар, дала, ўрмон ва тоғу тошлар, бутун коинот киради. Ёпиқ макон майдонига эса, уй, ҳовли, сарой, меҳмонхона, хона ва ҳоказолар киради. Эшик, ойна дераза, девор эса, улар ўртасидаги чегара ҳисобланади. Агар бу фикрларни “Меҳробдан чаён” романига

<sup>16</sup> А.Қодирий Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. — Б. 382.

татбиқ этадиган бўлсак, унинг сюжет вақти майдони бўлакларига киритилган макон унсурлари “ёпиқ” ҳисобланиб, асосан, Солиҳ Махдум ҳовлиси, маҳалла масжиди, хон саройи, Султонали уйи, канизақлар хонасидир.

Романдаги бадий макон ва замон, яъни хронотопда вақт қисқарган, зичлашган, бадий жиҳатдан сезиларли бўлиб қолган. Макон ҳам аниқлашиб вақт билан биргаликда сюжет воқеалари давомида ўзгариб туради. Романнинг марказий қаҳрамонлари Раъно ҳамда Анвар мирзо балоғат даврига қадам қўйган, ҳаётда бахтли бўлиш умиди билан яшаётган, самимий, беғубор муҳаббат, севги эгалари, улар ҳар жиҳатдан бир-бирларига муносиб қалбан ва жисман гўзал кишилардир. Улар бир хонадонда, бир муҳит, шароитда, бир киши кўлида тарбия кўрган. Афсуски, жамиятдаги Абдураҳмон домлага ўхшаган ғаламислар туфайли улар азият чекадилар.

Роман сюжетининг бадий маконини ўзгаришига қаҳрамонлар ўртасидаги конфликт ҳам сабаб бўлади. Романда вақт (замон) ўз-ўзидан макон (ёхуд микромакон) тасвирини тақозо этади. Улар романда бир-бири билан узвий боғланган. Вақт (замон) аломатлари маконда намоён бўлади, макон эса замон орқали тушунилади, англашилади, инкишоф этилади.

“Бу кеч масжид ҳужраси яна обод, катта шамъни тоқчага қўндириб, очиқ танчага писта кўмир солиб, маънос, бир-бирига ёнма-ён ўлтурғувчи икки муфти қўлларини оловга товлар эдилар.

Мулла Абдураҳмон танча ёнига келиб ўлтурди ва ер остидан Шаҳодат муфтига қараб илжайди.

— Шундай қилиб, Мирзо Анварни қиз билан қочирдингиз.

— Қочириш бўлса, қочирдик ва лекин қордан қутилиб ёмғирга тутилдик, мулла Абдураҳмон”<sup>17</sup>. Бадий асар, хусусан, тарихий романда бир макон бирлигидан ўзгасига кўчишнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Чунки ҳар бир маконий бирлик муаллифдан ўзига алоҳида эътиборни, экспозиция, пейзаж тасвирини талаб қилади.

Романдан олинган парчага эътиборни қаратсак, макон майдони бошқа “микромакон”га алмашганини кузатиш

<sup>17</sup> А. Қодирий Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. — Б. 478.

мумкин. Масжид хужраси тасвири билан бадиий вақт (замон) (кеч)да персонажларнинг тубан, разил, ифлос ишларидан, қилмишларидан хабардор бўламиз.

Маълумки, асарда ифодаланаётган ҳодисалар ишончли, табиий, жонли бўлиши учун бадиий макон ҳамда бадиий замон асар воқеаларига мос тушиши керак. Агарда бадиий вақт (замон) ҳамда бадиий макон асар воқеаларига ҳамоҳанг бўлмаса, сюжет вақти воқеасига путур етади, яъни иллюзия (борлиқни сохта тушуниш)ни келтириб чиқаради. “Меҳробдан чаён” романида бадиий макон ҳамда бадиий замон асар воқеаларига мос тушган. Кўқон хонлигидаги тарихий воқеа-ҳодисалар давр, муҳит ҳамда замон мантиғидан келиб чиқиб мос тарзда тасвирланади.

“Кун қиёмига яқинлашкан. Яна бирор соатдан сўнг Султоналини ўлимга олиб чиқар эдилар. Ўрда ҳеч бир ўзгаришсиз, одатий такаллуфида ҳаракатланар, бахмал ва заррин кийган саркардалар ичкари билан ташқарига тўхтовсиз қатнашиб турар эдилар. Бу кунги девонда бир неча муҳтарамларнинг чақ-чақи билан яна бошқача руҳ, икки кундан бери яна девон хизматини адо қила бошлаган бир муҳтарам ёш олимнинг мулојим сиймоси мирзолар орасини яна мунаввар эткан ва юзидан ғолибият маъноси чакиллаб турган икки муфтининг мутойибаларига ёш олимнинг майин нигоҳи ҳар замон илжаяр эди”<sup>18</sup>. Бадиий макон ҳамда бадиий замон асар жанрини белгилаб, тайинлаб берувчи шаклий-мазмуний категориядир. Бадиий замон ва маконнинг нафақат кўламдорлиги, кенглиги, шунингдек, уларнинг тарихан аниқлиги, бадиий-эстетик жиҳатдан далилланганлиги, сюжет тармоқларига боғланиш даражаси, қаҳрамонлар ички психологик дунёсининг кўпқатламлиги, фикр, туйғулар оқими ҳаракатлари романни йирик эпик шакл сифатида кўрсатиб, белгилаб туради.

XX асрнинг 30-йилларида ёзилган Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи мазмун жиҳатидан “Ўткан кунлар”га нисбатан мураккаб. “Кеча ва кундуз” романи мураккаб ва зиддиятли даврда яратилган. Ўтган асрнинг 30-йилларида собиқ шўро ҳукумати ҳар томонлама мустаҳкамланган, жамики

<sup>18</sup> Қодирий А. Ўша китоб. — Б. 498.

хунрезликлар — қулоқларни синф сифатида тугатиш, партияни ёт унсурлардан тозалаш, ишлаб чиқариш зараркуналларини фош қилиш — буларнинг ҳаммаси омманинг “розилиги ва қўллаб-қувватлашлари” остида амалга оширилади. Чўлпон ўтмиш мавзусига қўл уриб, Туркистон халқларининг инқилоб арафасидаги ижтимоий ҳаёт воқеаларига муурожаат этади. Адиб ўтмиш ҳақидаги бор ҳақиқатни кўрсатиш учун Андижон шаҳрини (бу шаҳардаги тўртта хонадонни, яъни Раззоқ сўфи, Акбарали мингбоши, Мирёқуб, Ноиб тўра) микромаконлар сифатида олади.

Оилавий маиший, реал ҳаётнинг воқеа-ҳодисалар жараёнида, кетма-кетлик ва давомийликни кўрсатиш билан замонавий манзарани бадиий вақтда талқин этади. Зебининг жиддий фожиали, мураккаб зиддиятли қисмати, Акбарали мингбошининг тубанлиги, адолатсизлиги, хотинбозлиги, расмийлиги, қаллоб қилмишларга тўла ҳаёти, Мирёқубнинг иккиюзламачилиги, айёрлиги тадбиркорлиги муайян ички қарама-қаршилиқларга бой руҳий ҳолати орқали замон манзараси роман сюжет вақтида яхши тасвирланади. Бу қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари, тўқнашувлари, тақдирлари романда сюжет вақтининг асосини ташкил этади. Ёзувчи қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, характерлар олами, руҳияти, сюжет воқеаларига мос тарзда бадиий руҳиятига, характер хусусиятлари, хатти-ҳаракатларига боғлиқ равишда бадиий маконга нарса-предметларни тартиблайди, замоний воқеалар жараёнини ифода этади. “Зебининг қиш ичи сиқилиб, занглаб чиққан қўнгли баҳорнинг илк ҳовури билан очила тушган, энди устига похол тўшалган аравада бўлса ҳам аллақайларга, дала-қирларга чиқиб яйрашни тусай бошлаган эди”<sup>19</sup>. Қаҳрамон руҳияти билан боғлиқ бўлган ушбу тасвирда маконий фаслнинг, яъни баҳор вақтининг ўзига хос манзараси чизилади. Миллий колорит замоний ҳодисалар жараёнидан келиб чиқиб нарса-предметлар билан кўрсатилади. Зеби характеридagi самимият, очиқлик ёрқин кўринса-да, замонадаги разолат ва қабиҳлик, ёмонлик ва ёвузлик у униб ўсган муҳитдаги адолатсизлик унинг тақдирига соя ташлайди.

<sup>19</sup> Чўлпон А. Кеча ва кундуз. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. — Б. 9.



Шу боис унинг учун ўз замонаси ғалати, алланечук тескари, инсоний мантиқдан йироқ, гўё тўнтарилган оламга ўхшайди. “Роман воқеаларининг битта асосий ўқи Зеби билан боғлиқ сюжет линияси теварагида жамлангани учун ҳам адиб ўзини қизиқтираётган асосий масала сифатида Зеби тақдирини, умуман, хотин-қизлар тақдири масаласини тақдим қилиш имконига эга бўлади”<sup>20</sup>. Романда қора бўёқ тасвири — ҳам замон, ҳам макон нуқтаи назаридан ўзига хос режадир. Чунки ёзувчи романнинг ғоявий концепциясида жуда муҳим ўрин тутган Акбарали образини яратишда ана шу пландан маҳорат билан фойдаланади.

“Акбарали мингбошининг белида кумуш камари, ёнида кумуш сопли қиличи, устида зарбоф чопони бўлмаса ҳеч ким уни амалдор демайди. Оддий кийимда кўрганлар, оддий бир қишлоқ бойи — Етгисув билан алоқаси бор қўйчи, ё бўлмаса, яйлов томон билан иш кўрадиган туячи, деб ўйлайдилар. Чакка суяклари туртиб чиққан, пешона бўйича тор, энига кенг ва ҳам узун-узун уч чуқур ажинга эга... Бурун ўртача, лекин қаншари паст... Кўз қисилиброқ келган, парда томирларидан икки-учтаси ва ҳам иккала кўзининг бир ёнида жиндек жойи ҳамма вақт қизил, бир кўзида пича шапағлиқ асари ҳам бор... Ияк — кенг, жағ — сергўшт. Жуда сийрак бўлган сақол иякнинг ўртасидагина тўпланиб, эчкиники сингари пастга тамон сангилаб тушган”<sup>21</sup>.

Маълумки, XX аср бошларида Туркистон ўлкасида асосий ижтимоий конфликт ёзувчи ва ззиловчи синфлар ўртасида эди. “Ўтмиш баҳона замонасига топиб баҳо берган Чўлпон Акбарали мингбоши образини яратишда пичинг ёхуд киноядан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Унинг портрети — ташқи қиёфаси, сиймоси, кийим-кечаги, ўзини тутиши хатти-ҳаракатлари тасвири билан, замона билан бир даражада (бир текисликда) макон майдони орқали ифода этади. Акбаралининг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан нўноқлиги маконий майдондаги замонавий воқеа-ҳодиса жараёнларига бефарқлиги, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламаслиги оқибатида жilовини Мирёқубга бериб қўйиши ишонарли

<sup>20</sup> Романга ёзилган сўзбошидан. — Б. 8.

<sup>21</sup> Кўрсатилган асар. — Б. 46.

тарзда кўрсатилади. Ёзувчи ана шундай кишиларнинг психологик портретини, руҳий дунёсини чизиб кўрсатиш билан замоннинг феодал асослари чириб битганини, натижада “миллий буржуазиянинг ҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий истиқболга эга” эмаслигини кўрсатади.

Маълумки, романий макон ва замоннинг ўзига хосликлари жанрнинг турли кўринишларида намоён бўлади. Қаҳрамонларнинг руҳий оламида, дунёқарашида, тафаккурида замон ўзгаришлари ўз ифодасини топади. Романда доим муаммовийлик бадий маконий-замоний манзараларда кўрсатилади. Унда фалсафий, ижтимоий-сиёсий муаммовийлик, руҳият таҳлили бор.

Зеро, Чўлпон талқинича, XX аср бошларида Туркистонда жадидчилик ҳаракатидан ўзга жиддийроқ бир ижтимоий-сиёсий куч мавжуд эмас эди. Шу боис ҳам “...жадидчилик ҳаракати кескин қоралана бошланган бир пайтда Чўлпон Шарафутдин Хўжаев тили билан унинг (ёзувчи ғоясини тарғиб қилувчи образ сифатида) мақсад-моҳиятини холис баён қила олади. Романда ижтимоий-маънавий ўса бошлаган ягона қаҳрамон – Мирёкубнинг жадидларга яқинлашуви ҳам бежиз эмас”<sup>22</sup>. Романдаги муҳим муаммолардан бири адиб ўз миллатдошларининг эътиқодсизлигини миллатнинг фожиаси деб билишидир. Миллатнинг бошидаги макон ва замондаги Акбарали мингбоши ва Ноиб тўрага ўхшаган тубан кишиларни “кеча” яъни ўтмиш кунининг вакили деб ҳисоблайди.

“Романда ўтмишнинг тасвирланиши асло бу ўтмишнинг замонавийлаштирилишини тақозо этмайди (айрим романларда бундай замонавийлаштириш элементлари учрайди, албатта). Аксинча, ўтмиш ўтмиш сифатида фақат романдагина чинакам реалистик тасвирини топиши мумкин”<sup>23</sup>. Романда макон ва замон ўзининг янги қаҳрамонлари, муаммолари уларнинг тажрибаси, мушоҳада тарзининг теранлиги, ўткирлиги, кенглиги ва жонлилиги бадий тасвирланади.

<sup>22</sup> Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. — Т.: Шарқ НМАК, 2004. — Б. 119.

<sup>23</sup> Бахтин М.М. Эпос и роман. Вопросы литературы и эстетики / Введение в литературоведение. — Москва: Высшая школа, 1979. — С. 287.

Чўлпон романида жаҳолат, адолатсизлик туфайли ҳақ-ҳуқуқи топталган, ўзлигидан жудо бўлган халқ ҳаётини қоронғулик кўйида тасвирларини, уни эрк ва озодликка эришиши йўлидаги ҳаракатларини маконий-замоний концепциясида жуда ёрқин ифода этади. Эркинлик, Озодлик учун ёруғлик томон интила бошлаган ягона одам (образ) – Мирёқуб ва уни етаклаган Шарафутдин Хўжаевдир. Асарнинг туб маъноси ҳам ана шу қаҳрамонга боғлиқ. Романнинг кейинги сюжет воқеалари марказида, асосан, Мирёқубни хатти-ҳаракатлари руҳиятидаги жараёнлар тасвирланади. Ёзувчи XX аср бошларида “Туркистон воқелигини қаҳрамонлар руҳиятида қолдирган излари орқали очишга” ҳаракат қилади. Мураккаб характерга эга бўлган қаҳрамон Мирёқубнинг дунёқаришида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Ундаги бундай ҳолни юзага келишига сабабларидан бири маконий ва замоний ўзгаришлардир. Профессор О.Шарафиддинов бу образ ҳақида: “Мирёқуб образининг зиддиятли қирраларини белгилаган нарса шундаки, у бир томондан, янгича буржуа одамига хос сифатларга эга, аммо, иккинчи жиҳатдан, ўз муҳитидан бутунлай узилиб ҳам кетган эмас”<sup>24</sup>, – деб ёзади.

Чўлпон Мирёқуб руҳиятидаги кечаётган жараёнларни тасвирлашда таҳлилий усулдан кенг фойдаланади. Маконий-замоний зиддият романда замоннинг ўзгариб туришига эътиборни жалб қилади ва инсон “мен”ининг иккиёқлама табиатини ўзида акс эттиради. Ёзувчи Мирёқуб характеридаги иккиюзламачиликни маҳорат билан тасвирлайди. Сюжет воқеалари маконини ўзгартириб, уни қаҳрамоннинг, яъни Мирёқубнинг хотира ҳаёлотига кўчиради. Хотира ижоди ёлғизлик ва инсон онги муаммоларига урғу бериш жиҳатидан бир қадар экзистенциал йўналишга эгадир. Бунда инсониятнинг мавжудлиги қандайдир “фоний макон”га айланади (М.Хайдеггер), унинг чегараларида фақат реал ҳаётнинг кундалик вақти ва маконни тушунилади – шунинг унинг ўзи инсоннинг ички дунёси ва унинг шахс сифатидаги моҳиятини белгилаб беради. Нисбатан, ёрқин ички ҳаракат макони романдаги Мирёқуб образида кўзга ташланади. У кечаги кун, яъни ўтмишида қилган разил, тубан, фаҳш ишларини

<sup>24</sup> Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Т.: Ҳазина, 1994. – Б. 24.

хотира-хаёлдан ўтказди: “Ёлғон гапирма, Мирёқуб. Сен терговчи қошидасан. Биз кўнглингда ёзилганларни баралла ўқиб турибмиз. Вексилдан ё ер васиқасидан сен қандай копия олсанг, биз ҳам сенинг кўнглингдан ўшанақа копия олганмиз. Шунинг учун ростини айта бергин... Барибир, бизни ёлғон гапга ишонтиролмайсан. Хўш, гапир:

– “Кайфиятим унча жойида эмас...”

– “Ҳаббаракалла, гапир, гапир!”

– “Таъбим кир, кўнглим айниган, алланарсадан жирканган кабиман...”<sup>25</sup>

Бу бадиий образнинг ички руҳий қиёфаси маконий-замоний ўзгаришлар таъсирида янгилашиб боради. Романнинг сюжет линиясида жадид савдогар – Шарафутдин Хўжаев пайдо бўлиши билан ёзувчи ҳикоячилигидан воз кечиб, ана шу персонаж ровийлигини амалга оширади. Шунингдек, роман воқеаларининг маконий майдони ҳам ўзгаради. Шарафутдин Хўжаев ва Мирёқуб поездда учрашадилар. Чўлпон романда турли композицион усуллардан ўринли фойдаланади Юқоридаги қаҳрамонлар учрашуви билан боғлиқ эпизод ҳам ана шундай усуллардан бири бўлиб, ёзувчи буни “Мирёқуб билан Марямнинг кундаликлари воситасида жонлантиради”.

Айнан, ана шундай бадиий макон ва замон манзарасини тасвирлаш орқали ёзувчи ўз мақсад-ниятини, гоёсини ифода этади. Ш.Хўжаев сиймоси ўзига хос очқич вазифасини бажара бориб, унинг сўзлари орқали замоннинг ижтимоий ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар жараёни, унда муҳим роль ўйнаган жадидчилик ҳаракатининг сабабларини ва кўламини кўрсатишга эришади. Замонлар иерархиясидаги биз таърифлаб ўтган янгилик Ш.Хўжаевнинг дунёқараши, тафаккур оламида ҳам кескин бурилиш ясайди. Ш.Хўжаев фаол курашган шахс. Унда замон ўзгариши таъсирида пайдо бўлган миллатпарварлик туйғулари мавжуд. Шу боис ҳам ёзувчи бу образ воситасида ўлканинг мустақилликка эришиш, туркий, мусулмон халқларнинг бирлашуви ва

---

<sup>25</sup> Чўлпон А. Яна олдим созимни. — Тошкент: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. — Б. 164.

иқтисодий мустаҳкам бўлиши учун шахсий ташаббусига, индустриалармонликка кенг йўл бериш, эркин савдога йўл очиш каби замоннинг муҳим муаммоларини ҳам қўяди.

Умуман, романда макон ва замоннинг бадиий талқини орқали ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар ёрқин намоён этилади.

Роман жанри доимо тадрижий хусусиятга эга бўлиб, замон стихияси билан туташади. Ҳали қотиб улгурмаган макондаги нарса-предметларни, замондаги воқеа-ҳодисалар жараёни давомийлигини ташналик билан тасвирлашга талпинади. Унда тасвир майдони исталган қиёфа ёки ҳолатда бўлиши мумкин эмас. Ёзувчи маконий-замоний ҳаётнинг реал моментларини тасвирлаши ёки унга иллюзиялар ясаши, қаҳрамонлар суҳбати орқали мақсадларни ёритиши, уларнинг суҳбатига аралашishi, ўзининг адабий душманлари билан очиқ мунозарага киришиши мумкин. Тасвир макондаги муаллиф образининг нутқи ҳақиқий реал тасвирланадиган оламга мос, замон воқеа-ҳодисалар жараёнига мантқан тўғри боғланиши лозим. Шунингдек, бу жиҳатлар доимо романда замонавий ўлчовда туради, муаллифнинг тасвир этувчи сўзи қаҳрамоннинг тасвирланган сўзи билан бир текисликда ётади, у билан диалогик муносабатларга киришади. Ҳар бир қаҳрамон ўз замонида яшайди, ўз маконида ҳаракат қилади, ўз йўналишига эга бўлади ва муҳим хусусиятларини кўрсатади. Зеро, роман инсон тақдири унинг жамият, макону замон билан ўзаро муносабатини бадиий тадқиқ этаркан, сюжет воқеалари содир этилаётган вақтда муаллиф фикр-мулоҳазалари, хабарлари муҳим аҳамият касб этади. Сюжет вақтининг бадиий ифода этилиши, реал ҳаётий ҳодисалар асосида, қаҳрамонлар ички оламидаги кечинмаларнинг тасвирланиши бадиий маконий-замоний концепцияда ёрқин намоён бўлади. Романда эпик ва драматик унсурларнинг уйғунлашуви, эпизодларнинг ўзаро боғланиши, образларнинг жонли, тўлақонли тасвирланиши, сюжет вақтини тартибли жорийлаштириши композицион тузилишининг пухталигини таъминлайди.

Романда ижодкор ҳаёт воқеа-ҳодисаларини бутунликда бадиий маконий-замоний концепцияда тасвирлар экан, ўзининг ҳаётини, тақдирини, унинг қисми сифатида идрок этади, ҳаётнинг бутунликдаги моҳият-мазмунини англаш ва ифодалашга интилади. Шунингдек, роман марказида турган қаҳрамоннинг шунга мувофиқ бўлиши тақозо қилинади. Адабиётшунос Г.Лукачининг фикрига кўра, “Дунёнинг яхлитлигию бутунлигини, мавжудликнинг туб моҳиятини англаш романнинг бош муаммоси бўлса, қаҳрамоннинг дунё билан зиддияти ўша муаммони ҳал қилиш воситасидир”<sup>26</sup>. М.М.Бахтин эса, бу борада шундай ёзади: “...қаҳрамоннинг тақдирини ва эгаллаган мавқеининг ўзига номувофиқлиги роман жанрининг марказий мавзуларидан биридир”<sup>27</sup>. Демак, юқоридаги фикрлардан шу нарса англашиладики, “романий қаҳрамон” макон ва замонда ўзининг индивидуал хусусиятга эга, жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга муносабат билдира оладиган, теран идрок этиб фикрлайдиган, муҳит билан зиддиятга кириша оладиган шахс бўлиши лозим. Агар шу нуқтаи назардан ёндашсак, ўзбек романчилигидаги бир неча персонажларни мисол сифатида кўришимиз мумкин.

Адабиётшунос олим Д.Куронов таъкидлаганидек, “Кеча ва кундуз” романи сюжет вақтида ҳам драматик унсурлар ўзига хос тарзда намоён бўлади. Шунга кўра, драматик сюжетга хос бахтиёрликдан бахтсизликка ва аксинча, бурилишлар яъни, Арасту “Поэтикаси”да айтилган перипетиялар бу асарларда турлича шакллантирилади. “Меҳробдан чаён”да сюжет “бахтиёрлик-бахтсизлик” схемаси асосига қурилса, “Кеча...”да бахтсизлик (Зебининг сиқик муҳитдаги яқнав, туссиз ҳаёти) - бахтиёрлик (сафар чоғидаги эркинлик нашъаси, Ўлмаста кўнгиш қўйиши) - бахтсизлик схемаси иш беради. Шу маънода, А.Қодирий романида драматизм, “Кеча...”да трагизм элементлари устун, дейиш мумкин. “Кеча ва кундуз” романидаги ҳар бир сюжет, ҳар бир эпизод ўзининг мазмуни, маъноси, макони жиҳатидан бадиий аҳамият касб этади. Романда ифодаланган тарихий воқеа бадиий вақт ўшанга мос

<sup>26</sup> Кўчирма манбаси: Рымар Н.Т. Введение в теорию романа. — Воронеж, 1989. — С. 69.

<sup>27</sup> Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. — М.: 1975. — С. 479.

бадий маконни келтириб чиқаради дейиш мумкин. Романнинг бадий макон ҳамда бадий замонида эпик, драматик ва лирик унсурларни кузатиш мумкин. Зеби, Раззоқ Сўфи, Акбарали мингбоши, Мирёқуб каби қаҳрамонларнинг ҳаётидаги жуда қисқа бир давр бадий вақтда ўз ифодасини топади. Тахминан романда реал ҳаётдаги тўққиз-ўн ойлар ичидаги воқеалар тасвирланади. Романдаги бадий вақт (замон) ҳамда бадий маконда қаҳрамонларнинг характер қирралари, руҳий олами ҳис-туйғулари, фожиавий кечинмалари, хатти-ҳаракатлари шиддат билан намоён бўлади.

Сюжет вақти (замони)да воқеа-ҳодисалар макон майдонида уч образнинг галма-галдан марказга чиқарилиши ҳамда бу образларга бош қаҳрамон функциясининг юкланиши романнинг ўзига хос хусусиятидир. Романда воқеанинг эпик ривож кенг кўламдорликда ҳамда драмага хос шиддат билан кечади. Шу боис ҳам романдаги бадий вақт интенсив йўл билан, бадий макон эса, ўзига хос реал кўринишга эга бўлади. Ровийликни бошқарган Чўлпон роман сюжет вақти бошидаёқ сўфи хонадонидаги зиддиятларни тасвирлаш орқали замонасининг ижтимоий ҳаёт воқеаларига танқидий муносабатда бўлади. Ўзининг “қаҳрамонига муносабатини яширмайди — ошкор заҳарханда билан таърифлайди уни”. Муаллиф томонидан тасвирланаётган бадий макон ҳамда бадий замондаги воқеалар қаҳрамонларга берилган тавсиф ўқувчига ўз таъсирини ўтказиш учун қулай имконият ҳисобланади. Бу жиҳатдан олмон драматурги Ф.Шиллернинг ушбу сўзлари эътиборли: “Эпопея, роман, оддий ҳикоя ўз шаклига кўра воқсани илгари суради, китобхон ва ҳаракат қилувчи қаҳрамон ўртасида ҳикоячи (яъни, ёзувчи) туради. Баён шаклларига кўра, барча ҳозирда бўлаётган воқеалар ҳозирги замондан ўтган замонга айланади. Драмада эса барча ўтган замон воқеалари ҳозирги замонда юз беради”<sup>28</sup>.

“Кеча ва кундуз”да сюжет вақти, воқеа макони беш, олти жойга алмашинишини кузатамиз. Демак, биринчиси Раззоқ сўфи хонадонини ҳисобланиб, бу маконда яшаётган уч шахснинг драмасыни кўраамиз. Булар Раззоқ сўфи, Курбон биби ҳамда

<sup>28</sup> Шиллер Ф. Собр. соч. в 7 томах. Т.6. — М.: Художественная литература, 1957 — С. 58.

Зебилардир. Иккинчи макон Акбарали хонадони бўлиб, Акбарали ва унинг хотинлари, яъни кундошлар фожиасини кузатишимиз мумкин. Учинчи макон эса, Ноиб тўра хонадонидир. Бу маконда Ноиб тўра ва унинг фоҳиша хотини ҳамда хизматкори Зуннуннинг драмасини кўрамиз. Тўртинчи макон сифатида шаҳарда жойлашган исловоҳона. Бир қагор фоҳишалар билан бирга Марям драмасини кузатамиз. Бешинчи макон майдони Мирёқуб хонадони бўлиб, бу ерда Мирёқуб ҳамда Пошшоҳон муносабати гавдаланади. Олтинчи макон майдони поезд купеси бўлиб, Ш.Хўжаев, Марям ҳамда Мирёқуб кечинмаларини кузатамиз. Бу маконларда кечувчи сюжет воқеалари вақтида қаҳрамон персонажларнинг мураккаб руҳий олами, ўй—кечинмалари ишончли, табиий тасвирланади. Романнинг асосий сюжет вақти чизиғи шу хилдаги драматик кўринишлар силсиласидан ташкил топган бўлиб, шунга мос “саҳна” макон майдони ҳам танланади. Тасаввуримизда ана шу макон майдони (яъни саҳна)да юз берган воқеа-ҳодисалар “охир-оқибатда бир бутунлик - роман ичидаги драмани юзага келтиради.”

Адабиётшунос Д.Куронов Чўлпон романида ривоянинг куйидаги учта функциясини ажратиб кўрсатади: “1) драматик кўринишларни тайёрлаш; 2) драматик кўринишларни амалга ошириш; 3) асарнинг эпик кўламини ошириш ва яхлит бутунлигини таъминлаш”.

Демак, романнинг композицион вақти (замони)да воқеаларни ҳикоя қилиш жараёнида юқоридаги учта функция муҳим рол ўйнайди. “Кеча ва кундуз”да ўтмишнинг (яъни XIX асрнинг охири XX аср бошлари) қора кунлари, қаҳрамон персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, психологик олами кучли тасвирланади. Романнинг сюжет вақти ҳамда маконида бугун борлиғи билан тарихий кун намоён бўлади. Раззоқ сўфи хонадонидаги аянчли ва ачинарли ҳаёт, ўзига хос тарзда халқнинг ижтимоий турмушига ишорадир. Чунки Раззоқ сўфига ўхшаган кимсалар оила, бола-чақасини ўйламайди. Эрталабдан кечгача Эшонга ўхшаган диний уламоларга сиғиниб, бирор бир юмуш билан шуғулланмайди. Натижада оила иқтисодий жиҳатдан танг аҳволга тушиб қолади. Раззоқ сўфи маънан ҳам заиф кишидир. Унинг кўриниши баджаҳл,



хунук. Ана шундай эр билан яшаган Қурбон биби эса, тақдир тақозоси туфайли замонга қарши боролмайди, тақдирга тан бериб яшайди, у ҳақиқатан муҳит қурбонидир (Адиб исмни беҳуда қўймаган). Романнинг бадиий макон ҳамда бадиий замонида ана шундай оила драмасининг тасвирланиши, ўша даврдаги ўзбек хонадонлари ҳаётининг типик кўзгу аксидир. Бундай хонадонларда Зебига ўхшаган пок, беғубор, самимий қалб эгалари даврнинг қурбони бўладилар.

Инсон характери, руҳий оламининг шаклланишида ижтимоий муҳит, шарт-шароит, у яшаётган жамият атрофидаги кишилар ҳам муҳим рол ўйнайди. Романнинг сюжет вақти (замони) ҳамда маконида ижтимоий муҳит билан ҳамнафас бўлган давр таъсирида характер фазилатлари шаклланади. Романнинг бадиий макон ҳамда бадиий замонида ҳаракат қилган Мирёқуб ўша давр ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларни, янгиликларни тўғри англаб етган шахс. Ёзувчи ўз олдига қўйган гоёвий-бадиий ният талабидан келиб чиқиб Мирёқуб образини юксак маҳорат билан психологик таҳлил этади.

Мирёқубнинг характери, қарашлари, яшаш принциплари шаклланиб улгурган бўлишига қарамай романдаги жадид образи Шарафутдин Хўжаев билан учрашганидан кейин унинг феълда кескин бурилиш кузатилади. У ҳам жадидлар томонга ўтиб, ички олами, маънавий қиёфаси ўзгаради, ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланади. Туркистон келажаги учун ҳар қандай эски қолипларга қарши курашга айланади. Мирёқуб характери динамикаси асарнинг поезд сюжет вақти ва маконида ёрқинроқ кўринади. Поезд купеси, унинг танбури Ш.Хўжаев билан учрашиш ҳамда суҳбатлашиш эпизоди макони вазифасини ўтайди. Ёзувчи Мирёқуб ва Марям кундаликлари воситасида уларни (яъни Ш.Хўжаев ва Мирёқубни) учраштиради, суҳбатлаштиради. Романнинг ана шу сюжет вақти (замони) ҳамда маконида ёзувчи ҳикоячиликни ўзидан соқит қилади.

Романда ижтимоий муҳит, шароит билан узвий боғлиқ яна бир киши образи Акбарали мингбошидир. Ундаги салбий хислатлар саводсизлик, тубанлик, манфаатпарастлик, жоҳиллик, дунёбеҳабарлиги асар сюжет вақтида ишончли, табиий тарзда ифодаланади.

Маълумки, XX асрнинг энг мудҳиш фожиавий палласи 30-50 - йиллар шароити ҳисобланади. Бу даврдаги адабий жараён мустабид яккаҳоқимлик мафкураси, шўроларнинг сиёсий тазйиқи остида кечди. Албатта, бундай ҳол ёзувчиларнинг ижодий тақдирида талай нохуш асоратлар қолдиради. Маъмурий буйруқбозлик усуллари кучайиб, инсонпарварлик қадриятлари оёқости қилинди. Эркин ижодий фикрлашга имкон берилмади. Зеро, бадиий асарда ижодий жараён акс этар экан, ўша ижодий жараён кечган конкрет шароит ва шу шароитдаги ижодкор субъекти унинг тузилишига таъсир қилмаслиги мумкин эмас.

Абдулла Қаҳҳор бутун ижоди давомида ўтмишга мурожаат қилиб, унинг ижтимоий моҳиятини очиб берадиган асарлар, характерлар яратиб келди. Адибнинг “Сароб” романи ҳам ана шундай асарлардандир. Ёзувчи романда халқимиз тарихининг энг мураккаб даврини ёритади.

Маълумки, ҳаёт маконий ва замоний манзараси ўтмиш сифатида фақат романдагина ўзининг чинакам реалистик тасвирини топиши мумкин. Чунки реал воқеликни бадиий тадқиқ борасида, оламнинг макон ва замони ундаги одамлар ҳақидаги қарашларни бутлашу яхлитлаш имкониятларини бериш жиҳатидан романга тенг келадигани йўқ. Роман сюжет вақтининг асосий макони гарчанд аниқ номланмаган бўлса-да, воқеалар тафсилотидан билиш мумкинки, Самарқанд ва Тошкент шаҳрини тасвирлаган. “Сароб” романида ҳам XX асрнинг 20-йилларидаги макон ва замонда кечган воқеа-ҳодисалар тасвирланади. Роман марказида Саидийнинг туриши, воқеаларнинг битта асосий ўқ — Саидий билан боғлиқ сюжет линияси теварагида жамлангани учун ҳам адиб ўзини қизиқтираётган асосий масала сифатида унинг тақдирини, умуман, миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчилари тақдири масаласини тақдим қилиш имконига эга бўлади. Романда бадиий-мафкуравий онг учун замон ва макон тарихий моҳиятта айланади: гарчанд аввалига Саидий тақдири билан боғлиқ воқеалар, унинг худбинлигию ёхуд индивидуализм иллатлари бадиий тадқиқ қилинади. “Саидийни ёмон кўришни Шафрин хаёлига ҳам келтирмас, баъзан ундан қаттиқ гаплар эшитса ҳам, дарҳол унутар ва ичидан “бунинг феъли шу”,

дсб қўя қолар эди. Саидий афгини буриштириб ўзини касаликка солди. Шафрин ростдан ҳам касал гумон қилиб, бошини ушлади.

— Иссифингиз йўқ.

— Қимирласам, биқиним санчади, — деди Саидий худди ҳозир санчигандай афтини буриштириб”<sup>29</sup>. Романда қаҳрамонлар руҳиятини тасвирлаш етакчилик қилади. Шунинг учун ҳам асарни психологик роман дейилиши бежиз эмас, албатта. Романнинг бадиий макони ҳамда бадиий замони қаҳрамонлар руҳияти билан боғлиқлиги, ижтимоий ҳаётдаги инқилобий ўзгаришлар, сиёсий жараёнлар, уларнинг ички дунёси ва ҳиссиёт оламига кўрсатган таъсири каби масалаларни тасвирлаш, асарнинг муҳим ғоявий бадиий хусусиятларидандир. Замондаги воқеа-ҳодисалар жараёни қаҳрамон тақдирини фожиали якунланишига сабаб бўлади. Раҳимжон Саидий отасининг ўлими, Муниснинг қисмати, Мухторхоннинг фожиали ҳаёти, Муродхўжа домланинг аянчли аҳволга тушиши замон воқеа-ҳодисалари жараёни таъсирида маконий майдонда, яъни ўлкамизда содир бўлади. Чунки романнинг ғоявий пафоси 30-йиллар воқеа-ҳодисаларига ҳамоҳанг бўлиб, бу даврда шўро мафкураси томонидан коллективлаштириш сиёсати олиб борилаётган эди. Маҳаллий халқ орасидаги бой ва амалдорларни мол-мулкидан айириб, ўзларини сургун этиб, озодлик учун ҳаракат қилган зиёлиларни эса, “халқ душмани” тамғаси остида ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний бадном этганди. Романнинг марказий қаҳрамони Саидий атрофида зиёлилар аслида миллий озодлик ҳаракатининг иштирокчилари, собиқ жадидлар эди. Маълумки, жадидчилик XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон халқларининг турмуш тарзи ва тарихий қадриятларининг шаклланиш жараёнини ўзида жам эта олган амалий куч сифатида замон эҳтиёжи туфайли майдонга келди. Ана шундай маконий-замоний кундалик реал ҳаётидаги воқеа-ҳодисалар роман мазмун-моҳиятини ташкил этади. Замонавий воқеа-ҳодисалар жараёнида ўзгаришлар қаҳрамонлар тақдирида, уларни осойишта ҳаётида чуқур ва изтиробли из қолдиради. А.Қаҳҳор миллагчи Саидийни коммунистик мафкура тазйиқида салбий

<sup>29</sup> Қаҳҳор А. Сароб. — Т.: Шарқ НМАК, 1995. — Б. 12-13.

қилиб кўрсатишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, романда замон муаммолари ўтмишни бадийий-мафкуравий идрок этиш ва баҳолашнинг бошланғич нуқтаси ҳамда маркази тасвирланади. Ёзувчи томонидан тасвирланган сюжет чизиқларида бу ўтмиш дистанциясиз, замон билан бир даражада (бир текисликда), тўғри, унинг қуйи эмас, юқори қатламларида унинг илғор проблематикаси даражасида тақдим этилган. Саидий – кўлами кенг характер. У романдаги мукамал ишланган образлардан бири. М.Бахтин таъкидлаганидек, “Роман қаҳрамони кераксиз нарсани гапирмайди. Роман ўзининг ғоявий-маънавий бетақрорлигига эга бўлган шахсларга муҳтож бўлади”<sup>30</sup>. Гарчи романда Саидий замон талотумлари туфайли маънавий инқирозга юз тутган бўлса ҳам ўз мустаҳкам характериға эга бўлган кучли қаҳрамон саналади. Ёзувчининг бадийий концепциясини тўғри англашда қаҳрамон ҳаракат қилган тарихий макон ва замон, муҳит, шароит, ёзувчи яшаган ижтимоий-сиёсий вазият, мафкуравий муҳит, адабий жараён ва адабий анъаналар, халқ ҳаёти ва маънавиятининг ўзига хосликлари, ёзувчи услуби каби омилларни эътиборға олиш шарт. Шу боис роман марказига миллатнинг тақдириға тўғридан-тўғри дахлдор мустаҳкам, тарихий асосға эга қаҳрамон қўйилади. 30-йилларда А.Қаҳҳор романдаги қаҳрамонларға ўша давр нуқтаи назардан ёндашиб, ўша замон баҳосини берган эди.

Маълумки, роман макон ва замоннинг тугалланмаган воқеаси билан мулоқот зонасида қурилиб, кўпинча, бадийий-адабий ўзига хослик чегараларидан четға чиқиб кетади ва гоҳ ахлоқий ваъз-насиҳат, гоҳ фалсафий рисола, гоҳ тўғридан-тўғри тўкиб солинган, ҳеч қандай адабий шаклға туширилмаган изоҳли дил бўлиб, “қалб ҳайқириғи” ёки шунта ўхшаш бир нима бўлиб туғилади. Бундай ҳодисаларнинг барчаси роман учун фавқулудда характерлидир. Чунки романда ҳаракат қилаётган персонажлар бирор-бир маконда яшайди, бирор-бир юмуш билан банд бўлади, ўйлайди ва ҳоказо. Шунингдек, замоннинг воқеа-ҳодисалари жараёнида ишгирок этади. М.Бахтиннинг таъкидлашича, роман учун инсоннинг ҳаёт

<sup>30</sup> Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики, – М.: 1975. – С. 234-235.

йўли, ундаги энг муҳим лаҳзалар, муаммолар кундалик реал макон ва замон манзараси манба бўлиб хизмат этаркан, бунинг учун инсон ҳаёт йўли метафорик образ орқали бадиий асарга кўчирилади. Макон ва замон аниқ асосли фактлар билан ёритилади. Шундай ижодкорлар бўладики, ўз асарларида ҳаётини вақт муаммосини асосий планга чиқариб, бадиий макон вақти яралади. Рус ёзувчиси Достоевский бадиий маконий-замоний манзаралар орқали реал ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни, ижтимоий муаммоларини инсон руҳиятидаги кечаётган кечинмалар билан боғлиқ тарзда тасвирлайди.

Ижодкор ўз асарида воқеа-ҳодисалар жараёни бўлиб ўтган макон ва замон манзарасини танлайди. Бу макон ва замон катта бўлиши ҳам мумкин, бугун мамлакатни қамраб олиши (романда кўпроқ шундай йўл тугилади) ёки бутун оламни, ер, само (фантастик ва романтик романлар йўналиши) ёки бирор бир хонада содир этилиши ҳам мумкин. У ички мавзунинг мақсад-моҳиятини тўлдириб, асар ҳаракатини уюштиради. Шунинг учун ҳам бадиий макон ва замон асар учун муҳим тушунчадир. Бу ҳаракат (ҳаракатда макон ва замон боғланади) энгил ёки қийин, тез ёки секин содир бўлиши мумкин, эҳтимол, муҳимроқ ва таниқлироқ воқеа-ҳодисаларни кўрсатар.

Романнинг асосий ички мавзуларидан бири — қаҳрамон билан унинг тақдири ва аҳволи ўртасидаги номуносивлик мавзудир. Ҳар қандай материал, нарса-предмет борлиқда ўз объектига, жойига эга бўлади. Улар ўртасидаги қандайдир оралиқ масофа ўлчам уч нуқтада мавжуддир. Булар: нарса-предметнинг шакли, материал, объект бу макон ва замон шакл деб номланади ва улар ўзаро боғлиқликда ҳаракат қилади. Макон ва замон олам ва борлиқни кўриш учун бир — кўзгу биз унингсиз нарса-предметларни кўра олмаймиз.

Маълумки, олам, борлиқ, дунёни акс эттириш майдони жанрлар ва адабиёт тараққиётининг даврлари бўйича ўзгаради. У турлича ташкил этилиши ва замону маконда турлича чекланиши мумкин. Бу майдон ҳамини ўзига хос бўлади. “Сароб”да ҳам қаҳрамон персонажларнинг ҳаракат қилувчи макон майдони ўзгача бўлиб, сюжет вақтида тез-тез ўзгариб туради; хатти-ҳаракатлари, руҳий оламига мос тарзда макон

(микромакон) танланади. Қаҳрамонлар ҳаётининг реал моментларини тасвирлаши ёки унга иллюзиялар ясаши жараёнида муаллиф қаҳрамон суҳбатига аралашади, уларга муносабат билдиради.

“Саидий жавоб бермади. У худди олдида ҳеч ким йўқдай, унинг бурчагига қараб ўйланар эди. Эҳсон ҳам тек қолди. Анчадан кейин Саидий ўзича “ажойиб!” деди-да, “Эҳсонга қаради.

— Эсингизда борми, бўйнимизга жилд осиб, “Урфон” мактабига қатнаган кунларимиз?”<sup>31</sup>

Ёзувчи бадиий макон майдонида ғоявий жиҳатдан бири-бирига зид бўлган икки қаҳрамон характер қирраларини кўрсатишга, тасвирлашга ҳаракат қилади. Шунингдек, муаллиф идеалига зид қаҳрамондаги кибру ҳавони, манманликни, “мен” деган худбинликни тасвирлашда очиқ мунозараларга киришади. Қаҳрамон ва у яшаётган микромуҳитни сюжет вақти ҳамда сюжет макон майдонида инкор этиш орқали мавжуд ижтимоий тузумни тасдиқлаш йўлидан боради. Романнинг сюжет тасвир макони ҳамда замонида муаллиф ният-мақсади, ўй-фикрлари, мулоҳазалари ҳам муҳим бўлиб, қаҳрамон персонажлар хатти-ҳаракатлари психологик оламини тасвирлашу, тасвирланадиган олам билан янгича муносабатларга киришади: улар энди давр ва муҳитнинг муайян замоний мавқеида турадилар, муаллифнинг тасвир этувчи сўзи ҳамда иборалари қаҳрамоннинг тасвирланган сўзи билан бир текисликда ётади, у билан диалогик муносабатларга киришади ва гибрид ҳолатлар ҳосил қилади.

Муаллиф тасвирлаган бадиий макон ҳамда бадиий замон қаҳрамон персонажларнинг мулоқот зонасидаги янги тузум, ижтимоий муҳит билан боғлиқ муаммоларни ёритишга имкон яратади. Бир қатор миллатпарвар зиёлиларнинг озодлик ва эрк учун қилган ҳаракатларини сюжет вақти ҳамда маконида тасвирлайди. Улардаги энг яхши фазилатлардан бири миллат тақдирини ўйлаш, унинг учун куйиш, йиғлашдир.

Қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати унинг ички оламини очиб беришда, ғоявий қарашларини тарбиялашда муҳим роль ўйнайди. Роман қаҳрамони Саидий бадиий макон ҳамда

<sup>31</sup> Қаҳҳор А. Сароб.— Т.: Шарқ НМАК, 1995. — Б. 8.

бадий замондаги ана шундай мураккаб муаммолар гирдобидида кўрсатилади. Унинг характеридаги қарама-қаршиликлар ҳам маконий-замоний манзаралардаги ижтимоий-сиёсий муаммолар таъсирида ўз инсоний мураккабликлари билан тасвирлаш имкониятини беради. Романдаги замон (вақт) ва макон бирлигини адабий анъана нуқтаи назардан кузатганда, бадий вақтнинг индивидуаллаштириш масаласига муаллиф алоҳида эътибор қаратганини кузатиш мумкин. Чунки ҳар қандай замон ва макон бирлиги индивид, шахснинг унга муносабатига кўра реаллашади. Бадий асарда эса шахснинг замон ва маконга муносабати персонаж ва муаллиф муносабати орқали акс этади. Романнинг марказий қаҳрамони Саидийнинг жадидлар даврасида ҳаракат қилиши ва улар ғояларини маъқуллаши бадий макон ҳамда бадий замонда ишонарли кўрсатилган. Бу ўзига хос хусусият, фазилят аниқ бошдан кечирилган бўлиб, сиз билан бирга бошқа, ўзаро тик қилиб қўйилган кучли эстетик муаммони зўр бериб ифодалайди, ўзга кимсани ҳаракатини кўрсатиш, ҳақлиги ҳақида маълумот олиш чегараланганда ишонарли чиқмайди, чек-чегараланмаган қаҳрамоннинг ички олами, дунёси учун маконий-замоний ҳиссий олам муҳимдир. Ёзувчи Саидийнинг ана шундай ички оламини тасвирлаш учун ўша замоннинг муҳим ижтимоий ҳаракати ҳисобланмиш жадидчилик вакиллари билан яқиндан таништиради. Бу билан роман сюжет вақтида жадидларнинг илк газеталарида Русиядаги мусулмонларни миллий озодлик ҳаракати ғоялари байроғи остида бирлашиш зарурати ёзилганлигини англаб этади. Романдаги ҳаракатлар ҳамма акс этган тасвир хабар ва бошдан кечирилган саргузаштлар қаҳрамон ҳаракат қилаётган маконда аралашади, ижтимоий ҳаёти, фаолияти билан чатишиб кетади. Роман воқеаларининг марказий қаҳрамони Саидий бўлгани учун ёндош сюжет чизиқлари ҳам унинг образи атрофида шаклланган.

Шахс ҳалокатини асослашда у яшаган реал макон ва замонда кечувчи воқеалар, ижтимоий муҳит, мулоҳазалар муҳим роль ўйнайди. Бадий адабиётнинг бу сифатини яхши англаган Абдулла Қаҳҳор романнинг бадий макон ҳамда бадий замонида тақдири фожиа билан тугаган образларнинг

фаолиятини яхши изоҳлайди. Ёзувчи реал макон ва романдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни яхши англаган шахсни жадидлар орасида гоҳ ўзи хоҳламай, гоҳ ўзи хоҳлаб фаолият қилганлигини акс эттиради. Худди ўша масала орқали романнинг бош характерлари тақдири, руҳий олами бадиий тадқиқи, талқинида асарнинг асосий руҳи реалистик кудрати, умуман, реализмнинг сеҳрли кучи намоён бўлади. Роман сюжет вақтида қаҳрамон орқали миллатнинг тақдирига тўғридан-тўғри дахлдор масалаларни илгари суриши ёзувчи бадиий концепцияси билан боғлиқдир. 30-йилларда Абдулла Қаҳҳор романдаги қаҳрамонларга ўша давр нуқтаи назардан ёндашиб, ўша замон баҳосини берган эди. Чунки романдаги салбий қаҳрамонлар миллатнинг мустақиллиги, озодлиги ва истиқлоли учун курашган шахслардир.

Адиб замона зайли билан роман марказига ўз замонаси идеалига зид қаҳрамонларни олиб чиқади ва даврнинг ҳар қандай талабларига ҳам бадиий асар “лаббай” деб жавоб бериши шарт эмаслигини амалда исбот қилди ва ижодининг шу жиҳати билан ҳам нодир санъат асари ярата олди. “Саидий кечқурун домла келтириб берган таржима ишларини битириб, уйдан ташқарига чиққанда боғ томондан “булбулигўё”нинг вайсаган товушини эшитди”<sup>32</sup>.

Адабиётда бўсаға макон ва замони доимо метафорик ва рамзий, баъзан очиқ, бироқ кўпроқ имплицит шаклга эга бўлади. А.Қаҳҳорнинг “Сароб” романида бўсаға ва унга туташ зоналар, институт биноси, қаҳрамон персонажлар уйи, ҳовлиси, боғ, йўлак, айвон, шунингдек, давом этувчи кўча ва майдонлар хронотоплари асосий ҳаракат жойлари бўлиб, уларда инсоннинг бутун ҳаётини белгиловчи инқирозлар, тушкунликлар, эврилишлар, янгиланишлар, ўзини англашлар муҳим қарорлар чиқариш каби воқеалар рўй беради. Ушбу хронотопдаги замон моҳиятан олганда, гўёки давомийликка эга бўлмаган ва биографик замоннинг нормал оқимидан тушиб келаётган лаҳзадир.

Демак, сюжет воқеаларининг ҳаракати маконий-замоний вақт ўлчови билан боғлиқ ҳолда содир бўлар экан. Асарда сюжет воқеаси кўп вақтни ёки оз вақтни ўз ичига олиш мумкин.

<sup>32</sup> Қаҳҳор А. Сароб.— Т.: Шарқ НМАК, 1995. — Б. 219.



Бадиий асардаги макон ва замон концепциясини, асарнинг сюжет воқеалари қаҳрамонлар характери динамикаси билан боғлиқ бўлиши лозим. Чунки қаҳрамонлар характери, сюжет воқеалари динамикаси бадиий асардаги макон ва замон манзараси намоён бўлишида муҳим унсурлардан ҳисобланади. Шахс атрофида рўй берган макон ва замондаги воқеаларнинг ҳаммаси ҳам асар фабуласига киравермайди. Ҳаётда киши атрофида жуда кўп воқеалар рўй бериши мумкин. Уларнинг орасидан энг муҳимлари, ёзувчи мақсадига, ниятига асар мазмун-моҳиятига хизмат қиладиганлари саралаб олинади.

Кундалик реал турмушдаги муаммоларни амалга ошириш учун инсоннинг яшаш тарзидан, ҳаётидан ўрганган тажрибалари муҳим роль ўйнайди. Инсон ҳам макон ва замоннинг тирик, жонли, онгли, тафаккур билан иш юритадиган асосий жонзоти ҳисобланади. У ҳам макондаги бошқа нарса-предметлар, жонзотлар каби яшайди, ҳаракат қилади. Инсон бадиий макон ва замон манзараларида ана шундай реал ҳаётнинг инъикоси сифатида тасвирланади. У ё ўз тақдиридан каттароқ, ё ўз инсонийлигидан кичикроқ, баъзан инсон ўзининг касбидан кундалик турмуш ҳаётидан бироз чекиниб, ҳис-туйғулари, қалб кечинмалари романтик хаёллари билан яшайди, жамиятдаги адолатсизликларга исён қилади. “Агар роман қаҳрамони барибир шундай (яъни, юқорида таъкидлаганидек) бўлиб қолса, яъни ўз аҳволи ва ўз тақдирига тўла жо бўлса (жанрий, маиший қаҳрамон, романнинг аксари иккинчи даражали персонажлари), унда тақдирга сиғмайдиган инсонийлик бош қаҳрамон образида реаллашиши мумкин”<sup>33</sup>. Бундай бадиий асардаги унсурлар муаллифнинг шаклий-мазмуний режаларида, унинг инсонни кўриш ва тасвирлаш усулларида реаллашади. Айрим қаҳрамонлар дунёқараши ва тафаккур олами билан замон воқеа-ҳодисалар жараёни мос келмаслиги ҳам мумкин. Замон билан мулоқот инсон учун зарур бўлиши керак, чунки инсон характерининг шаклланишида макон, теварак-атроф, муҳит, ўша даврдаги воқеа-ҳодисалар муҳим роль ўйнайди. Романда инсон образининг характери маконий-замоний воқеа-ҳодисалар

<sup>33</sup> Бахтин М.М. Эпос и роман / Введение в литературоведение. — Москва: Высшая школа, 1979. — С. 287.

жараёнида ўзгариб боради. Мафкуравий ва лисоний ташаббус касб этади. Ёзувчи ҳаётни жонли кузатиш, кузатган воқеа-ҳодисаларни тафаккур оламидан ўтказиш, уларни қайта бадий оламида тасаввур этиб, яна ҳаёт шаклида тасвирлайди. “Роман ё қиссада шахслар, характерлар ва типиклик бўлмаса, ҳаёт воқелиги қай даражада тўғри чизилган бўлмасин, китобхон ундаги ҳаётнинг реал аксини топа олмайди...” Романда ёзувчи қатор шахс образларини яратадики, улар орқали биз маълум бир макон ва замоннинг кундалик реал ҳаёти ҳақида кенг маълумот оламиз. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романида Йўлчи ва Гулнор драмалари муносабати билан қатор шахслар образи киритилганки, уларнинг ҳаёти, хатти-ҳаракатлари улар орасидаги ўзаро муносабатдан биз ўзбек халқи меҳнат-кашларининг инқилобий уйғониш йилларидаги ҳаёти ҳақида анча батафсил маълумот оламиз. Ёзувчи романда ўзбек халқининг кундалик реал ҳаётидаги макон ва замонида кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнини тасвирлайди.

У асарда халқ ичидан чиққан кишилар характерини, уларнинг аста-секин ривожланиш тадрижини тасвирлар экан, сюжет воқеаларининг макони (жойи, манзили) сифатида тошкентлик бой (Мирзакаримбой, Ҳакимбойвачча, Тантибойвачча)лар ва камбағал (Ёрмат, Шоқосим, Шокир ота)лар хонадонини олади. Ёзувчи характерларнинг ўсиши ва шаклланишини ўткир қарама-қаршилиқлар, жамиятдаги замоний воқеа-ҳодисалар жараёнининг кураши асосида кўрсатиб беради.

Ойбек ҳам “Қутлуғ қон” романида қаҳрамонлар ҳаётидаги энг муҳим лавҳаларни асар сюжет воқеасига киритади. Уларнинг тақдири, қисмати, фожиали туйғуларини, кўнгил мавжларини тасвирлаш баробарида макон ва замонда кечаётган воқеа-ҳодисалар, яъни Биринчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек халқи басират кўзларининг очилиш жараёнини тоға билан жиян ўртасидаги муносабатлар орқали ифода этади. Маконий-замоний кундалик реал ҳаётдаги ўзгариш туфайли инсон онги ва руҳиятининг ҳам ижобий, ҳам салбий жиҳатлари намоён бўлиши мумкин. Отаси вафотидан кейин Йўлчи ҳалол меҳнат қилиб, яхши яшаш учун, рўзгор тебратиш онасига ёрдам бериш мақсадида Хўжанкентдан Тошкентдаги тоғаси Мирзакаримбой

хонадонига келади. Ҳолбуки, улар тоға ва жиян, бир макон ва замоннинг кишилари бўлса-да, икки хил табақа (синф)га оид. Бири бой, иккинчиси камбағал. Улар ҳаётга, инсоф-диёнатга икки хил кўз билан, ўзларининг дунёқарашини билан қарайдилар. Мирзакаримбой ўзининг ишбилармонлиги, тадбиркорлиги, тежамкорлиги билан замонасининг бойига айланган шахс. У ўз оиласи турмуш ҳаётини иқтисодий жиҳатдан бекаму кўст таъминлайди. Албатта, унинг бундай ютуққа эришиши Йўлчи каби камбағалларнинг меҳнати туфайлидир. Шу боис ҳам романдаги бу қаҳрамон хатти-ҳаракатларини тўла-тўқис ижобий баҳолаб бўлмайди. Йўлчи эса, оддий камбағал йигит замоннинг жуда кўп сиру синоатларидан беҳабар, ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кечирадиган киши. Тоғаси унга тежамкорлик борасида маслаҳатлар беради. Демак, иккаласининг руҳияти, ҳаётга, меҳнатга ва унинг самарасига бўлган муносабати икки хилдир. Улар бир макону замонда яшасалар-да, икки хил фикрлайди, икки хил дунёқарашга эга ва икки хил тоифадаги кишилардир. Яъни макон ва замонда ранг-баранг турфа хилдаги характерга эга бўлган турли хил тоифадаги одамлар ҳаракат қилади. Лекин макон ва замондаги нарса-предметлар, географик ҳудудлар, воқеа-ҳодисалар, вақт-лаҳза ва онлар ўша-ўша.

“Қутлуғ қон” романи воқеалари ана шу икки қутбга ажрала бошлаган тоға билан жиян ўртасидаги муносабатлар тарзида кечади. Бу воқеалар ривожланиши билан сюжет меҳвари, оҳанрабо сингари, ўз атрофига янги ва янги персонажларни тортади ва бояги ҳар иккала қутб қирралари тобора равшанлик касб этиб боради. Яъни мавзунинг ўзи ва масаланинг қўйилишидаёқ, ҳаётга синфий ёндашув тамойили мавжуд”<sup>34</sup>. Ҳар қандай жамиятда жамиятнинг йўналишларини ўзига мослайдиган одамлар билан бирга ўзини вазиятга мослайдиган, яъни “Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” қабалида иш кўрадиган кишилар ҳам бўлади. Ёзувчи романда Йўлчи образини характерини тасвирлар экан, унинг ундай кишилар тоифасидан эмаслигини сюжет воқеалари тадрижида кўрсатади. Шу боис Йўлчи тоғаси Мирзакаримбой хонадонига муҳит

<sup>34</sup> Каримов Н. ва бошқалар XX аср ўзбек адабиёти тарихи. — Т.: Ўқитувчи, 1999. — Б. 207.

ва шароитга кўника олмади. Ўзининг қариндош-уруғлари, яъни бойлар билан “опоқ-чапоқ” бўлиб кетолмайди. Аксинча, улар даврасида ўзини бегонадай ҳис қилади. “Йўлчининг қорни жуда оч эди. У тунги салқиндан фойдаланиб, тўхтовсиз юриш билан қиём вақтида шаҳарга келгач, анҳор лабида ўтириб қишлоқда белига тутиб олган битта нондан бошқа ҳеч нима смаган эди. Лекин Мирзакаримбой, савдогар назокатиданми ёки одатланганиданми, нонни жуда майда ушатган эди. Йўлчи бир бурдасини оғзига тикса, лунжининг бир чеккасида йўқолиб кетар, патнисга кетма-кет қўл чўзаверишга ийманар эди. Содда қишлоқ йигити такаллуфни билмаса ҳам, одоб-таъзим хусусида онаси анча-мунча гапларни уқтириб юборгани учун давлатманд қариндош ҳузурда овқатдан тортинишни маъқул кўрди, дастурхонни тезгина йиғиштириб, чой ича бошлади”<sup>35</sup>. Ушбу жонли тасвирда Йўлчининг соддалиги, самимий оққўнгил, андишали, имон ва эътиқодли йигит эканлиги намоён бўлади.

Бадиий макон ва замон концепцияси ўзига хос ва буюк, чегарасиз ва тугалланмаган, айна пайтда сюжет воқеа-ҳодисалар ҳаракати ва кундалик реал маконий-замоний манзаралар билан боғлиқ бўлади. Шунингдек, географик ҳудудий ҳаққоний реал макон ва замон концепцияси ҳам бадиий асар учун муҳимдир. Макон ва замон романда ёзувчининг ғоявий-бадиий концепциясидан келиб чиқиб танланади. У асарнинг мазмун ва мавзусига мос равишда реал хаёл ҳаққоний ҳудудий жойни танлайди.

Маълумки, XX аср бошларида содир бўлган инқилобий ўзгаришлар, замоний воқеалар жараёни Ойбек руҳиятига қаттиқ таъсир қилган. У шўровий идеалларга чин дилдан ишонган. Лекин адибнинг онгида зиддият ва чигалликлар (идеалларида шубҳаланиш) пайдо бўлганки, уларни ҳал қилиш учун яқин ўтмишни бадиий тадқиқ этишга жазм қилган. Бунинг учун ҳудудий макон ва замон концепциясига амал қилиб, халқимизнинг реал ҳаққоний ҳаётини тасвирлаш учун шаҳар ва қишлоқдаги воқеа-ҳодисалар жараёнини кўрсатади. Ёзувчи романнинг яратилишига туртки бўлган ички эҳтиёж-жамият ҳаётини кенг кўламда бадиий тадқиқ этишни бунинг

<sup>35</sup> Ойбек. Кутлуғ қон. — Т., 1966. — Б. 12.

учун эса, бадий мадон ва замон концепцияси орқалигина эришиш мумкинлигини яхши англаб етган. У характерларни тасвирлар экан, асосан, уни қахрамонлар оламидаги икки масала қизиқтиради. Ёзувчи бу масалани кўрсатишга қулай ҳамда миллий ҳаётимизга хос ҳолатларни кашф қилади ва ундан унумли фойдаланади. Миллий заминимиздаги халқимизнинг ижтимоий ҳаёти қай даражада мураккаб бўлганлиги асар сюжетининг бош қахрамони Йўлчи образи атрофида содир бўлган воқеа-ҳодисаларда англашилади.

XX аср бошида Туркистон ижтимоий-тарихий шароитининг ўзига хослиги, икки асосий омил: капиталистик ижтимоий муносабатларнинг қарор топа бошлагани ҳамда Туркистоннинг мустамлака ўлкаси бўлганлиги билан белгинлагандир. Туркистон халқлари ижтимоий тараққиёт бобида Европа мамлакатларидан анча ортда қолган эди. Ўлкада бир қатор маърифатпарвар зиёлилар, жадидчилик ҳаракатининг асосчилари, табиийки, эскиликни тугатиш, жамият ҳаётини ислоҳ этишу миллатни тараққий эттириш заруратини кун тартибига қўйдилар.

Маълумки, бадий асарда ижодий жараён акс этар экан, унда кечган конкрет мадон ва замон манзараси, ана шу шароитдаги ижодкор субъекти унинг тузилишига таъсир қилмаслиги мумкин эмас. Йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларига келиб миллатпарварлик ғоялари билан ҳаракат бошлаган жадидларни мустабид тузум ҳар хил фитналар билан қоралай бошлади. 30-йилларга келиб, улар “миллатчи тўдалар”, “халқ душмани”га айланади. Айримлари Сибир ўлкаларига сургун қилинган бўлса, айримлари ҳукмидан бир кун аввал қатл этиладилар. Замонанинг воқеа-ҳодисалар жараёнидан хабардор бўлган Ойбек ҳам жадидлар билан мулоқотда бўлган, уларнинг асарларини ўқиганлиги учун “дум” сифатида қораланган эди. Шунга қарамай мураккаб бир даврга келиб, ўтмиш мадон ва замонаси воқеа-ҳодисалар жараёнини реал ҳаққоний тасвирлашга ҳаракат қилади. Романга жадид образи Абдишукурни олиб киради, лекин бунини асарнинг марказий ғояси тақозо қилмас эди. Чунки Абдишукур замонасининг маърифатпарвар зиёлиларидан бўлиб, бой хонадонларида, уларнинг давраларида оламда

бўлаётган янгиликлардан гапириб, туркий халқларни жаҳолат ботқоғига ботиб, чуқур ғафлат уйқусида эканлигини уқтиради.

Ойбек замон эҳтиёжидан келиб чиқиб, Абдишукур характери яратишда, уни тасвирлашда сюжет имкониятларидан тўғри ва тўла фойдаланиб, Абдишукур образи орқали романдаги бошқа қаҳрамонлар онгини уйғотишга ҳам ҳаракат қилади: “Агар биз жаҳду жадал қилиб бу жаҳолат ботқоғидан қутулсак, тараққий йўлини тутсак, бошқа мусулмон мамлакатлари билан иттифоқни маҳкамласак, яқин ўртада биз мусулмонларнинг муқаддас ерларимизни ҳам христианлар босиб оладилар. Маккаи мукаррамани, Мадинайи мунавварани ҳам улар тўпга тутишдан тоймайдилар”<sup>36</sup>.

Абдишукур Туркистон жадидларидан бўлгани учун, аввало, у Тошкентнинг энг йирик бойларини ғафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлади. Бу билан Абдишукур бойлар ёрдамида макон ва замон учун зарур бўлган “усули жадид” мактабларини очиб, жаҳолат қурбони — халқимизнинг болаларини ўқитишга ҳаракат қилади. Чунки бойларда иқтисодий имкониятлар етарли. Шу йўл билан Абдишукур ўзбек аҳолисининг умуммиллий манфаатлари учун курашади. Туркистон халқларини тараққий этган мамлакатлар қаторида кўришни хоҳлайди.

Бадиий адабиётнинг санъат ҳодисаси эканлигини унутмаган ҳолда Ойбек романда асосий эътиборни унинг ижтимоий функцияларига қаратади. У романда маконий-замоний воқеа-ҳодисалар жараёнидан келиб чиқиб фикр юритган ҳолда, ҳар иккала томоннинг ҳам муҳимлигини эсдан чиқармаган. Биринчидан, “шахсга сиғиниш”ни ҳисобга олиб, мустабид тузумни ижобий ҳол сифатида акс эттирган бўлса, иккинчидан, мустабид тузум туфайли инқирозга юз тутаётган жадидлар ғоясини тарғиб қилишга ҳаракат қилган.

Эпик турдаги асарларда ижодкор ҳаётини кенг кўламда бутунликда макон ва замон концепциясидан келиб чиқиб, ўз ҳаётини унинг қисми сифатида бадиийлаштиришга интилади. Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романи ёзилган пайтда 37-йилги “қатағон” шабадалари ҳали ўз таъсирини йўқотмаган эди. Ойбек романида Абдишукурни имкон қадар ўз ғояларига содиқ зиёли қаҳрамон сифатида тасвирлади. Жадид қаҳрамонлари тасвирида

<sup>36</sup> Ойбек. Қутлуғ қон. — Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. — Б. 30.

Ойбек кўпроқ Чўлпоннинг йўлидан борди. Бироқ жадидчилик ғояларини замон инкор қилиб турганда Ойбек давр сиёсатига қарши чиқиб, Абдишукурни ўзи хоҳлаган тарзда меҳр билан тасвирлай олмас эди. Шу билан бирга Абдишукур образи тугал характер сифатида очилишига давр ҳам, роман ғояси ҳам йўл бермас эди.

Умуман, романда инсоннинг характерли йўли реал маконий-замоний концепцияда ёрқин намоён бўлади. Бу ерда инсоннинг макон ва замондаги ҳаёт йўли метафорик образ ёрдамида ўз ифодасини топади. Романдаги макон ва замон ўзининг ранг-баранг қимматли тарихийлиги билан муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, романий макон ва замон аниқлиги, уюштирилиши, чуқур моҳият-мазмунга эга эканлиги билан характерлидир.

Романда инсоннинг эпик яхлитлиги, унинг бахтли, қувончли онлари ҳам, ғам-ташвишли, фожиаларига бой тақдири ҳам бадиий макон ва замон манзараларида ёрқин тасвирланади. Унинг ички ва ташқи коллизиялари сюжет линияларида тўла намоён бўлади. Инсоннинг субъективлиги (субъектив борлиги) объектив борлиқдаги, яъни макон ва замондаги ҳаракати — даставвал жиддийлиги, тажриба ва тасвир предметига айланади: инсоннинг ўз-ўзи учун қиёфаси билан ўзгалар назаридаги қиёфаси ўртасида ўзига хос ҳар хиллик пайдо бўлади. Романда макон ва замонда ҳаракат қилувчи инсоннинг эпик яхлитлиги тасвирланади. Бу жараён инсоний тараққиётнинг нисбатан юқори поғонасида янги мураккаб яхлитликнинг тайёрланиши билан бирлашиб кетади. Натижада инсон романда маконий-замоний ўзгаришлар туфайли ўз образининг характерини ўзгартирадиган мафкуравий ва лисоний ташаббус касб этади (образни индивидуаллаштиришнинг янги ва юқори тури). Шу боис ҳам роман қаҳрамонини муайян даражада замон идеологи дейишимиз мумкин. Бу албатта, тугалланган ҳозирги замон ва маконнинг бадиий-мафкуравий ориентациянинг бошланғич нуқтаси ва маркази сифатида инсон ижодий онгидаги улкан бурилишдир. Роман жанр сифатида макон ва замонни идрок этиш заминиде шаклланади ва ривожланади. Ўтмиш ривоят ва афсоналари иерархик дистанция унинг жанр сифатида шаклланиш

жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Роман макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисаларни тасвир этиш, эпик кўламининг ифодаланиши жараёнида инсон ва дунёнинг рамз воситасида фамилярлаштирилиши, бадиий тасвир объектининг шаклланиб, ижодкор субъектида қайта ишланиши, оқиб-жўшиб турган замонавий воқелик даражасига туширилиши жараёнида шаклланади. Романда оламнинг маконий-замоний модели тубдан яратилиб, ўзига хос манзарага эга бўлади. У илк сўзи (идеал ибтидоси) йўқ ва охириги сўзи халқ айтилмаган дунёга айланади. Шу боис ҳам, роман илк даврдаёқ мутлақ ўгмишининг йироқлаштирилган образида эмас, шаклланаётган макон ва замон концепцияси билан бевосита мулоқот зонасида қад ростлади. Ҳаётий ҳақиқат ва эркин бадиий тўқима унинг асосини ташкил этди. Шунингдек, романдаги бадиий макон ва замон талқинида воқеа-ҳодисалар бошқа жанрларга нисбатан жонли, ишонарли, кенг кўламда, қаҳрамонлар руҳий оламининг зиддиятларига бойлиги, ранг-баранглиги яққол кўриниб туради. Шу боис ҳам “у дунёга келгач, шунчаки жанрлар ичидаги жанр бўлолмади ва ўзининг улар билан муносабатларини тинч ва уйғун бирга яшаш асосига қуролмади. Роман пайдо бўлган жойда барча жанрлар бошқача оҳанг касб этди”<sup>37</sup>. Бугунги кунда ўзбек романчилигида ҳам тинимсиз изланиш натижасида турли хил мавзуда асарлар яратилди. Романчилигимиз ўзбек халқининг тақдири билан боғлиқ турли макон ва замонда кечган воқеа-ҳодисаларни бадиий ифода этишда ўзига хос ютуқларга эришди. Бир асрга яқинроқ йўлни босиб ўтган романларимизда объектив олам, воқеа ва ҳодисалар, ташқи тасвир, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, муҳит ва шароит, макон ва замоннинг инсон тасаввури ва шуурига таъсири, қаҳрамоннинг унга онгли муносабати тарзида бадииятга айлантирилди.

“Қутлуғ қон” романида халқимиз тарихининг XX аср бошларидаги уч йиллик воқеалар тасвирланади. Ёзувчи романнинг бадиий макон ҳамда бадиий замонидаги қўйилган муаммони бадиий тадқиқ этиш, концепцияни ифодалаш учун марказга муаллиф идеалига мос қаҳрамонлар (Йўлчи ва

<sup>37</sup> Бахтин М.М. Эпос и роман // Введение в литературоведение. Хрестоматия. — М.: Высшая школа, 1988. — С. 417.



Гулнор) чиқарилади. Романнинг сюжет вақтида ҳаёт ҳақиқати ёзувчи яратган характерлар, уларнинг хатти-ҳаракатларини тасвирлаш орқали китобхонга ўтмиш замони ва ўша замонда яшаган кишиларнинг макони етказилади. Маълумки, инсон ҳаётидаги ҳар бир ҳаракат, воқеа-ҳодиса вақт билан боғлиқ ҳолда бирор-бир маконда содир бўлади. Вақт ўтмиш, ҳозир ва келажак тушунчаларини ўз ичига оларкан, ҳодиса ёки кечинмалар қандайдир макон ва замон (вақт) бирлиги ичида содир бўлиши ҳаммага аён ҳақиқат. Бу ҳодиса бадий адабиётда бирмунча мураккаброқ шаклларда акс этади, чунки асардаги воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам бирин-кетин хронологик тартибда содир бўлавермайди. Бадий макон ҳамда бадий замон одатда асар персонажининг хатти-ҳаракати, унинг характери ва кайфияти, портрети ҳамда асар сюжети ва композицияси орқали юзага чиқади. “Қутлуғ қон” романи сюжет воқеаларининг бошланишида ҳам ана шундай макон ва замон унсурларини кузатамиз: “Вақт пешиндан оққан эди. Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллақандай оқ аланга билан жимгина ёнгандай... Кенг дала йўлида қатновчилар сийрак”<sup>38</sup>.

Бадий макон ва бадий замонни акс эттиришда “Қутлуғ қон” бошқа романлардан кескин ажралиб туради. Романнинг алоҳида фазилатларидан бири — ички маром ва ритмнинг мавжудлиги, замон ўзгариши билан маконнинг шу маконда кечаётган сюжет воқеаларнинг ҳам шиддат билан ўзгариши, характерларнинг ривожланиб боришидир. Роман сюжет воқеалари вақтининг ўзгариши маконнинг ҳам ўзгаришига сабаб бўлади. Сюжет вақти роман воқеаларининг давомийлигини акс эттирувчи бирлиги бўлиб, асосий воқеалар тизими мана шу сюжет вақтини ташкил қилади. Юқорида келтирилган парчадан кун вақти, яъни пешин ҳамда фасл вақти, яъни июль ойидаги воқеалар тасвиридан асар бошланади. Тарихан уч йил ичида (1913-1916) кечган воқеалар бир неча кунда ўқиш учун мўлжалланган роман сюжетига жойлаштирилган. Ёзувчи XX аср бошларида халқимиз ҳаётида рўй берган миллий уйғониш даврининг ижтимоий таҳлилини бадий макон ҳамда бадий замонда тасвирлайди.

<sup>38</sup> Ойбек. Қутлуғ қон. — Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1966. — Б. 3.

“Кўрғондан — ичкари ҳовлидан Мирзакаримбой чиқиб келди. Меҳмонларга: “Зерикмадингизларми?” деб супанинг бир четига ўтирди. Чолнинг ҳурмати учун меҳмонлар оёқларини йиғиб ўтиришга уриндилар.

— Бехузур ёйилиб ўтираверинглар. Далада ёз палласида ёйилиб ўтириш — роҳат, — деди меҳмонларга мурожаат қилиб бой.

— Мулла Абдишукур, — Мирзакаримбой меҳмондан бирига мурожаат қилди, — оламда нима хабарлар бор, гапирсангиз-чи. Кўпдан буён сиз билан суҳбатлашишга тўғри келмади”<sup>39</sup>.

Романда макон ва замон муносабати ўз ўрнига эга. Мана шу макон ва замон ўз ўзича эмас, балки унда қандайдир воқеа рўй бериши билан қимматлидир. Воқеани ҳаракатлантирувчи куч эса романда, кўпинча, қаҳрамон, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари, суҳбатлашишлари, қарама-қаршилиқлар кураши, яъни конфликтдадир. Шу боис ҳам адиб романда ўз олдига ғоят масъулиятли вазифани озодлик учун курашда меҳнаткашлар миллий ва синфий онгининг ўсиб боришини кўрсатишни мақсад қилиб қўйган. Ёзувчининг диққат марказида ўзбек меҳнаткашларининг инқилобий уйғониш вақти (замони) йилларида ўз замонида миллий кучини қандай қилиб англаб етгани туради. У романнинг бадиий маконида ҳамда бадиий замонида халқ ичидан чиққан кишилар характери, уларнинг аста-секин ривожланиш тадрижини тасвирлайди. Ёзувчи бадиий макон ҳамда бадиий замонда характерланувчи қаҳрамонларнинг ўсиши ва шаклланишини ўткир қарама-қаршилиқлар кураши асосида беради. “Қулғу қон”да макон ва замонда ҳаракат қилувчи характерлар тасвирланар экан, асосан, ёзувчини қаҳрамонлар оламидаги икки масала қизиқтиради. Ёзувчи бу масалани кўрсатишга қулай ҳамда миллий макондаги ҳаётимизга хос ҳолатларни кашф қилади ва ундан унумли фойдаланади.

Романнинг бадиий макон ҳамда бадиий замонида ҳаракатланувчи образлар ичида ўқимишли, маданиятли, замонасининг тушунган зиёлиси Абдишукурдир. Романда акс этган бадиий макон ҳамда бадиий замоннинг муаллиф томонидан шакллантирилиши, қаҳрамон ва персонажларнинг

<sup>39</sup> Ойбек. Ўша китоб. — Б. 26.

характери динамикаси ўсиши билан боғлиқ сюжет воқеаларини кузатиш орқали билиш мумкин. Чунки муаллифнинг жадидчилик ҳаракатига муносабати ижобий бўлса ҳам ўз даврида “дум” сифатида қораланган эди. Шунга қарамай мураккаб бу даврга келиб “Қутлуғ қон” романига жадид образи Абдишукурни олиб кирди, лекин марказий қаҳрамон сифатида ёндашишни асарнинг ғояси тақозо қилмас эди.

Роман муаллифи учун халқимиз ўтмишининг уч йиллик воқеалари муҳим бўлса-да, у китобхонга миллий анъаналар билан бирга эркинлик, озодлик туйғуларини ҳам сингдиришга ҳаракат қилади. Роман матнида вақт фақат йил билангина кифоя топмайди. Фасл, ой, ҳафта, кун, тун, тонг, пешин, номозшом, хуфтон, ҳатто дақиқа сониялар ҳам матнда ўз бадиий функциясига эга. Улар сюжетни шакллантириб, қаҳрамон, персонажларнинг ҳаракатлари, психологиясини юзага чиқариш ишига ёрдам беради. Романда иштирок этган қаҳрамонларнинг реал макон ва замондаги бутун ҳаёт йўллари тасвирланади. Романдаги марказий қаҳрамон Йўлчи характери сюжет вақти воқеалари давомида аста-секин ривожланиб, озодлик учун курашувчи инсонга айланади.

Маълумки, бадиий матн, хусусан, тарихий роман матни аслида бадиий замон ҳамда бадиий макон (хронотоп) уйғунлигида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, персонажларнинг ўзаро алоқа-муносабатлари, тўқнашув-зиддиятлари тасвирларидан иборатдир.

“Қутлуғ қон”да макон (микромакон) тасвири бевосита бош қаҳрамон Йўлчи ҳаёти, шахси, фаолияти, меҳнати билан боғлиқ. Маълумки, бош қаҳрамоннинг асар сюжети вақтидаги асосий фаолияти бойлар хонадонида, уларнинг ҳовли, боғ ва далаларида ўтади. Бундай ҳаётий воқеа-ҳодисаларни бадиий тасвирлаш, табиийки, матнда макон манзараларининг тез-тез ўзгариб туришини, бир жой тасвиридан бошқа жой тасвирига ўтишни тақозо қилади.

Романдаги кенг дала йўли, Мирзакаримбой хонадони, дала ва боғлари, Тантйбойвачча ҳовлиси, Ёрмат уйи, Шоқосим хонадони, Қора Аҳмад уйи ҳамда қабристон тасвири бадиий матн майдони (макони) ранг-баранг эканлигидан далолат беради.

“Боғ гўзал. Унда қуёш ва енгил шамолнинг гуллар ва майсаларнинг қувноқ ўйини кун бўйи давом этади. Боғнинг ҳар бурчагида ўзга бир латофат: ариқларда сув кумушланади, майсалардан уқа тутган ҳовуз, сув билан эмас, нур билан тўлган каби жимир-жимир мавжланади”<sup>40</sup>. Романда бир макон бирлигидан ўзгасига кўчишнинг ўзига яраша қийинчиликларини сезиш мумкин. Чунки ҳар бир маконий бирлик муаллифдан ўзига алоҳида эътиборни, экспозиция, пейзажни талаб қилган. Шунингдек, бадиий матндаги, шу жумладан, микромакон тасвирида, табиий-ки, ижодкорнинг етакчи бадиий-ғоявий концепцияси, эстетик идеаллари билан бир қаторда миллий дунёқараши ва тафаккури ҳам акс этган.

<sup>40</sup> Ойбек. Кутлуғ қон. — Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1966. — Б. 30

## ТАРИХИЙ РОМАНЛАРДА МАКОН ВА ЗАМОН МУНОСАБАТИ

### Тарихий ҳақиқатни бадиий маконий-замоний концепцияда намоён бўлиши

Инсоннинг эстетик олами ҳис қилиш фаолияти билан боғлиқдир. Шу боис ҳам унинг ҳис-туйғуси бутун ҳаёти ва фаолиятида кўзга ташланади. Инсон ўзи яшаётган макон ва замонга, атрофидаги нарса-предметларга, воқеа-ҳодисалар жараёнига, бутун борлиққа назар ташлар экан, уларга нисбатан муносабатда бўлишда ўтмишнинг ибратомуз томонларидан, машҳур шахслар ҳаётидан тажриба олиб, ўрганиб яшайди. Чунки “Тарих – инсоннинг шахс сифатида шакллантирувчи омиллардан бири. Тарихни ўрганган сари, кечмиш воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаган сари кишининг дунёга назари теранлашиб, атрофида юз бераётган воқеа-ҳодисалар моҳиятига яқинлашиб боради”<sup>1</sup>. Табиийки, тарихнинг бундай афзалликларини ўрганишда, ибрат олишда бадиий адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир. Чунки адабиёт ва санъатнинг бош вазифаси инсон фаолиятини, руҳий оламини, ҳис-туйғу, кечинмаларини, яшаётган макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнини узвий боғлиқликда тасвирлашдан иборатдир. Шу боис ҳам адабиёт ва санъат кишилиқ жамияти ҳаётида маълум ўринни эгаллай бошлаган даврларидан буён инсонни талқин қилишга, унинг ижтимоий ҳаётидаги ўрнини, руҳий дунёсидаги турфа ўзгаришларни, макон ва замоннинг унинг тасаввури ва шуурига таъсирини ўрганишга, тушунишга интилиб келади. Адабиёт ва санъатнинг тараққиёт мезони ҳам инсоннинг бадиий таҳлили даражаси билан боғлиқдир.

Ҳар бир тарихий шахс қисматида тарихнинг уч таркибий қисми – ўтмиши, ҳозир ва келажакдаги бир бутунликда яшайди. Зеро, тарих аждодлар тўплаган тажрибани бизга етказиш орқали бугунни теранроқ, англашимизга келажак

<sup>1</sup> Куронов Д. “Адабиёт надир” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. – Тошкент: Зарқалам, 2006. – Б.56.

сари собит қадам ташлашимизга ёрдам беради. Шунинг учун бўлса керак, барча халқлар адабиётида ўтмиш ва машҳур тарихий шахслар ҳақида кўплаб бадиий асарлар битилган. Жумладан, XX аср ўзбек адабиётида ҳам тарихий мавзуда анча-мунча асарлар яратилди.

Тарихда бирор йирикроқ воқеани ўзининг шахсий ва ижтимоий хислатлари билан ажралиб турадиган шахсларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир тарихий воқеанинг ўз қаҳрамонлари бор, улар туфайли биз ўша давр ҳаёти ҳақида тўла тасаввур оламиз. Бу борада роман жанрининг имконият кўлами кенг бўлиб, тарихий шахс образини, у яшаган макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнини ранг-баранг тасвирларда бера олади. Романда тасвирланган бош қаҳрамон ҳам, унинг қалб ва фикри макон ва замонга, оламга, коинотга қаратилади. “Роман – бу олам ва тарихга, жамият ва башариятга, уруш ва сулҳларга, сиёсий ва синфий жанг-жадалларига, қўзғолон ва инқилобларга, улкан ва кичик воқеаларга очиқ қаратилган адабий-бадиий система, йирик бадиий шакл”<sup>2</sup>.

Демак, роман бадиий адабиётнинг энг йирик жанри бўлиб, унда тасвирий воситалар орқали макон ва замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёни, ҳаётни кенг кўламда бутун мураккабликлари, зиддиятлари бадиий инъикос этилади. Шунингдек, “XX асрнинг ўнинчи йилларидан эътиборан яратилаётган ўзбек романлари халқимизнинг эстетик эҳтиёжини қондиришга бўлган интилишлар самараси ўлароқ ижодий тафаккур ва жанр поэтикасининг тадрижий тараққиётини таъминлади”<sup>3</sup>.

Ўзбек романи яқин бир асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Роман бу давр мобайнида ўлкамиз макони ва замонида кечган турли хил ранг-баранг воқеа-ҳодисалар жараёнини бадиий ифода этади. Бу давр мобайнида ўзбек романи Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Ҳамид Фулом, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев,

<sup>2</sup> Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 1-жилд Эпос. – Тошкент: Фан, 1991 – Б. 19.

<sup>3</sup> Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. – Т.: Фан ва технология, 2006 – Б. 3.

Ўткир Ҳошимов, Омон Мухтор, Саъдулла Сиёев, Муҳаммад Али, Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Хуршид Дўстмуҳаммад, Баҳодир Мурод Али, Аббос Саид, Улуғбек Ҳамдам каби ижодкорлар бадиий маҳорати мактабида шаклланди, бадиий ижод сарчашмаларидан баҳраманд бўлди. XX аср бошларида “реалистик насримизнинг илк қадамларидаёқ намоён бўла бошлаган икки етакчи услубий йўналиш — лирик-романтик ва изчил реалистик услуб муайян оқим даражасига етди, ҳар икки услубнинг имкониятлари кенгроқ очилди. Айни пайтда, рамзий мушоҳада асосига қурилган кўп овозли (полифоник) тасвирга интилиш намуналари (О. Ёқубов романлари), хилма-хил шакл ва услублар синтезидан иборат асарлар (А. Мухторнинг “Чинор”, Х. Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асарлари) пайдо бўлди. Ҳаётни кенг кўламда тасвирловчи романлар (“Юлдузли тунлар”, “Авлодлар давони”) билан баробар турмушни шахс тафаккури призмасидан ўтказиб тасвирловчи интеллектуал романлар, воқеалар изидан борувчи асарлар билан баробар ўй-хаёллар, тасаввур асосига қурилган мулоҳаза — тафаккурий романлар ҳам яратила бошланди”<sup>4</sup>. Роман жанри мавзу ва композицион тузилиши жиҳатидан иккита катта группага бўлинади. Биринчи гуруҳ мавзу жиҳатини қамраб олади: автобиографик, ҳарбий, детектив, ҳужжатли, интеллектуал, тарихий, сиёсий, ижтимоий, маиший, психологик, сатирик, сентиментал, фантастик, фалсафий ва ҳоказо. Иккинчи жиҳат тузилишига кўра белгиланиб, улар қуйидагилар: шеърӣ, памфлет, притча, фельетон, эпистоляр ҳамда замонавий ҳисобланган телероман, фотороман кабилардир. Бу роман турларининг орасида тарихий роман муҳим ва қийин тур ҳисобланади. Чунки тарихий романда ижодкор ўтмиш макон ва замонида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар жараёнини, тарихий шахс образлари руҳий кечинмаларини, ҳис-туйғуларини факт ва материаллар асосида тасвирлайди.

Маълумки, тарихчи билан санъаткорларнинг тарихий факт ва материалларига муносабати турлича бўлади. Тўғри, тарихий воқеаларни синчиклаб, батафсил ўрганиш борасида тарихчи

<sup>4</sup> Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. — Т.: Ўқитувчи, 1999. — Б. 62

ҳам, санъаткор ҳам бирдай машаққат чекади, кўп меҳнат сарфлайди. Аммо санъаткор меҳнати тарихчиникига нисбатан оғирроқ ва масъулиятлироқдир. Чунки агар тарихчини, асосан, муҳим тарихий воқеанинг моҳияти, мазмуни қизиқтирса, санъаткор ҳар бир кичик деталнинг ҳаққонийлиги борасида ҳам кўп ташвиш чекади. Ана шундай муҳим тарихий воқеаларни акс эттиришда эса тарихчи ва санъаткор меҳнати ер билан осмонча фарқ қилади. Тарихчи кўрганларини, билганларини холис, ҳаққонийлик билан акс эттириши керак. Санъаткор эса тарихий фактларга таянса ҳам барибир асарда янги бир олам яратади, бу олам ижодкор бадиий тафаккури маҳсули бўлиб, унга ўз баҳосини беради.

Ижодкор шахснинг ўтмишга муносабати ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унинг тарихий манбаларни ўқиш, ўрганиш, ўша ўтмишнинг макон ва замон манзараларини чуқур ҳис қилиши, англаши, идрок этиши туфайли юзага келади. Шунингдек, тарихий асар ёзиш учун ҳаракат қилган ижодкор ўзлигини англаш, англаганда ҳам ўзини ўзгалар билан, макону замон, жамияту борлиқ билан алоқадаги бутунликда тушуниши лозим.

Жаҳон адабиёти тараққиётида тарихий роман жуда муҳим роль ўйнайди. Тарихий романга баҳо беришда адабиётшунос олимлар жаҳон адабиёти тарихида XIX асрда кенг тарқалган ва оламшумул бадиий-эстетик қимматга эга бўлган Валтер Скотт асарларини дастлабки намуна сифатида тан олишадилар. Демак, буюк ёзувчи Валтер Скотт ўз асарлари билан тарихий романга асос солди. Шунингдек, “айтиш мумкинки, В.Скотт ўзига қадар мавжуд бўлмаган тарихий романни яратди. Ўз романларининг бадиий қиммати жиҳатидан Валтер Скотт ҳамма романнавислар, ҳамма халқларнинг буюк ижодкорлари билан бир қаторда туради. У христиан Европасининг ҳақиқий Гомеридир”<sup>5</sup> деб таъкидлаган эди В.Г.Белинский. Жаҳон адабиёти тарихида Валтер Скоттнинг бадиий асарлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ҳақиқатан ҳам янги тарихий роман жанрини илмий-назарий асосда исботлаб берди. Турли халқ ёзувчиларига ўзининг бадиий-эстетик тафаккури, дунёқараши билан таъсир этди ва миллат, халқ тарихини қандай тасвирлашни ўргатди.

<sup>5</sup> Белинский В.Г. Танланган асарлар. — Тошкент, 1955. — Б. 178.



В. Скотт ўзининг бадиий маҳоратини, чуқур ва кенг қамровли илмий-назарий қарашларини тарихий романларида намоён эта олди. Унинг “Уэверли” (1814) “Пуританлар” (1816), “Антикварий” (1816), “Роб Рой” (1817), “Эдинбург зиндони” (1818), “Айвенго” (1819) сингари романлари жаҳон тарихий романчилигининг асосий тараққиёт йўлини белгилаб берди. Адиб ижоди билан “романнинг чинакам аҳамияти” (В.Белинский) маълум бўлди ва романлари тезда дунё халқлари орасида кенг ёйила бошлади. XIX асрнинг 30-йилларидаёқ рус адабий жараёнига кириб келиб, янги адабий-поэтик муҳитга мослашди, янги сифат ва хусусиятларга эга бўла бошлади.

Ёзувчининг бадиий-эстетик маҳорати, тажрибаси ва анъаналари, сўз санъати ўзбек адиблари ижодига ҳам беқиёс таъсир этди. Жумладан, Абдулла Қодирий, Фитрат (драматик турда ижод қилган бўлса-да), Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор каби ёзувчиларнинг эпик ва драматик ижодида бундай адабий-бадиий ворисликни кузатиш мумкин.

Европа типига тарихий роман ўзбек адабиётида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар”идан бошланди. Унинг ижоди миллий маконий-замонда, адабий-бадиий ва маданий заминда юзага келди. Шубҳасиз, А.Қодирий бошлаб берган тарихий романчиликдаги анъана Ойбек томонидан яна ҳам мукаммаллашди.

Маълумки, XX асрнинг 30-йилларида шаклланиб улгурган социалистик реализм методи ўзининг ақидаю мезонлари, инсон ҳаётига синфий-фирқавий муносабатини, “инқилобий нафаси”ни, тарғибий-ташвиқий руҳини бадиий адабиётга сингдириб бўлган эди. Бадиий адабиётдаги бундай мафкуравий тазйиқ 40-60-йилларда ҳам давом этди. Лекин шунга қарамай, бу даврда ижодкорларимиз томонидан тарихий воқеа-ҳодисаларни бадиий макон ва замон концепцияси орқали тадқиқ қилиш тамойиллари, тасвирлаш кучайганини ва ўтмиш мавзулари доирасининг бир қадар кенгайганини кузатиш мумкин. “Уруш бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрларига, унинг мавзу доираси, қаҳрамонига таъсир ўтказди. Даврнинг ижтимоий-психологик руҳи, муҳити бадиий асар пафосини, бадиий қурилишини белгилаб

берди”<sup>6</sup>. Бадиий адабиётда тарихнинг миллий қаҳрамонлари, тарихий шахс образлари, характерлари яратилди. Лирика, эпос ва драма жанрларида юзага келган бундай қаҳрамонлар, “ўз шахси фаолиятида” халқимиз анъаналари, урф-одатлари, миллий колоритига хос етакчи фазилатларни мужассам этган эди.

20-йилларда яратилган асарларда, яъни А.Қодирий ва Чўлпоннинг тарихий романларида, Фитратнинг драмаларида туркий халқларнинг макон ва замондаги воқеалар жараёнига: уюшмаганлигига, лоқайдлиги туфайли мустамлакага айланаётганлигига, ўзаро ҳудудий урушларга, феодал давлатларнинг инқирозига асосий эътибор қаратилган бўлса, 40-50-йилларда яратилган асарларда тарихий шахс образлари, улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ўтмишнинг қаҳрамонлик манзаралари кенг ўринда тасвирланди. Эпик ва драматик жанрларда яратилган асарларда халқимизнинг босқинчиларга қарши кураши, унинг йўлбошчилари бош қаҳрамон сифатида талқин этилади. Ёзувчи Ойбекнинг “Навоий” романида ҳам шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг макон ва замондаги ижоди, фаолияти, давлат арбоби сифатидаги беқиёс хизматлари тасвирланган.

Тарихий романларда ўтмиш макон ва замонидаги алоҳида эътиборга молик бир даври танлаб олинади ва у ижодкор субъекти билан уйғунликда бадиий тасвирланади. Тарихий факт ва тарихий ҳақиқатни бадиий хронотоп орқали гавдалантиришда муаллиф аниқ ҳужжатларга таянган ҳолда иш юритиши лозим. Факт ва тарихий материалларнинг чалкашликлари асарнинг бадиий қимматига путур етказди.

“Қутлуғ қон” тарихий асарини ёзиб, муайян ижодий тажриба орттирган Ойбек 1942 йилда “Навоий” романини яратади. Бу борада ёзувчи романнинг ёзилиш жараёнини хотирлаб: “Романни уруш йили қиш фаслида совуқ хонада жинчиروқнинг титроқ шуъласида ёзганман”<sup>7</sup>, — деган эди. Ёзувчи Навоийдай буюк шоир, мутафаккир, гуманист ва давлат арбоби сиймосини яратиш учун, унинг бутун адабий

<sup>6</sup> Муродов Ф. Тарихий роман: генезиси кейинги тараққиёти. — Т.: Фан, 2005. — Б. 84.

<sup>7</sup> Ойбек. Асарлар. Ўн тўртинчи том. — Т.: Фан, 1979. — Б. 16.

ва илмий меросини ўрганиш билан кифояланиб қолмади. Балки ўша ўтмиш XV аср макон ва замонидаги нарса-предметлар, воқеа-ҳодисалар жараёнини мукамал ўрганиш учун Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” каби ўнлаб адабий ва тарихий асарлари билан яқиндан танишди. Шунингдек, Ибн Батута, Р.Гонсалес де Клавихо сингари муаллифларнинг саёҳатнома ҳамда кундаликлари асосида Навоий ва у яшаган давр ҳаёти ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлди”<sup>8</sup>. Романда XV асрдаги Хуросон мамлакатининг ижтимоий ҳаёт манзаралари, ана шу даврнинг мураккаб, зиддиятли фожиалари бадиий макон ва замонда тасвирланади. Маълумки, эпик турдаги асар моҳияти, бадиий мазмуни, мавзуси ва мундарижаси, ғоявий-эстетик концепциясини юзага келтиришда сюжет асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки сюжет бадиий асар майдонидаги воқеа тасвиридир. Шунингдек, сюжет (воқеалар тизими) бадиий асарда ўз-ўзича пайдо бўлмайди, балки образ, қаҳрамон, персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг саргузаштлари орқали юзага келади. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари”да шундай ёзади: “Мундарижа яхши тартиб этилган сайин асарнинг қиймати ортадир, ёзувчини муваффақ бўлишга яқинлаштирадир. Тартиб (тартиб асарнинг сюжети, воқеалар силсиласи) мундарижа узра юргизиладир. Шунинг учун мундарижа етарлик даражада йиғилиб тоблангандан кейингина “тартиб”га кириш керак. Тартиб ёлғиз асар ёзишда эмас, сўз сўзлашда ҳам муҳимдир”<sup>9</sup>.

Бадиий асарда сюжет ўз-ўзича юзага келмайди, у бадиий макон ва замон (жой ва вақт)нинг уйғунлиги ифодаси ўлароқ намоён бўлади. Шу боис ҳам, сюжетнинг юзага чиқишида бадиий макон ва замоннинг ўрни ва аҳамияти жуда муҳимдир.

Ойбекнинг “Навоий” романида XV асрдаги Мовароуннахр, Хуросон ҳудудларида, қишлоқ ва шаҳарларида кечган тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар ўз бадиий ифодасини топади.

<sup>8</sup> Каримов Н. ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – Б. 216

<sup>9</sup> Фитрат А. Адабиёт қоидалари. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 16.

Романга бош қаҳрамон қилиб буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби Алишер Навоий танлаб олинади. Роман воқеаси бадиий макон ва замоннинг муҳим бир қисми бўлган давр тасвири билан бошланади. Бу тасвир сюжетнинг унсури — экспозиция орқали амалга оширилади. Экспозиция бадиий асар, шу жумладан, романда жой (қишлоқ, шаҳар, кўча, майдон, уй, хона...) тасвиридир.

“Баҳор кўеши кўкнинг тиниқ ферузасида Хиротнинг “Гавҳаршод” мадрасасининг ҳайбатли гумбази устида порлаб, гумбазнинг азамат пештоқларининг нақшлари шуълаларда жонли, ҳавоий бир чаманзор каби турли-туман оловранлар чақнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб кўниб, гумбаз теварагида қувонч билан иноқ ўйнашар эди. Бир томони хонақоҳ, уч томони катакча — ҳужралар билан ўралган мадрасанинг кенг, текис чорбурчак саҳнидан кеча шовдираб ўтган ёмғир кўзга илинар-илинмас буг бўлиб ҳавога кўтарилмоқда эди”<sup>10</sup>. Юқоридаги матндан шу нарса англашиладики, “Навоий” романи бошқа тарихий асарлар каби (“Ўткан кунлар”, “Юлдузли тунлар”, “Улуғ салтанат”) аниқ санани қайд этиш билан бошланмаса-да, макон (жой) ва замон (вақт) табиат тасвирида уйғун тарзда ифода этилади.

Бадиий асар матнидаги замон (вақт) фақат йил билангина кифоя қилмайди. Аср, йил, фасл, ой, ҳафта, кун ва тун, ҳатто дақиқа ва сониялар ҳам матнда ўз бадиий функциясига эга бўлади. Роман сюжети замондаги баҳор фаслини, макондаги “Гавҳаршод” мадрасаси, унинг атрофидаги нарса-предмет ва деталларни тасвирлаш воқеаси билан бошланади. Бу воқеа тасвири сюжетнинг давомийлигини таъминлаб, қаҳрамон, персонажларни таништириш, уларнинг ҳагги-ҳаракатларини, психологиясини юзага чиқаришда ёрдам беради. Роман воқеаларининг бошидаёқ марказий қаҳрамон Алишер Навоий ҳақида реал ҳаққоний, тарихий ҳақиқатга мос маълумотларни, мадраса толиби, асар персонажи Султонмурод нутқидан билиб оламиз. Эпик турдаги асарларда ривоя, кўпинча, муаллиф тилидан, баъзан эса, персонажлардан бири тилидан олиб борилади: “Гарчи Алишер жаноблари билан фақирнинг орасида муносабат ва робита унчалик барпо бўлмаган эса-да, ҳар бир

<sup>10</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 3.

ҳирожлик каби у жанобнинг ҳаётларига доир баъзи жиҳатлардан хабардорман. Алишер бу шахри азимда баланд мартабали нажиб бир оилада туғилганлар. Боболари, оталари авлод Темурга бениҳоят хизматлар қилганлар... Улум, фунуннинг қадри қимматини билган ота бир вақтлар Абулқосим Бобур замонида Сабзавор ҳокими эди, у киши фарзанди аржумандига гўдаклигидан гўзал тарбия, ҳусн, ахлоқ берган. Алишер ҳам илмнинг ҳар бобида улуғ истеъдод кўрсатган. Ҳамма илмларга бепоён муҳаббат боғлаган; яна бир нуқта шулки, Алишер ва алҳол тождавлат бўлмиш Султон Ҳусайн Бойқаро ҳазратлари гўдакликда дўст ва ҳаммақтаб эканлар. Алишер, буни яхши биламизки, болалик йилларида, икки тилда баробар ижод қилиб, “Зуллисонан” лақаби билан шуҳрат топдилар”<sup>11</sup>. Юқоридаги тасвирдан кўриняптики, тарихий роман муаллифи бадий макон ва замон мукамаллигига эришиш, ўтмиш даврининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий даражасини, савиясини қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, руҳияти, ички кечинмалари, ташқи кўриниши, кийинишини реализм ижодий методи мезонларига мувофиқлаштириш мақсадида ўша давр (XV аср)га оид илмий, тарихий манба, материалларни синчиклаб ўқиб ўрганган ва улардан кераклиларини бадий матн таркибига киритган. Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ манбаларда унинг отаси Фиёсиддин Кичкина бўлиб, темурийлар авлодидан, замонасининг ўқимишли кишиларидан эканлиги таъкидланади. Шунингдек, Алишер Навоий Хуросон мамлакатининг подшоҳи Ҳусайн Бойқаро билан яқин дўст ва мадрасалош бўлганлиги уларнинг самимий, беғубор дўстлиги умрларининг охирларигача давом этганлиги маълумдир. Ойбек ана шундай тарихий ҳақиқатни бадий ҳақиқатга айлантириш қаҳрамон фаолияти билан боғлиқ факт ва ҳужжатлар билан яхши таниш бўлган. Навоийнинг буюк қалб ёлқини бўлган ўлмас асарларини кунт билан ўрганган. Темурий салтанатига доир тарихий манбаларни бадий макон ва замон манзаралари тасвирида ҳаққоний бера олган. Шунингдек, ўтмиш замонининг ўзига хос хусусиятларини, миллий-худудий психология, урф-одатларни жонли, табиий тасвирлашга эришади. Ёзувчи романда ўтмиш замон

<sup>11</sup> Ойбек. Навоий. – Т.: Ўқитувчи. 1985. – Б. 18-19.

воқеаларини тасвирлаш орқали марказий қаҳрамон Навоийнинг дунёқараши, самимий дўстлиги, истеъдодли шоир, мутафаккир, адолатли халқпарвар давлат арбоби эканлигини кўрсатиб беради. Романнинг сюжет воқеалари бадиий макон ва замон концепциясида ўтмишнинг реал манзарасини тасвирлайди. Чунки ўтмиш сифатида фақат романдагина ўзининг чинакам реалистик тасвирини топиши мумкин. Бу тасвир сюжетнинг ҳар бир унсурида намоён бўлади. М.М.Бахтиннинг таъкидлашича: “Макон ва замон романнинг асосий сюжет воқеаларини юзага келтиради. Макон ва замонда сюжет тугунлари юзага келади ва ечилади. Айтиш лозимки, у сюжетни юзага келтирувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади”<sup>12</sup>. Агар М.М.Бахтиннинг юқоридаги фикрларини “Навоий” романига татбиқ этадиган бўлсак, унинг сюжет тизими майдони бўлакларига киритилган вақт унсурлари муҳим эстетик-бадиий вазифа бажарганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. “Навоий” романида улуғ инсонпарвар шоирнинг таржимаи ҳоли батафсил ёритилгандай туюлса-да, у билан боғлиқ барча ҳаётий воқеа-ҳодисаларни қамраб олмайди.

Романда 1469 йилнинг кўкламидан 1501 йилнинг январигача бўлган ўттиз икки йиллик воқеалар қаламга олинган. Ёзувчи Навоий характерининг ранг-баранг қирраларини кўрсатиш учун унинг ўша макон ва замондаги қизгин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолиятини тасвирлайди. Роман сюжети ривожда Навоийнинг дўсти Ҳусайн Бойқарога содиқлиги, унга тахтни бошқариш борасидаги ёрдамлари Мирзо Ёдгорга ўхшаган ғанимлари исён қилганда ёнида туриб, адолатли иш юритиши, бош қаҳрамонни маконий-замоний воқеа-ҳодисалар вазиятидан келиб чиқиб тасвирлайди. Одатда тарихий роман сюжетидаги сана, ижтимоий-сиёсий вазият, жамият инсоният тарихига оид катта-кичик воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар қиёфасининг ташқи кўриниши, кийим-кечаги, безаклари бадиий макон ва замон концепциясида ёрқин намоён бўлади.

“Ҳусайн Бойқаро бир дақиқа тараддуддан сўнг атрофдаги йигитларга ўқрайган кўзларини юритди-да, шоирга ижозат

<sup>12</sup> Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. – Т.: Фан ва технология, 2006. – Б. 59.

берди. Навоий қиличини қинидан суғурди (қиличининг биринчи ва сўнги марта суғурилиши эди), дадиллик билан одим отиб кетди. Лекин у тепага кўшлар мўлжаллаган йўлдан эмас, бошқа йўлдан чиқа бошлади. Шу вақтда кимдир бир даста шам ёқиб баланд кўтарди. Ҳамманинг кўзи қиличини ҳасса каби ерга қадаб, тепага кўтарилаётган шоирда эди. Унинг кўланкаси кўздан ғойиб бўлар-бўлмас, навқари Бобоали орқадан қилич яланғочлаб югурди. Дам ўтмай ўнлаб йигитлар кўрғонга ҳужум қилгандай, шижоат ва илдамлик билан шоир чиққан йўлдан тепага отилишди.

Навоий қилични кўтармасдан, лекин зарбага тайёр совуққонлик билан тўхтади-да, буюрувчи кескин тусда сўзлади: “Қиличларни қинга жойлангиз, шу лаҳзада таслим бўлингиз!” Иккинчи навқар яқин келиб, бўйнини чўзиб тикилди: “Сиз кимсиз? Нега таслим бўламиз?” — сўради у. Шоир зарда билан: “Мен Алишер Навоий!” дейиши билан навқарларнинг нафаслари ичларига тушиб кетди.”<sup>13</sup> Жаҳонни титратган Амир Темурнинг империяси фарзандлари ва невараларининг ўзаро келишмовчиликлари, тахт, мол-мулк талашлари туфайли парчаланиб, инқирозга юз тутаётган эди. Ана шундай урушлардан бири Ҳусайн Бойқаро билан Мирзо Ёдгор ўртасида бўлади. Навоий бу исённинг гувоҳи бўлади ва бунинг тинч йўл билан қон тўкмасдан ҳал қилишга ҳаракат қилади. Романда ана шу тарихий воқеа ёзувчи субъекти орқали қайта ишланиб, бадиий макон ва замонда берилади. Бадиий матндаги вақт (замон) доимо муҳим функцияга эга бўлади. Замон ва макон сюжетини шакллантириб, воқеа-ҳодисалар жараёнига аниқлик киритади. Қаҳрамонлар, персонажлар ҳагги-ҳаракати ташқи ва ички кўриниши, ҳолатлари, нарсаларнинг табиат манзарасини тасвирлашда бадиий макон ва замон муҳим аҳамият касб этади. Чунки “Вақт (замон) ўз-ўзидан макон (ёхуд микромакон) тасвирини тақозо этади. Зеро улар абадулабад бир-бири билан узвий, жипс боғланган. Вақт аломатлари маконда намоён бўлганидек, макон замон орқали тушунтирилади, инкишоф этилади”<sup>14</sup>. “Навоий” романида

<sup>13</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 96.

<sup>14</sup> М.М.Бахгин Литературно-критические статьи. — М.: Художественная литература, 1986. — С. 122.

макон тасвири бевосита бош қаҳрамон (Алишер Навоий) ҳаёти, шахсидан ташқари бошқи персонажлар хатти-ҳаракатлари, сафарлари, ички қолливиеси билан ҳам боғлиқ. Маълумки, Алишер Навоийнинг энг яқин дўсти Ҳусайн Бойқаро подшоҳ бўлиши билан бирга ўткир қиём соҳиб, истеъдодли шоир бўлган.

“Маймана”нинг “Чаҳор боғи”да Ҳусайн Бойқаро дилдор яшайди. Шоҳона зиёфатлар, дабдабали, суронли базмлар қаёқда? Боғнинг бир четида нақшлари эскирган каттагина чорраҳа уйда кўпинча ёлғиз ўтиради, ғазаллар ҳам ёзмайди. Тоғу тахт дағдағаси қонига она сути билан кирган. Унинг кучини, дардини бу кунларда Ҳусайн Бойқаро ҳамма вақтдагидан кўра чуқурроқ, ўткирроқ, сезади”<sup>15</sup>. Ушбу матнда Ҳусайн Бойқаронинг руҳий ҳолати ташқи қиёфаси, хатти-ҳаракатлари, кўринишлари макон тасвири орқали кўрсатилади. Ҳусайн Бойқаро ҳаракатларидаги тахтга, амалга қизиқиш, қаттиққўллик, мардлик, абжирлик шу билан бирга шоирга-биятлилик унинг бутун ташқи қиёфа кўринишида намоён бўлади. Романдаги тарихий шахснинг портрети, ташқи кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракатлар ўша (XV аср) замон подшоҳларига мос тарзда тасвирланади. Замона иерархиясидаги янгиликлар, жараён қаҳрамоннинг ички руҳиятида ҳам кескин бурилиш ясади. Чунки замона “яхлит”лигича олинганда (маконсиз айнан замонани муғлақо яхлит деб бўлмайди) қатъиян ва мазмун моҳиятан тугалланмаган: У бутунликгича давомийликка эга, келажакка қараб ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам замоннинг тугалланмаганлиги, олдинга интилувчанлиги шунчалик сезиларлироқ ва кучлироқ аён бўла боради.

Тарихий романда макон ва замон (жой ва вақт) қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

1. Асардаги айрим қаҳрамон (кўпроқ марказий қаҳрамон билан боғлиқ бўлган) персонажлар томонидан аср, йил, фасл, ҳафта, кун, соат, дақиқа, сония, ўлка, шаҳар, қишлоқ, уй, ҳовли, иш жойи, хона, ўқув маскани ва ҳоказо кабиларга баҳо бериш. Қаҳрамон ва персонажларнинг хатти-ҳаракатларида маконнинг нарса-предмети, замоннинг воқеа-ҳодиса жараёнлари тасвирланади.

<sup>15</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 89.



Маълумки, халқ орасида биринчи қор ёққанда бир-бирларига оққўнгиллилик билан тилак тилаб, “қор хат” ёзиш одати бор. Бу қадимий анъана “Навоий” романида ҳам қиш фасли замон (вақти)дан ва бизнинг ўлка (макон)да ҳам мавжудлиги тасвирланади.

Навоий “қор хат” ёзиб, унда қишнинг шоирона тасвирини, қиш манзараси орқасида кўнгилга келган кечинмаларни шўх, рангли услуб билан бетоб, бир дўстига, қиш ҳангомаси сифатида юборган эди:

«Тузулгай ёр ила базми висоли,  
Вале ағёрдин ул бўлса ҳоли.

Соқий, дай шиддатидан ақлу хуш бетоб эрур,  
Чораси жоми биллурун ичра лаъли ноб эрур.

Хумо базми аро ўту май бўлса дай,  
Май андоққи, ўту ўт андоққи май.

Серзавқ оқсуяк Ҳирот бу олтин мисраларда ифодаланган руҳ ва кайф билан яшамоқда эди”<sup>16</sup>. Ёзувчи романнинг марказий қаҳрамони кайфияти билан бутун Ҳирот халқининг кайфиятини уйғунликда тасвирлайди. Романда инъикос этилган макон ва замон анъаналари сюжет воқеаларини қизиқарли чиқишига, қаҳрамон характери гўзал, ранг-баранг туйғуларга бойлигини кўрсатди.

Юқоридаги тасвирдан англаш мумкинки, ёзувчи бадиий макон ва замон муқамаллигига эришиш мақсадида тарихнинг, яъни Навоий яшаган ва ундан олдинги халқимиз ўтмишини, анъана, урф-одатларини факт ва материаллар асосида яхши ўрганган. Романда бадиий макон ва замон сюжетини юзага келтирувчи асосий восита вазифасини бажаради. “Навоий” романининг макон ва композициясини шакллантиришда бадиий макон ва замоннинг аҳамияти катта. Бош қаҳрамон билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар хатти-ҳаракатининг макони ва замони сюжетни шакллантирувчи бош омиллардан саналади. Навоий образи, унинг

<sup>16</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 111.

руҳиятидаги ўй ва кечинмалар замон воқеа-ҳодисалари таъсири натижасида кайфиятидаги ўзгаришлар, макон тасвири билан уйғунликда берилади.

Муаллиф томонидан муайян бир сана замон (вақт) бўлагининг бадиий сюжет матни таркибига киритилиши, макондаги нарса-предмет, деталлар ёрдамида ёрқин намоён бўлади. Романда тонг, пешин, оқшом, тун сингари вақт унсурлари бадиий сюжет ривожини, композицион тузилишини, қаҳрамон, персонажлар ҳаёти, руҳий ҳолати, улар билан боғлиқ ҳодисалар, саргузаштлари, тафаккур олами ёрқинроқ, аниқроқ очиб, кўрсатиб берилган. Романда ҳар қандай сюжет воқеа тизими бадиий макон ва замондан, аниқроғи, унинг муайян бир кишидан ташқарида содир бўлмайди ҳамда ривожланмайди. Сюжет тизимининг ҳар бир воқеа-ҳодисаси бадиий макон ва замон билан боғлиқ тасвирланади. Ана шу вазиятда ёзувчи қаҳрамон хатти-ҳаракати билан боғлиқ тарзда, унинг руҳий оламга мос тарзда табиат манзарасини ҳам чизади. Бу ҳам бадиий макон ва замон концепциясида намоён бўлади.

“Навоий эрталабки намоздан кейин баъзи яқинлари билан нонушта қилди. Унинг турли юмушларини, топшириқларини бажарувчи мулозимларни қабул этиб, уларга кенгаш берди-да, “Боғи зағон”га жўнади. Қишки “Боғи зағон” булуғлар орасида мўралаган қуёшнинг совуқ нурларида чаманзорларининг, хиёбонларининг сўник ҳазин хусни ва катта ҳовузларнинг юпқа кўкимтир муз ойнаси билан кўзларни беихтиёр тортар эди. Навоий “чил устунли” кошонага келиб, зарбоф тўнли, мағрур “эшик оға”га подшоҳ ҳузурига кирмоқ истагини билдирди”<sup>17</sup>. Юқоридаги тасвирда мазкур замон (вақт) унсурлари роман бадиий макон (худуди)да ўзаро бирлашиб-туташиб, аниқ бир тарихий даврнинг ягона эпик манзарасини юзага келтиради. Шу билан бир қаторда Навоийнинг қизгин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолияти тасвирланади. Унинг ички қалб диалектикаси, моҳияти, руҳий-маънавий дунёсининг қирраларини ойдинлаштиради ва аниқлаштиради. У марҳаматли устози, шу боис ҳам атрофида Султонмурод каби истеъдодли, илмга

<sup>17</sup> Ойбек. Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б. 138.

чанқоқ шоғирдларнинг суҳбатига ошиқиши бежиз эмас. Маданият-маърифат ва ободончилик ишларининг раҳнамоси, Навоийнинг ташаббуси туфайли ўз даврида Ҳиротда бир қанча мактаб мадраса, кутубхона ва қурилиш иншоотлари қурилгани маълум. У инсоф, диёнат, адолат ҳимоячиси, шу боис ҳам ўз замонасида адолатсизлик туфайли азият чеккан оддий халқ вакиллари ундан мурувват кўрганлар. Мамлакат ва халқ осойишталигининг посбони, дўсти Ҳусайн Бойқаро подшолигидаги Хуросон давлатини, унинг оммасини тинч-тотув яшаши учун жон фидо қилган шахс.

Умуман, романда бадиий макон ва замоннинг кўламдорлиги, кенлиги, тарихий факт ва материалларнинг аниқлиги Навоий характери табиатининг ранг-баранг жилваларини китобхон кўз ўнгида тажассумлаштирилади.

Макон ва замон концепцияси бадиий асар жанрини белгилаб, тайинлаб берувчи шаклий-мазмуний категорияси экан, ҳар бир ижодкор асарида ўзига хос хусусиятлар орқали намоён бўлади. Чунки “Ҳар бир ёзувчининг дунёнинг ижодий ўзлаштириш жараёнида орттирган ҳиссиётлар тажрибаси, оламни ўзига хос кўриш, идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш йўли бўлади. Ёзувчининг маҳорати, услуби ва тасвирлаш маҳорати ҳақида фикр юритилганда ҳам, асосан, шу унсурлардан келиб чиқиб, иш тутиш зарураги туғилади.”<sup>18</sup> Айниқса, тарихий асарлардаги воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда ижодкор маҳорати ва услуби муҳим роль ўйнайди. Асарда ифодаланган моҳият, мазмун, ғоя, уларни юзага чиқарувчи сюжет, композиция, образ ва бадиий воситалар ҳамда макон ва замон манзараси, оламнинг рамзий модели ҳам ижодкор субъекти, маҳорат, услуби билан боғлиқдир. Тарихий асарлар яратишда тарих воқелигини, тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантириш ижодкордан объективни, фактликни талаб этади. “Ахир бадиий асар яратиш ва ёзишгина эмас, балки фактни топиш учун ҳам санъаткор бўлиш лозим” — деб ёзади Ф. Достоевский.

Ёзувчи Одил Ёкубов ҳам тарихий воқеа-ҳодисаларни бадиий макон ва замон концепциясида тасвирлаш, англаш, идрок этиш борасида ўзига хос услубни қўллайди. У “Улуғбек

<sup>18</sup> Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. — Т.: Фан, 1992. — Б. 41.

хазинаси” романида XV асрнинг биринчи ярмидаги тарихий воқеаларни тасвирлайди. Роман сюжети воқеаларининг макони, асосан, қадимий шаҳарлардан бўлиши, Мирзо Улуғбек подшолик қилган Мовароуннаҳр пойтахти Самарқанд шаҳридир. Роман сюжети Улуғбекнинг шогирди ва энг яқин дўсти Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчини тун замони (вақти)да микромакон (яъни расадхона)даги хатти-ҳаракатларини тасвирлаш билан бошланади. “Вақт тун ярмидан ошган. Расадхона теран сукутда. Одатдагидай, кечаси самовий ҳолатларни кузатиб ўтирган Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи бир пайт вужудида хиёл нохушлик сезиб, ўрнидан турди. Лекин кўлидаги олатларни жойига қўйиб улгурмаган ҳам эдики, қаердадир юқорида, биринчи ошиёнада, оёқ товушлари эшитилди. Бу товушлар расадхона толиби илмларининг шарпасиз одимларига ўхшамас, сипоҳиларнинг бетакаллуф қадамларини эслатарди”<sup>19</sup>.

Юқорида келтирилган роман матнидаги макон, шу жумладан, микромакон тасвирида, табиийки, ёзувчининг етакчи бадиий-ғоявий концепцияси, эстетик идеаллари билан бир қаторда миллий заминимиз алломаларининг дунёқарashi, тафаккури, илм-фан борасидаги ўша замон (вақт)даги хатти-ҳаракатлари акс этади. Тарихий факт ва материаллар, тарихий шахс ва тўқима образларнинг талқини, руҳий кечинмалари романнинг маконий-замоний манзараларида ёрқин намоён бўлади. Тарихий манбалардан бизга маълумки, Мирзо Улуғбек илм-фан, санъат ва адабиётни эъзозловчи, ободонлаштиришни яхши кўрувчи ҳукмдорлардан ҳисобланади. У бобоси Амир Темур ишларини давом эттириб, “Чиҳл устун” (“Қирқ устун”), “Боғи майдон” каби бир неча боғ барпо этади. Атрофига илм аҳлларини йиғиб, шу олимлар билан бирга мунтазам иш олиб боради. Улуғбек ана шу олимларнинг ёрдами билан Самарқандда Обираҳмат суви ёнидаги тепаликда 1424 йилда расадхона қуради. Бу обсерватория уч қаватдан иборат бўлиб, Бобур шундай маълумот беради:

“Яна бир олий иморати Пуштои Кўҳак доманасида расоддурким, зич битмакнинг олатидир. У ошёнликдур.

<sup>19</sup> Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Сайланма. Уч жилдлик. II жилд. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 3.

Улуғбек Мирзо бу расад била зич Кўрагонийни битибдурким, оламда ҳоло бу зич мустаъмалдур. Ўзга зич била кам амал қилурлар”<sup>20</sup>. Улуғбек Мирзо расадхонада эртаю-кеч кузатишлар олиб бориб, коинот, сайёралар олами сирларини аниқлаб, 1018 юлдузнинг ҳолат ва ҳаракатини ўрғанади. Ёзувчи роман сюжети воқеасининг бошиданоқ Улуғбекнинг илмий фаолияти муҳим расадхона макони (жойи)ни, ўша замон (вақт) воқеа-ҳодисалар жараёнини Улуғбек ҳаётининг сўнгги даврини тасвирлашдан бошланади.

Бадиий макон ва замон воқеликни нафақат кўламдорлиги, кенглигини таъминлайди, балки уларнинг тарихан аниқлиги, бадиий-эстетик жиҳатдан далилланганлиги, сюжет тармоқларига боғланиш — алоқадорлик даражаси, қахрамонлар ички кечинма, руҳий дунёсининг кўп қатламлилиги, фикр туйғулар оқими, ҳаракатлари романни йирик эпик шакл сифатида кўрсатиб, белгилаб туради. “Улуғбек хазинаси” макон ва замоннинг бадиий эпик кўламдорлиги, вертикал (тик) ва горизонтал (тўғри) жиҳатидан серқирра ва кенг романдир. Сюжет тизими майдони доирасида ҳаракат қилаётган қахрамон, образ ва персонажларнинг эркин фаолияти, хатти-ҳаракатларини кўрсатишга, уларнинг характер хусусиятларини аниқроқ, батафсилроқ ҳамда психологик жиҳатдан мукаммал, тўла ва жонли тасвирлашга имкон яратиб берган.

М.М.Бахтиннинг таъкидлашича, ҳар қандай асардаги бадиий макон ва замон концепциясида дунёнинг рамзий қиёфаси акс этади. Замон (вақт) бадиий ҳаракатни юзага чиқарувчи ва таъминловчи асосий воситадир. Ҳар макон ва замондаги ҳаракатланувчи инсон ва нарса-предмет мажозий-рамзий характерга эга бўлади. Замоний мантиқ бу вертикал (тик) ҳолатдаги дунё — самимий, жозиба ҳар қандай воқеа-ҳодисалар жараёнига бир хил муносабатда бўладиган нарсадир. Шунингдек, заминда вақт (замон) ҳар хил турларга ажратилган, абадий ва тоза, ҳис қилувчи тушунчадир. Бу бўлиниш (эрта) ва (кеч) каби замон (вақт) тушунчаси орқали дунёни англашга ҳаракат қилинади.

<sup>20</sup> Бобур. Бобурнома. — Т.: Юлдузча, 1999. — Б. 45.

“Улуғбек хазинаси” романида ёзувчи бадиий макон ва замон манзарасида сюжетнинг эпик кўламдорлик ва вертикаллиги орқали XV аср сиёсий-маъданий-маиший ҳаётини тасвирлайди. Улуғбекнинг таржимаи ҳолига дахлдор воқеа билан эмас, балки роман сюжети “расадхонанинг теран сукунати”дан бошланиши, у яратган илмий мероснинг абадийлиги, уни сақлаб қолиш учун кураш ҳаракатларига асосланади.

Маълумки, тарихий мавзудаги романда тарихий шахс образларидан ташқари муаллифнинг бадиий маҳоратини кўрсатувчи мезонлардан бири бадиий тўқима ва унинг воқеа-ҳодисаларга киритилишидир. “Улуғбек хазинаси” романидаги бадиий макон ва замонда ҳаракат қилаётган тарихий шахс образи ҳам, бадиий тўқима ҳам ёзувчи ғояси, мақсад-ниятига хизмат қилади. Романдаги Али Қушчи образи тарихий шахсми ёки йўқми бу ҳақда аниқ маълумот йўқ. Аммо романнинг марказий қаҳрамони Улуғбекнинг диёнатли ва истеъдодли шогирди Али Қушчини сюжет йўналишида ҳаракат қилиши ёзувчи бадиий концепциясини белгилайди. Тарихий романнинг асосий ва муҳим белгиларидан бири шундан иборатки, ёзувчи бадиий макон ва замон манзаралари китобхон кўз ўнгида ўша давр руҳиятини жонлантира олиши керак. Бунинг учун у эътиборни ўша макон ва замонда ҳаракат қилган тарихий шахслар тақдирига қаратадими ёки ижтимоий ҳаётдаги суронли курашлар манзарасини чизадими, ё бўлмаса қаҳрамонлар, персонажлар тилига қаратадими, нима бўлганда ҳам бу ҳаракатлар ёзувчининг бош мақсадига — ниятига йўналтирилган бўлиши ва хизмат қилиши лозим.

“Улуғбек хазинаси” романида даврнинг суронли курашлари Улуғбек султонлик тахтидан кетиш фожиаси — ўз фарзанди Абдулатиф туфайли дарбадарликка юз тутган ота — шохнинг мураккаб руҳий ҳолатлари, унинг илм йўлида қилган ишларини сақлаб қолиб, шогирдлари давом эттириш истагидаги ҳаракатлари тасвирланади. “Ота сўзин амри вожиб, деб билурсенми, йўқми ихтиёр сенда. Ва лекин сўнги насиҳатимни эшит, хоҳла ўз падарингни қатл эт, хоҳла Мовароуннаҳр сарҳадидан ҳайдаб, дарбадар қил — боз ихтиёр сендадур. Лекин ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, унинг шогирд ва устодларига тегмагайсен. Тегсанг...

ота қарғишига учраб, тоабад бадном бўлурсен!... Ота рози — Худо рози, ёдингда бўлсин: ал қасосул минал ҳақ! Ҳеч бир ёмонлик интиқомсиз қолмайду! Сенга айтадурған бошқа сўзим йўқ! Чақир ясовулингни!”<sup>21</sup> Романнинг сюжет — композицион қурилишида бадий макон ва замон концепцияси муҳим роль ўйнаб, драматик унсурлар салмоқдорлигини оширади. Роман марказида, асосан, икки шахс драмаси (шоҳ Улуғбек Мирзо ва шаҳзода Абдулатиф) (ота ва ўғил) ётади. Замон ва макондаги рйёкор, жоҳил рақибларнинг қуршовида кўғирчоқ бўлиб қолган, тож-тахт деб отага қарши бош кўтарган ўғилнинг ҳаракатлари натижасида юзага келган давр, муҳитнинг зиддиятлари тасвирланади. Роман сюжетини юзага чиқарувчи бадий макон ва замон тафсилотию кўринишлар асосий конфликт — Улуғбек ва муҳит зиддиятини ҳаракатга келтиришга, тасвирланажак воқеа-ҳодисаларнинг асосланишига хизмат қилади. Ёзувчи ўтмиш тафсилотларига кенг ўрин бериб, Улуғбек Мирзо руҳиятидаги мураккб жараёнларни, унинг драмасини тўлақонли бадий талқин қилишга интилади. Натижада буюк алломани ададсиз қийноқлар гирдобига тортган замоннинг фожиали воқеа-ҳодисалар жараёни ижтимоий ҳаёт суратлантирилади. Айтиш мумкинки, Одил Ёқубов қахрамон драмаси воситасида замон қиёфасини, унда ҳаракат қилувчи, яшовчи кишиларнинг ижобий ва салбий характер хусусиятларини бадий тадқиқ этиб, маконни тушунтириб, инкишоф этади. “О. Ёқубов бунинг учун анъанавий йўл танлади, ўша даврдаги “оқ”, “қора” кучлар нисбатидан келиб чиқиб, ҳар бир образни ўз антиподи билан яратишга интилади: “Улуғбек — Абдулатиф, Али Қушчи — Мавлоно Муҳиддин, Қаландар Қарноқий — Қашқар ва ҳоказо. Бу қаршилантириш йўли орқали ёруғ кучларни янада ёрқинроқ кўрсатишга интилса, қора кучларни эса қоронғулик ботқоғида тасаввур этди. Ёзувчи қарши образлар тимсолида маърифат ва жаҳолатни, фидойилик ва хиёнатни мардлик ва ҳийлани тўқнаштирар экан, романнинг ҳар бир саҳифаси алангаланиб туришини, эҳтирослар шиддати китобхонни бутунлай забт

<sup>21</sup> Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Сайланма. Уч жилдлик. II жилд. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. — Б. 106.

этишини истади”<sup>22</sup>. Маълумки, бадиий асар қаҳрамонни этиб жонланган тарихий шахс қанчалик буюк бўлмасин, қанчалик серқирра фаслият кўрсатмасин ёки қанчалик қомусий билим эгаси бўлмасин, ёлғиз ўзи маълум бир ўтмиш замонининг тўлалигича акс эттира олмайди. Шу боис ҳам ёзувчи асарининг бадиий маконий-замоний концепциясида гоъвий-эстетик ниятига хизмат қилувчи образларни олиб киради. Шу ўринда масаланинг бошқа бир муҳим жиҳатига эътиборни қаратиш керак. Одил Ёқубов қаҳрамонлар драмалари воситасида XV аср замони (вақти)даги ҳамда Мовароуннаҳр макони (жойи)даги миллат (туркий халқлар тақдири, юртнинг ижтимоий-тарихий воқеалар жараёни, масалаларини бадиий тадқиқ этади. Романда қўйилган муаммони бадиий тадқиқ этиш, оламнинг бадиий моделини маконий-замоний концепцияда ифодалаш учун сюжет марказига муаллиф идеалига мос қаҳрамонларни чиқарди. Даврнинг тубан, қора ишлари тасвирлари, адолатсизликларини очиб ташлаш мақсадида бир қатор разил тарихий шахс образларини замон ва макон манзараларида тасвирлади. Бу роман сюжети шиддатини оширади. “Бас! — Мирзо Абдулатифнинг қисилган кўзларида совуқ учқунлар чақнади. — Мен сенинг муродингни биламан, бетавфиқ! Сен... Сен қиблагоҳимни йўлдан урган, Аллоҳнинг қудратига шак келтирган кофирсен! Сен барча алломаларни чалғитган муртадсен, муртад!...”

Али Қушчи унинг нигоҳида худди қутирган итнинг кўзларида бўладиган мудҳиш бир ифодани кўриб кўзини юмди...

Ё тавба! Наҳот барча илм аҳлининг тақдири ақлу ҳушидан айрилган шу телбанинг қўлига тушса?”<sup>23</sup> Тарихий манбалардан шу нарса мълумки, Амир Темур империясининг парчаланишига асосий сабаблардан бири, ўзаро тахт таллашишлар, ички зиддиятларнинг кучайиши бўлган. “Улуғбек хазинаси”да ҳам ана шундай тарихий воқеа-ҳодиса тасвирланади. Шаҳзода Абдулатифнинг тож-тахт, бойлик учун курашиб падаркушлик қилиши, иккинчидан, Улуғбек шогирдларини, илм аҳлини

<sup>22</sup> Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. — Тошкент, ФаҶ, 1992. — Б. 60.

<sup>23</sup> Ёқубов О. Улуғбек хазинаси. Сайланма. Уч жилдлик. II жилд. — Т.: Фағур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. — Б. 203.



хўрлаб, ҳақоратлаши замоннинг энг муҳим муаммоси сифатида ифодаланади. Улуғбек тақдиридаги фожиавий ҳодиса замоннинг воқеа-ҳодисалар жараёни сифатида маконда (микромаконда) намоён бўлади. Улуғбек ҳам шоҳ, ҳам олим сифатида, ҳам ота, ҳам сеvimли ёр сифатида адолат, мурувват, шафқат ва муҳаббат туйғуларини ўзида мужассам этган бадиий қаҳрамондир. У бадиий макон ва замон тасвирида эпик кўламлилиқ билан ёритилади. Роман сюжет воқеалари шиддаткорлик билан ифода этилар экан, Улуғбек қалбидаги замоннинг изи, тугёнлари ёрқин намоён бўлади. Замоннинг ана шундай аломатлари маконда кўринади. Маконда содир бўлган воқеа-ҳодисалар орқали замон тушунилади, англашилади. “О.Ёқубов — воқеанавис адиб. У воқеаларни таҳлил қилиш ва воқеалар ичида ҳаракат қилинаётган қаҳрамонларнинг равиш-рафтори, туйғу ҳамда тугёнларини кўрсатиш йўлидан боради. Воқеанавис адиб характерларни эпик планда ишламайди. Уни кўпроқ воқеаларнинг оқими қизиқтиради. Шу оқимга композицион мунтазамлик ва шиддатли куч беради”<sup>24</sup>. Замон талотумлари сабабли Улуғбекнинг ички руҳиятида пайдо бўлган оғриқларга ёзувчи холис қараб баҳо беради, уни четдан туриб кузатади. Романнинг бадиий маконий-замоний концепциясини кузатар эканмиз, ёзувчининг ўзига хос истеъдоди билан ўтмиш замони воқеа-ҳодисалар жараёнини усталик билан танланган. Роман матни бадиий замон ҳамда бадиий макон уйғунлигида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, персонажларнинг ўзаро алоқа-муносабатлари тўқнашув — зиддиятлари тасвирида намоён бўлади. Жамиятнинг ички зиддиятларини тасвирлашда қаршилангириш усулини қўллайди. Замон ва макон тасвири қаҳрамон тақдири билан боғлиқ воқеа-ҳодисаларда кузатилади. Шунингдек, романдаги Али Қушчи тарихда Улуғбек кашфиётларининг давомчиси бўлиб, тўлақонли бадиий характер сифатида таҳлил этилади. Шунингдек, ёзувчи Али Қушчи образи таъсирида анча мукамалликка эришади. Роман матнидаги вақт фақат йил билангина кифоя қилмайди. Унда фасл, ой, ҳафта, кун, тун, ҳатто дақиқа сониялар ҳам матнда

<sup>24</sup> Ғафуров И. Ям-яшил дарахт. — Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. — Б. 89.

ўз бадий функциясига эга бўлган. Сюжетни шакллантириб, қаҳрамон персонажларнинг хатти-ҳаракатларини тасвирлашда, ички психологиясини юзага чиқаришда ёрдам берган.

“Мавлоно Али Қушчи ҳайрат ва аросатда қолди. Мана бир ҳафтадан ошдики, ташқаридан келиб турадиган тўқач нонлар келмай қолди. Кечадан бери эса тўқач тугул арпа нон билан бир чойдишгина совуқ сув ҳам тўхтади. Ё уни эсдан чиқаришган, ёхуд бу қоронғу гўрда очдан ўлдиришга қасд қилишган”<sup>25</sup>. Устози Улугбек Мирзога бўлган эътиқоди Али Қушчини ҳар қандай қийинчиликларга чидашга мажбур қилади. У қамоққа олиниб, қийноқларга солинганда ҳам устозининг васиятини тарк этмайди, уни бажаришга ҳаракат қилади. Али Қушчининг ана шундай характер қирралари маконда яхши очилади. Ҳар бир эпизодда унинг характери ўз йўналишида ривожланади ва тараққий топа борган сари аниқроқ, равшанроқ ва энг асосийси, ўзига хос қиёфада кўрина боради.

Ўзбек тарихий романлари (“Ўткан кунлар”, “Навоий”, “Юлдузли тунлар”)да бўлганидек, “Улугбек хазинаси”да ҳам аниқ санани қайд этиш анъанаси кузатилади. Романдаги сана жамият, ўша давр кишилари тарихига оид катта ижтимоий маданий-маърифий аҳамиятга эга бўлган воқеа содир бўладиган йилни ифодалайди.

“Саккиз юз етмиш иккинчи ҳижрий йилнинг куз кунларидан бири эди. Нонуштани Самарқандда қилиб йўлга чиққан юз туялик катта қарвон пешинда Дарғомдан ўтиб, бепоён ялангликка чиқиб олди.

“Эй дариг! Худди ўша жой. Ўша пастқамлик!”

Ҳа, ўшанда ҳам худди мана шундай кун ботай-ботай деб турган кечки пайт эди. Кеч куз бўлса ҳам осмон беғубор, кун илиқ эди... У маҳалда раҳматли Қаландар Қарноқий ҳам ҳаёт эди. Улар олдин синовлардан ҳадиксираб пастга, пистирмага қочган, кейин эса, устодни топиб, отларининг бошини орқага бурган эдилар, устод ҳам покиза руҳи гулшани бақода масрур бўлғай! — устод ҳам уларни таниб, от чоптириб келгани эди. Улар худди мана шу шувоқзорда узоқ кучоқлашиб турган, устод, кўзида ҳалқа-ҳалқа ёш, унга сўнгги васиятларини

<sup>25</sup> Ёқубов О. Улугбек хазинаси. Сайланма. Уч жилдлик. II жилд. — Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. — Б. 286.

айтган, сўнги тилакларини сўзлаб, видолашган эди. Эртасига эса, машъум хабар доруссалтанатни, наинки, доруссалтанатни, буткул Мовароуннахрни зир титратган эди”<sup>26</sup>. Романнинг ушбу матнида кўрсатилган санада энг даҳшатли фожиа, яъни Улуғбек ўғли Абдулатиф томонидан ўлдирилиши содир бўлади. Романнинг иккинчи қисмидан олинган матнда Улуғбек шахси иштирок этмаса-да, воқеалар баёнини унинг руҳида ҳаракатга келтириб туради. Улуғбек кашфиёти давомчиси бўлмиш Али Қушчи йигирма йилдан кейин ана шу маконда устози билан бўлган учрашувни, унинг васиятини хотирасида қайта жонлантиради. Улуғбек вафоти вақтини аниқ келтиради.

Маълумки, хотира ижоди ёлғизлик ва инсон онги муаммоларига урғу бериш жиҳатидан бир қадар экзистенциал йўналишга эга бўлади. Ёзувчи романнинг иккинчи қисмида Али Қушчининг хотиралари макони орқали Улуғбек сиймосини ҳаракатлантиради. Унинг хотира чегараларида фақат реал ҳаётнинг кундалик замони ва макони тасвирланиб, ички дунёси ва шахс сифатидаги моҳияти маконини белгилаб беради. Бундай ёрқин ички ҳаракат макони романнинг ғоявий-бадий қимматини оширишда муҳим роль ўйнайди. Кеч куз, кун ботай-ботай деб турган палла, кун ва тун чегараси замон сурати — шувақзор маконида намоён бўлади. Гуё дунёнинг маконий қиёфаси қаҳрамон кайфиятига мос тарзда тасвирланган, тун ва кун орасида эриб, ўзининг аниқлик ва муайянлигини йўқотгандай романнинг воқеа-ҳодисаларини шиддат билан кечиши ёзувчи бадий-ғоявий мақсадига мувофиқдир.

Ҳар қандай даврда ҳам ўтмишга, тарих сабоқларига қизиқиш кучли бўлган. Ўтмиш ва тарих сабоқлари тажрибасидан келиб чиқиб, замонасига баҳо бериш анъанага айланган. XX асрнинг 70-йилларида ёзувчи Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романи тарихий мавзудаги бошқа энг яхши асарлар қатори жамият маънавий ҳаётидаги шу кайфиятнинг бир ифодаси, “Халқимизнинг бой ва шонли тарихига улуғ ҳурмат ёдгорлиги, тарих сабоқларига астойдил қизиқиш самараси сифатида майдонга келди. “Юлдузли тунлар” ҳақида гапирганда, “бу асар тарихимизнинг ўша мураккаб, чигал даврига, ниҳоятда зиддиятли тарихий шахс ҳам истеъдодли олим,

<sup>26</sup> О. Ёқубов. Кўрсатилган китоб. — Б. 336-338.

гуманист, тараққийпарвар, ҳаққўй шоир: ҳам типик темурийзода, саркарда, фотиҳ шоҳ ҳаётига бағишланганлигини, ёзувчи олдида қийин, масъулиятли ижодий вазифа турганлигини назарда тутмоқ керак”<sup>27</sup>. Романда XV аср замонида яшаб ижод этган шахс ва шоир Бобурнинг тақдири, Мовароуннаҳр шаҳарлари, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудлари маконида содир бўлган хилма-хил воқеа-ҳодисалар жараёни тасвирланади. Роман сюжетининг юзага чиқишида, қаҳрамон, персонажлар ички руҳий оламининг очилишида бадиий макон ва замон муҳим роль ўйнайди. Сюжет воқеалари бадиий макон ва замоннинг уйғунлигида ижро этилади. Романда XV асрнинг иккинчи ярми ва XVI асрнинг бошларидаги Мовароуннаҳр, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистон ҳудудларида кечган тарихий, ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар ўз бадиий ифодасини топган. Асарга марказий қаҳрамон қилиб улкан тарихий шахс шоҳ ва шоир Бобур олинса-да, унинг ҳаёти кенг тутса-да, асар сюжетини ҳаракатга келтирадиган куч, биринчи галда, ўша макон ва замоннинг воқеа-ҳодисаларидир. Маълумки, Бобур жуда оғир, мураккаб бир замонда, ўзаро урушлар туфайли парчаланиб, инқирозга юз бураётган Темур ва темурийлар маконида яшаб ижод этган. Ана шундай машаққатли, мураккаб шароитда ҳам Бобур Мирзо ҳақиқатга – шафқатсиз ҳақиқат кўзига тик қараган эди. Унинг отаси ўлимидан кейин тахтга ўтириши ҳам, ана шундай тарихнинг шафқатсиз воқеасидан кейин тасодифий равишда фавқулудда юз беради. Бу ҳақда “Бобурнома”да шундай ёзади: “Тангри таолонинг инояти билан ва ҳазрати он Сарвари коинотнинг шафоати билан ва чаҳарёри басафоларнинг ҳиммати билан сепанба кун рамазон ойининг бешида тарих саккиз юз тўқсон тўққизда Фарғона вилоятида ўн икки ёшда подшоҳ бўлдум”<sup>28</sup>. Ёзувчи “Юлдузли тунлар”ни ёзишда унга хос бўлган тарихий манбалар асосида иш юритиб, ўша манбалардаги шаҳар ва қишлоқларни романга бадиий макон,

<sup>27</sup> Норматов У. Ҳақиқатнинг машаққатли йўли // Бу ҳақда қаранг: Қодиров П. Сайланма. Уч жилдлик. III жилд. Юлдузли тунлар. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – Б. 445.

<sup>28</sup> Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б. 5.

айнан, ўша жойда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни бадиий замонда тасвирлайди. Бунинг учун ёзувчига энг муҳим тарихий манба сифатида “Бобурнома” қўл келади. Ёзувчи Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг фожеали ўлимани бадиий макон (микромакон)да қуйидагича тасвирлайди.

“– Ҳазратим, саҳарлик вақти ўтиб кетмасин.

– Сизнинг бўсаларингиз саҳарликдан ширинроқ...

Бегим жиддий гапирди:

– Оға ойим, хоним ойи – ҳаммалари ҳазратимга мунтазирлар.

Фақат Умаршайх Мирзонинг қўлидаги чиний кабутар катакдаги хатардан қутилгандай осойишта бўлиб қолган эди. Ҳозир бутун олам Умаршайх Мирзога мана шу кабутардай маъсум ва осуда туюлди. У том ўртасига бориб, кабутарнинг майин қанотини юзига босди. Уни учиришдан олдин:

– Марғилонга уч, қанотли чопарим! – деб шивирлади.

Тагидан нураб турган жар шу аснода бирдан ўпирилди. Кабутарлар кўнадиган айри ёғоч “шақ” етиб пастга учиб кетди”<sup>29</sup>. Юқорида келтирилган матндаги макон, шу жумладан, микромакон (яъни кабутархона)да содир бўлган воқеа-ҳодисада замон (вақт) қиёфаси ҳам очилади. Романда бадиий макон ва замон узвий боғланган бўлиб, ёзувчининг бадиий-ғоявий концепциясини, эстетик идеалини, миллий дунёқарашни ва тафаккурини акс эттиради. Умаршайх Мирзо ўлими билан боғлиқ воқеа йилнинг ёз фаслида, исломий нуқтаи назардан рамазон ойига тўғри келмоқда. Албатта, рамазон ойи йилнинг ҳар қандай фаслига тўғри келиши мумкин. Романдаги воқеа тасвири бўйича ёз фаслига тўғри келмоқда. Шунингдек, ўша замон нотинч, Умаршайх Мирзо ҳукмдорлик қилаётган Фарғона вилоятига ҳужум уюштирмоқда. Бадиий макон ва замон концепцияси романнинг асосий сюжет воқеаларини юзага келтиради. Асарда шоҳ ва шоир Бобур Мирзонинг характери ё унинг беқлари-маслаҳатдошлари, дўстлари билан мулоқотда, ёки унга қарши турган кучлар билан бўлган кучли жараёнда очиқ берилади. Ёзувчи тарихий шахс образи Бобурни ўзи туғилиб ўсган макон Андижонда тарих саҳнасига чиққан кундан бошлаб то ўлимига қадар бўлган замоний (вақтида)

<sup>29</sup> Қодиров П. Юлдузли тунлар. – Б. 20-25.

воқеа-ҳодисалар жараёнини тасвирлайди. Шунингдек, Бобурнинг шахсий қиёфаси, оилавий муҳити, “ижодкор – шоир, носир, олим сифатидаги маънавий-руҳий дунёси: саркарда, шоҳ, фотиҳ сифатидаги фаолияти – барчаси” романнинг бадиий маконий-замоний концепциясида намоён бўлади.

Бобур образи ҳатти-ҳаракатининг макони ва замони роман сюжетини шакллантирувчи бош омил ҳисобланади. Бобур атрофида кечган барча воқеа-ҳодисаларнинг ўз макони ва замони мавжуд бўлиб, улар тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантиришда муҳим концепция вазифасини ўтайди. Роман сюжетининг бадиий макон ва замон тарихий факт ва мате-риаллардаги ҳаётий воқеа-ҳодисаларга мос келади. Қаҳрамон, персонажларининг ички психологик кечинмаларини ёрқин ифодаланишида муҳим роль ўйнайди.

“Ўшнинг жанубидаги кенг текисликлар, тўлқинсимон қир ва адирлар турли-туман дала гуллари билан безалган.

Бобур олисдаги қорли тоғларга қараб борар экан, тиззага чиқадиган юмшоқ кўкат устида отлар ҳам майин қадам ташлаб бораётганини сезарди. Баҳор нафосати ҳозир унинг кўзини эркалаётган бўлса ҳам, аммо дилига таъсир қилолмас эди. Бояги мушкул зиддиятлар ҳали ҳам хаёлини банд қилиб, кўнглида тугун бўлиб турибди”<sup>30</sup>. Юқоридаги тасвирда Бобурнинг ички ҳис-туйғулари, бетакрор руҳияти, нозик кўнгли макон табиати манзараси фонида очиб берилади. Бу ерда буюк орзулар гирдобидидаги буюк шахснинг маконий-замоний манзарадаги қиёфаси кўринади. Қаҳрамон руҳиятини тасвирлашдаги етакчи восита бадиий макон ва замон бўла туриб, оламнинг бадиий инъикоси мажозий-рамзий образда ифода этилади. Муайян замон билан боғлиқ ижтимоий ҳаётдаги вазият, ўзгаришлар ҳамда унинг қаҳрамон ички дунёси ва ҳиссиёт оламига кўрсатган таъсири замон унсурлари сюжет ривожиди ёрқинроқ, аниқроқ очиқ кўрсатиб берилган. Роман тараққиётида энг муҳим босқичларидан бири ундаги инсон образини шакллантириш ва уни тўлақонли, жонли табиий қилиб

<sup>30</sup> Қодирова П. Сайланма. Уч жилдлик. III жилд. Юлдузли тунлар. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. — Б. 80-81.

яратишдан иборат эди. Бобур шахсига оид тарихий воқеа-ҳодисалар роман сюжетида эпик кўламдорликда кенг тасвирланади. Сюжет майдони бўлақларига киритилган замоний-маконий унсурлари учун муҳит эстетик-бадий вазифани бажаради. Романдаги тарихий муҳим воқеалар ҳам, оддий ҳаётгий ҳодисалар ҳам янги замоний ориентация ва мулоқот зонаси билан боғлиқ, яъни ҳаётгий, ижтимоий-сиёсий, маиший ва мафкуравий жиҳатдан кўрсатилади. Даврнинг ўзига хос қиёфаси, муаммолари ҳаётгий конфликтлар, қаҳрамон персонажларининг руҳий олами, ички кечинмаси сюжетнинг бадий маконий-замоний концепциясида ёрқин намоён бўлади.

Бобурнинг энг катта орзуларидан бири Мовароуннаҳрдаги парокандаликни тугатиб, бобоси Амир Темур тузган, қудратли давлатни тиклашдан иборат эди. Бу орзу бутун умр унга тинчлик бермади. Шу боис ҳам у бир неча бор Самарқандга юриш қилди. Афсуски, шоҳ ва шоир Бобурни ўз орзу-мақсадларини темурийлар тўғри англаб, бир-бирларига кўмак бермадилар. Унинг орзуси эса, орзулигича қолиб кетди. Романда замоннинг ана шундай муҳим муаммолари тарихий факт ва материаллар асосида ифодаланади. “Ёзувчи “Бобурнома”даги даврий тартибни сақлаган ҳолда “Бобур ҳаётини қайта тиклашга интилади”<sup>31</sup>. XV аср замонини, унинг маконидаги хилма-хил воқеа-ҳодисалар жараёни қатламларини акс эттиришга ҳаракат қилгани боис ҳам роман персонажлари сон жиҳатидан “Бобурнома”да қатнашган тарихий шахслар сонига қараб тортилади. Бу қаҳрамонларнинг ҳар бири ўтмишдаги маконда яшовчи кишиларга мос тарзда кийинишади, ўзига хос анъана ва хусусиятларини намоён этишади, миллий-ҳудудий психология, урф-одатлар жонли табиий тасвир этилади. “Ярим тунда Бобур, Қосимбек, Қутлуғ Нигор хоним, Ойиша Бегим, Тоҳир хотини Робия билан бирга яна ўттиз-қирқта бек ва навкарлар Шаҳзода дарвозасига йиғилдилар. Бироқ уларнинг орасида Хонзода Бегим йўқ. Бобур Хонзода Бегимни бирга олиб чиқишни онасига топширган эди.

Қутлуғ Нигор хоним йиғилайвериб овозини олдириб қўйган. Унинг ҳазин товуш билан берган узук-юлуқ изоҳидан Бобур шуни билдики, Хонзода Бегим бувиси билан бирга Чорраҳа

<sup>31</sup> Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб. — Тошкент: Фан, 1992. — Б. 62.

дарвозасига қараб кетган”<sup>32</sup>. Юқоридаги тасвирда замон (вақт) бўлаги ҳисобланмиш ярим тундаги воқеа-ҳодиса ифодланади. Ярим тун бадий замон (вақт) унсури Шаҳзода дарвозаси маконида воқеа-ҳодиса жараёнини юзага чиқариш учун хизмат этади. Романдаги ҳар бир воқеа тизими бадий замон ва макондан, аниқроғи, унинг муайян бир қисмидан ташқарида содир бўлмайди ва ривожланмайди. Макон ва замон унсурлари роман бадий концепциясида ўзаро бирлашиб-туғаниб аниқ бир тарихий даврнинг ягона эпик манзарасини юзага келтиради. Шунингдек, қаҳрамонларнинг руҳий олами ички — қалб диалектикаси, моҳияти, руҳий-маънавий дунё қирраларини ойдинлаштириш, аниқлаш, тасвирлаш вазифасини бажарган. Юқоридаги матндаги воқеа ярим тун замони (вақти)да содир бўлиб, ўз-ўзидан макон (микромакон) тасвирини тақозо этган. Бобур ҳаёти тасвири, ҳаётини воқеалар ифодаси билан яқин ҳолда, унинг оила аъзолари тақдири, оддий меҳнаткаш халқ турмуши, аҳвол-руҳияти, тарихий жараёнларга муносабати орқали ҳам ифода этилади. Бобур юришлардан чеккан жабру жафолар, душманлари томонидан унга нисбатан қилинган хиёнат ва галамисликлар, тўқнаш келган даҳшатли кучлар замонасининг адолатсизликлари, зиддиятлари туфайли шохликдан воз кечмоқчи бўлади. Ҳаётга қўл силтаб тарки дунё қилишга аҳд қилади. Шу боис ҳам бир ғазалида:

Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдим,  
Хаста кўнглим чекмаган дарду балоси қолдим?

деб ёзади. Замонасининг даҳшатли урушлари, тожу тахт учун курашлари Бобур руҳиятига таъсир этиб, унинг хатти-ҳаракатларида ҳам намоён бўлади.

“— У бор кучини гўё кўзларига йиғиб, чўпонга тик қарадию дадил туриб:

— Мен Бобурмен! — деди.

Чўпон қулоқларига ишонмай, унинг яланг оёқларига яна бир қаради:

— Наҳотки, подшоҳ Бобур сен бўлсанг?!

— Ҳа, мен подшоҳ эдим!

<sup>32</sup> Қодиров П. Сайланма. Кўрсатилган китоб. — Б. 201.



— Ҳозир-чи?

— Ҳозир... Тоҷу тахт даъвосидан воз кечдим. Энди фақат шоирона ҳаёт кечирмоқчиман”<sup>33</sup>. Романдаги воқеалардан шуни англаш мумкинки, ёзувчи билан тасвирланмиш ўтмиш объекти ўртасида маълум тарихан тугалланган давр ўтган бўлса-да, у асосий диққат-эътиборни конкрет тарихий шароитни тасвир этишга қаратган. Тарихий воқеалар романнинг бадиий макон ва замонидаги, сюжетида қандай акс этганлиги, факт, материал ва сюжет ўртасидаги мувофиқлик, қаҳрамонлар руҳий оламидаги кечинмаларнинг ёритилиши ёзувчининг ғоявий-эстетик концепциясидан келиб чиқиб тасвирланади.

Маълумки, тарихий асар муаллифи ўзи англаб, идрок этган ўтмиш замон ҳақиқатини, воқеа-ҳодисалар жараёнини, маконнинг нарса-предметини ўқувчига бадиий воситалар орқали етказишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у анча мураккаб ижодий жараёнлар муаммоларини ҳал қилиши, кўплаб тарихий манбалар билан танишиши зарур. Шу боис ҳам тарихий романнинг яратилишида илм, тафаккур ва онгнинг иштироки ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Санъат асарини, аввало, руҳият маҳсули эканлигини инкор этмаган ҳолда эпик тафаккурда онгнинг иштироки муҳимлиги айни ҳақиқатдир. Бизнингча, Пиримкул Қодиров “Юлдузли тунлар” романини ёзиш чоғида ҳам ана шундай ижодий тажрибани ўтказган. Роман бош қаҳрамони Бобур шахсига хос шоирлик, дарвишсифатлик, олижаноблик, бағрикенглик, самимийлик, зукколик, танглик, жасурлик, мардлик ва қаттиққўллик, бир сўзлилиқ, ўжарлик ва қатъий иродалилиқ, истеъдодли давлат арбобига муносиблилик ёзувчи маҳорати орқали кўрсатиб берилади.

Роман сюжетида макондаги нарса-предмет ва деталлар ҳам муҳим ўрин тутган. Маълум бир қисмлар бирма-бир йиғилгач, бирор қурилма ёки иншоот барпо бўлганидек, деталлар мажмуаси ҳам ўзаро бирикиб роман структураси, айниқса, воқеалар тизимини юзага келтиришга хизмат этади. Шунингдек, бадиий замон ва маконнинг кўламдорлиги, кенлиги, уларнинг тарихан аниқлиги, ишончлилиги ҳам намоён бўлади. “Бугун ўн етти кундирки Бобур Ҳиротда

<sup>33</sup> Қодиров П. Сайланма. Кўрсатилган китоб. — Б. 222.

Алишер Навоий истиқомат қилган муҳташам Унсияда янайдди. Унсиянинг баланд пештоқлари, иллий гумбази, офтобда жиловланган ранг-баранг кошчилари Бобурга Самарқанддаги Улуғбек мадрасасини эслагаетди. Лекин Унсиянинг тўрт томонидаги тўртта минораси Улуғбек мадрасасиникидан баландроқ, бинонинг ҳажми ҳам каттароқ эди. Ҳақиқат бундан ўн беш йилчагина олдин қуриб битирилган, ҳали ҳамма безаклари яп-янги эди.

Унсиянинг ичидаги хоналардан бир қанчасини Навоийнинг шахсий кутубхонаси эгаллаган. Бобур кутубхонадаги китобларни варақлаганда, уларнинг баъзи жойларида улуғ шоирнинг дастхатини кўрдию, Самарқандда ундан олган мактубини эслади. Навоийни кўришга муяссар бўлолмагани учун юрагини маъюс туйғулар чулғади”<sup>34</sup>. Бобурнинг энг катта орзуларидан бири ҳазрат Алишер Навоий билан учрашиш эди. Афсуски, тақдир тақозоси туфайли унинг бу нияти амалга ошмаган. Лекин Навоийни ўзига устоз деб билган Бобур у билан бир неча бор хат орқали мулоқотда бўлган. Матндаги макон, шу жумладан, микромакон, яъни Алишер Навоий уйи, “Унсия” тасвирида ўша замон мадрасаларига мос деталлар билан безатилганлигини кўриш мумкин. Навоий кутубхонасидаги китобларни варақлаш жараёнида Бобур шоирнинг дастхатларини учратади. Ана шунда Навоийни кўришга муяссар бўлолмаган Бобурнинг юрагида маъюс туйғулар жилваланади. Романнинг бадиий маконидаги ана шундай нарса-предмет деталлар қаҳрамон руҳий оламини, ички кечинмаларини юзага чиқиши учун муҳим роль ўйнайди. Бадиий макон билан қаҳрамон хатти-ҳаракати, замон воқеа-ҳодисалар жараёни тарихий ҳақиқат фониди ёзувчининг ғоявий-бадиий ниятига мос тарзда ифодаланади. Алишер Навоийдек буюк мутафаккир шоир издошларидан бўлмиш, Бобур ўз асарларини яратишда, давлат ишларини адолат билан юритишда уни (Навоийни) ўзига устоз деб билган. Шу боис ҳам доимо унинг номини ҳурмат билан тилга олган, асарларини севиб мутолаа қилган. Бу борада “Бобурнома”да шундай ёзади: “...ани муносиб кўрмай Алишербекнинг уйларини тайин қилдилар. Ҳирийдин чиққунча Алишербекнинг

<sup>34</sup> Қодиров П. Сайланма. Кўрсатилган китоб. — Б. 238.

уйларида эдим. Алишербекнинг ўлтурур уйлариким “Унсия” дерлар, мадрасаси ва хонақоҳиниким “Хошия” ва “Ихлосия” дерлар...”<sup>35</sup> Романдаги айрим деталлар рамзий маъно касб этади. Масалан, ана шу Алишер Навоий уйидаги, яъни “Унсия”даги жавонга ўхшаш катта соат, у соатнинг тепасидаги жажжи ҳайкалчанинг ҳаракат қилишию, оҳангдор қилиб занг чалиши. “Кутубхона эшиги олдида чиройли бир жавонга ўхшаш катта соат қўйилган. Белгили вақтларда бу соатнинг тепасидаги жажжи ҳайкалча ҳаракатта келадию, олтин болғачалар билан оҳангдор қилиб занг чалади. Бундай соат ясаш ғоясини соатсозга Навоийнинг ўзи айтиб, махсус буюртма берган эди. Кейин Ҳиротда “Алишерий” деб аталадиган занг чалувчи соатлар расм бўлиб кетган эди”<sup>36</sup>. Замон (вақт), ҳаёт ҳам шундай олдинга қараб ҳаракатланади, доимо қайсидир маконда бонг уриб туради, кимлардир бу макон (олам)га келадилар, яшайдилар бир кун келиб, фоний оламини тарк этиб кетадилар. Алишер Навоийга ўхшаган улуғ кишиларнинг ўзлари вафот этган бўлсалар-да, улар яратган буюк ишлар, ихтиролари тирик, доимо ҳаракатда бўлиб, одамларга эзгулик улашаверади. Уларнинг умрибоқийлиги ана шундай хайрли, эзгулик учун қилган ишларида давом этади. Бу ишларда ана шу ноёб инсонларнинг руҳи кезиб юради. Бобур Навоийнинг қўли теккан эшикларни эҳтиётлик билан очар экан, ана шундай ажиб ва ширин туйғуларни ҳис қилди.

Романдан келтирилган матндан замон ўзига хос қиёфасини макон тасвирида, у ердаги деталларни кўрсатиш орқали англаш мумкин.

“Юлдузли тунлар”да макон тасвири бевосита бош қаҳрамон (Бобур) ҳаёти, шахси, унинг атрофида тарихий шахс ишларини, беклар, навкарлар онаси Кутлуғ Нигор хоним, Хонзодабегим сафарлари билан боғлиқ. Маълумки, Бобур умрининг асосий қисми, сарсон-саргардонликда, жангу жадаллар, айниқса, Самарқанд тахтини эгаллаш орзусида бўлган ҳаёти ҳарбий юришларда, дала-дашт, тоғ-тош, қишлоқ-шаҳарлар йўлларда ўтган. Шу боис у “Бобурнома”да ўн бир ёшидан бошлаб, бир йилдаги иккита рамазон ойини бир жойда ўтказмагалигини

<sup>35</sup> Бобур. Бобурнома. — Т.: Юлдузча, 1990. — Б. 170-173.

<sup>36</sup> Қодиров П. Сайланма. Кўрсатилган китоб. — Б. 238.

таъкидлайди. Шунингдек, ўша замоннинг ижтимоий-сиёсий ҳолатини ҳам англаш мумкин. Бундай мураккаб, зиддиятли ҳаёт тарихини бадиий тасвирлаш, табиийки, матнда макон манзараларининг тез-тез ўзгариб туришини, бир жой тасвиридан бошқа жой тасвирига ўтишни тақозо этади.

Романдаги Андижон, Ўш, Қўқон, Кува, Марғилон, Исфара, Хўжанд, Самарқанд, Тошкент, Ҳирот, Қобул, Ўратепа, Деҳли ва ҳоказо каби шаҳарлар ва вилоятлар, Аҳси, Доусия, Ихтиёриддин каби қалъа, боғ ва водийлар матн майдони (макони) кенг эканлигидан далолат беради. Бу маконларда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнида иштирок этган тарихий шахс образлари, уларнинг хатти-ҳаракатлари, ташқи кўриниш қиёфалари, руҳий олами, ички кечинмаларида замон аломатлари намоён бўлади. Бадиий асарда, жумладан, тарихий романда бир макон тасвиридан, иккинчисига кўчишнинг ўзига яраша қийинчиликлари мавжуд. Чунки ҳар бир маконий бирлик муаллифдан ўзига алоҳида эътиборни, экспозиция, пейзаж тасвирларини талаб этади. Тарихий романнинг бундай хусусияти дастлабки бадиий шакл Валтер Скотт романларида ифода этила бошланган эди. Муаллиф романларидаги ҳар бир маконий бирлик аломатларини кенг, ҳар томонлама батафсил бадиий ифодасини, тарихий, этнографик, жўғрофий маълумотларни бирма-бир тавсиф қилади. Шу нуқтаи назардан Пиримқул Қодировнинг “Юлдузли тунлар” романида маконий бирликлар кенг кўламдорликда, замон воқеа-ҳодисалар жараёни билан уйғун тарзда тасвирланади. Маконий-замоний тасвир эпик ёзувчи П.Қодировга воқеа тизимини мукамаллаштириш, ёрқин жозибадор бадиий манзараларни яратиш, шу асосда тарих, ўтмиш даврининг эпик лавҳаларини ҳам, тарихий шахс образи, қаҳрамон, персонажларнинг руҳий олами, маънавий дунёни ҳам чуқур, ҳар томонлама бадиий далилланган ҳолда тасвирлаш имкониятини беради.

“Куз ва қиш ўтиб бораётган бўлса ҳам, бу дарахтлар яшил либосини эмас, “дун” деб аталадиган бағри кенг, сайхон Ҳинд водийлари йил бўйи баҳордагидай кўклам бўлиб турар эди.

Жамна дарёси буйлаб кўплаб томон ҳаракат қилиб бораётган Бобур кўшини Деҳлидан эллик чақиримча шимолдаги Панипат шаҳрига келиб тўхтади”<sup>37</sup>.

Маълумки, “Юлдузли тунлар”да маконий бирлик (микромакон) миқдорини анча кўплиги ёзувчига бир мунча қийинчилик, мураккабликларни келтириб чиқарган. Айниқса, муаллифни ўз ватани бўлмаган, бошқа юртни маконий ва замоний манзарасини тасвирлаш катта бадиий маҳорат талаб этади. Ёзувчи Пиримқул Қодиров бир қадар тажриба ва малакага эга бўлганлиги сабабли Ҳиндистон ўлкасини, удисрдаги Жамна дарёси апрофилаги водийларни баҳор фасли замони (вақт)да тасвирлайди.

Ҳиндистондаги муайян бир макон (жой) тасвирида ўша ўлканинг табиат манзараси, ўзига хос географик хусусиятга эга эканлигини, куз, қиш фасли ўтса-да, баҳорий либосда кўм-кўклиги ифодаланади. Бу билан ёзувчи Ҳиндистоннинг табиатини бошқа ўлкалар (макон)га нисбатан кенг тасвирлайди. Фақат роман бадиий концепцияси талаблари, эҳтиёжига кўра айрим микромакон манзарасига кўпроқ ажратилади, асосий диққат-эътибор қаҳрамон, персонажлар фаолияти, хатти-ҳаракатлари, психологик жараёнга, замон воқеа-ҳодисалар туғенига қаратилади. Ёзувчи романда ҳар бир жангу жадал тарихини, ҳар бир қирғину сулҳ-яраш муносабатларини худди тарихчидай батафсил сўзлайди. Романнинг ҳар бир боби бирор жанг воқеасини қамраб олишга интилади. Натижада сарлавҳага воқеа-ҳодисалар жараёни содир бўлган макон ва замон чиқади. Уларнинг мазмун-моҳиятини белгиловчи сўзлар билан ифодаланади. Романнинг бадиий тили ҳам ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, равон, содда, тушунарли ибора ва тарихий сўзлардан фойдаланилган.

Умуман, эпик кўламдорликка, кенгликка ва тарихий мазмун-моҳият, мундарижага эга бўлган бадиий макон ва замон концепцияси роман сюжетига кучли эмоционал-эстетик таъсир кўрсатган. Романда бадиий макон ва замон манзараси ва эпик сюжетнинг ўзаро мувофиқлиги, уйғунлиги, тарихий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий аҳамиятга эга воқеа-ҳодисаларни ҳам, мозийнинг муайян бир даврида яшаб фаолият кўрсатган метод тамойиллари асосида тасвирлаб берган.

<sup>37</sup> Қодиров П. Сайланма. Кўрсатилган китоб. — Б. 358.

## *Маконий-замоний манзаралар ва бадий тўқима образлар*

Санъат ва адабиётнинг бош вазифаларидан бири ҳаётни, оламни бадий моделини образлар воситасида акс эттиришдан иборатдир. Санъаткор ижтимоий борлиқ, ҳаётни кузатади, ана шу кузатган ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ўз тафаккури, онгидан ўтказади, уларни қайта ишлаб бадий асар мазмунига сингдириб, яна жонли ҳаёт шаклида яратади. Ҳаёт воқеа-ҳодисаларини қайта тиклашда, бадий макон ва замон манзараси муҳим категория ҳисобланиб, инсон образи орқали инкишоф этилади.

Бадий макон ва замон манзараларидаги воқеа-ҳодисалар жараёни, асосан, инсон образи орқали ҳаракатга келтирилади. Шу боис ҳам бадий образ дейилганда, асосан, инсон образи тушунилади ва у адабиётда ҳал қилувчи роль ўйнайди. “Ғоявий-бадий жиҳатдан етук асардаги кишилар образи орқали биз муайян бир замон ва макон воқеа-ҳодисалар жараёни, ҳаёти ҳақида кенг ва аниқ маълумот оламиз. Чунки ёзувчи ўз ғоясини аниқ бир шаклда бериши, изоҳлаши билан бирга дунёқарашини воқеалар заминига сингдириб юбориши керак. Китобхон ёзувчининг ғояси, дунёқарашини ва анъанасини шу воқеалар оламидан ва вазиятлардан англаб олади. Шунингдек, ёзувчининг фикр қарашлари бир нуқтаи назар билан чегараланиб қолмайди, у кўп маъно-мазмунга, ҳаёт каби ранг-баранг бўлади. Ёзувчи субъектидан ўз фикр қарашлари, ғоясини макон ва замонда ҳаракат қилаётган кишилар образи орқали, улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар жараёни ёрдамида ўқувчига сингдирмоқчи бўлади. Мана шу инсон санъат ва адабиёт асарларида образ деб юритилади. Образ кенг маънодаги тушунчадир: “Қадимий славян халқлари... онгида инъикос топувчи нарса, воқеа-ҳодисаларни кимда-ким ўз шакл ва мазмунида қиёфалантириб бера олса, бундай қиёфага образ деб ном беришган... Пайдо бўлиш асосига кўра бу сўз “раз” (чизик) ўзагига бориб тақалади. “Раз”дан “разити” (чизмоқ, йўнмоқ, ўймоқ), “разити”дан “образити” (чизик, ўйиб, йўниб, шакл ясамоқ) ва ниҳоят, ундан эса “образ” ибораси вужудга келиб, аста-секин санъат термини даражасига кўтарил-

ган”<sup>38</sup>. Демак, кенг маънода макон ва замондаги объектив воқеликнинг барча элементлари билан инсон шуурида у ёки бу тарзда инъикос этиши образнинг асосини ташкил қилади. Санъат ва адабиётда образ яратилиш бирмунча ўзгача бўлади. Унда ҳаёт айнан кўчирилган ҳолда инъикос этирилмайди. Оламдаги макон ва замонда кечаётган воқеа-ҳодисалар объектив воқелик ижодкорнинг қалб призмасидан ўтказилиб, ҳиссий олами, шуури, ғоявий позицияси орқали қайта яратилади ва бадиий маконий-замоний манзарага жойлаштирилади. Албатта, бу борада ижодкорнинг билим савияси, ҳаётгий тажрибаси, ўзини англаши, англаганида ҳам ўзини ўзгалар билан, жамияту борлиқ билан алоқада, бутунликда англаш эҳтиёжи билан юзага келади. Умуман, оламнинг бадиий моделини, инсонни тушуниш, ҳис қилиш етакчилик қилади. Бундан кўринадики, макондаги нарса-предмет, замондаги воқеа-ҳодисалар жараёни ҳам образ орқали ифода этиларкан, объектив борлиқ қайта жонлантирилади.

Образ деганда инсон ҳаётининг бадиий манзараси тушунилади. Бадиий асардаги инсон ҳаёти манзараларини тасвирлаш жараёнида намоён бўладиган қуйидаги тўрт хусусиятни англаймиз: а) умумлашмалик, б) конкретлик, в) бадиий тўқимадан фойдаланиш, г) тасвирда таъсирчанликка эришиш. Булар бадиий образнинг асослари бўлиб, улар ўзига хос хусусиятга эгадирлар.

Эпик турнинг энг катта жанри ҳисобланмиш романда инсон образи кенг кўламда, атрофлича мукамал, жонли, тўлақонли ҳолда тасвирланади. Романдаги яна муҳим хусусиятлардан бири бош қаҳрамонни тарбиявий жиҳатларини, эътиқодини, матонатини, бағрикенг самимийлигини ишончли тарзда тасвирлаб беради. Шунингдек, ёзувчининг бадиий-ғоявий концепциясига мос равишда образ танланади. Тарихий мавзудаги роман муаллифининг бадиий маҳоратини кўрсатувчи мезонлардан бири унинг бадиий тўқима имкониятларидан қай даражада унумли ва ўринли фойдалана олишидир. Жумладан, тасвирланаётган макон ва замоннинг ижодкор тасаввуридаги суратини чизишда тўқима образлар

<sup>38</sup> Расулов Т. Бадиий асар қанотлари. – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 3.

муҳим аҳамият касб этади. Чунки тарихий роман қаҳрамони этиб танланган тарихий шахс қанчалик юксак инсон бўлмасин, қанчалик серқирра фаолият кўрсатмасин ёки қанчалик қомусий билим эгаси бўлмасин, ёлғиз ўзи маълум бир ўтмиш макони ва замонидаги воқеа-ҳодисалар жараёнини тўлалигича акс эттира олмайди. Шу боис ҳам ёзувчи асарнинг ғоявий-бадий ниятига хизмат қилувчи қатор образларни асарга олиб киради. Бадий тўқима образи ҳам ана шундай образлардан ҳисобланади. Бадий тўқима образи тарихий шахс ҳақидаги бадий асарда бош қаҳрамоннинг фаолиятини тарихан очиб беришга, характеридаги ранг-баранг қирраларини, руҳий оламида турли хил вазиятларни кўрсатишга хизмат этади. Ойбекнинг “Навоий” романида бир қатор тўқима образлар ҳаракат қиладики, уларнинг бадий макон ва замондаги воқеа-ҳодисалар жараёни ўрни, талқини муаллифнинг бадий мақсади билан белгилангандир. Таҳлилдан кўринадики, “Навоий” романида ёзувчи XV аср замонидаги Хуросон маконидаги ҳаётий манзараларни, мураккаб ва конфликтларга бой ижтимоий-сиёсий даврни ёрқин ифода этади. Навоий образини ёрқин ҳаққоний тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб олган ёзувчи, ўтмиш замон ва макони, воқеа-ҳодисалари билан боғлиқ, ҳаётнинг ижтимоий қиёфаси ва зиддиятларини, унинг ўзига хос характер хусусиятларини, инсон, шоир, мутафаккир ва давлат арбоби сифатидаги қирраларини тўғри тасвирлаш учун фақат тарихий шахсларнигина эмас, балки тўқима қаҳрамонлар образини ҳам романга олиб кирган. Бадий ижоднинг ана шундай талабларидан келиб чиққан Ойбек романга Ҳусайн Бойқаро, Мажидиддин, Низомулмулк, Хадичабегим, Бадиуззамон, Жомий, Биноий каби бир қатор тарихий шахс образлари билан бирга Султонмурод, Зайниддин, Арслонқул, Дилдор, Тўғонбек сингари тўқима образларни ҳам олиб киради. Бу тўқима қаҳрамон образлари адиб ижодий фантазиясининг маҳсули бўлиб, бадий макон ва замонда кенг, ишонарли, жонли тарзда ҳаракат қилиб, бош қаҳрамоннинг характер қирраларини тўлдиради замоний-қимматий муаммоларни ёрқин ифодалашда ёрдам беради. Маълумки, тарихий асарларда макону замон, олам, борлиқ, дунёдаги воқеа-ҳодисалар жараёни майдони жанрлар ва адабиёт



тараққиётининг даврлари бўйича ўзгариб туриши мумкин. У турлича ташкил этилиши, макон ва замонда турлича чекланиши мумкин. Бу макону замон майдони ҳамиша ўзига хосдир. Унда ёзувчи мақсад-ниятига мос қаҳрамон, образ ва персонажлар ҳаракат қилади, тарихий ҳақиқатни бадиий ҳақиқатга айлантиришда муҳим роль ўйнайди. “Навоий” романидаги бадиий тўқима образлар замон стихияси билан туташ ҳолда воқеа-ҳодисалар жараёнида, макон майдонида ҳаракат қилади: “Навоий Султонмуродни бирга олиб уйга кирди, юқорироққа ўтиришга таклиф этса ҳам, Султонмурод узр тилаб, пастроққа ўтирди. Навоийнинг қалбини тушунмаган баъзи одамларда ҳайрат сезилар эди. Улар, бу олача тўнли, фақир ёш муллабаччага бу қадар диққат ва илтифотнинг нима кераги бор экан, деб ўйлар эдилар шекилли. Муҳрдор шоир уй соҳиби бўлганликданми ёки камтарликданми, ҳаммадан пастда ўтирди”<sup>39</sup>. Бадиий тўқима образ тасвир макони майдонида исталган қиёфа ёки ҳолатда пайдо бўлиши, ҳаётнинг реал моментлари, замонда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнида иштирок этиши, ўзга қаҳрамонлар суҳбатига араланиши, асардаги ўзининг душман персонажлар билан очиқ мунозарага киришишлари мумкин. Романдаги Султонмурод образи ҳам ана шундай хусусиятларга эга, бош қаҳрамон Алишер Навоийнинг истеъдодли шогирди замонасининг ўқимишли зиёли кишиларидандир. У ҳам романнинг бадиий макон ва замонида ҳаракат қилиб, бош қаҳрамон Алишер Навоийни характер қирраларини, руҳий оламини ёрқин намоён бўлишида муҳим роль ўйнайди. Навоий билан воқеа-ҳодисалар жараёнида иштирок этиб, характер қирраларини тўлдиради. Юқоридаги роман матни тасвирида воқеа Навоийнинг уйида, яъни микромаконда содир бўлади. Султонмуроднинг буюк шоир ҳақидаги тасаввури, ички ҳис-туйғуларидан, руҳий оламидан ўтади. Шунингдек, бу тасвирда бош қаҳрамон Навоийнинг камтарлиги, бағрикенглиги, илм аҳлига бўлган муносабати кузатилади. Ўша замонга хос муомала маданият, гаплашиши анъанаси қўлланади.

Ойбек ўз қаҳрамонининг бутун фаолиятини қамраб олиб, унинг хатти-ҳаракатларини бадиий макон ва замон

<sup>39</sup> Ойбек. Навоий. – Т.: Ўқитувчи, 1985. – Б. 30.

концепциясида намоён этаркан, бадий тўқима образларини ҳам реал тарихий шахс қиёфаси тарзида беришга ҳаракат қилади. Романда Султонмурод ҳам, Тўғонбек ҳам, Арслонқул ҳам ана шундай замон воқеа-ҳодисалар жараёни, макон майдони бирлигида ҳаракат қилувчи образлардир. Бу тўқима образлар романнинг гоёси билан боғлиқ равишда бош қаҳрамоннинг мураккаб характер қирраларини тўлдирувчи ва очиб берувчи фазилятлар, белгилар билан таъминланган. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, юриш-туришлари, қилиқлари, жамики фаолияти ўзининг ички мантиғига хилоф бўлмай, психологик жиҳатдан далилланган бадий макон ва замон манзараларида кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнига мос тарзда тасвирланган.

Ёзувчи фантазияси орқали роман сюжетига киритилган бадий тўқима образлар ўтмиш замони иерархиясидаги воқеа-ҳодисалар жараёни, макон майдонидаги нарса-предметларнинг тартиби, жорийланишини юзага чиқарувчи воситалар ҳисобланади. Султонмурод образи орқали ўша замоннинг (яъни XV аср) эзгулик, адолат учун курашган Навоийдек буюк алломани мухлиси, илм-маърифат йўлидаги фидойи, Хуросон макони кишисининг сиймоси тасвирланса, Тўғонбек образида эса, ўтмиш замонининг тубан, разил қилмишлари билан, ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган халқнинг қонини ичиб яшайдиган кишилар қиёфаси кўрсатилади. Бу образ ҳам психологик жиҳатдан ишонарли ва тарихан ўзини оқлайди. “Тўғонбек дарахтлар орасидан кўкнинг тиниқ зангорисига қараб, дам мудроқ босиб, дам яна сергакланиб ётар эди. Қишлоқнинг кажава қоринли, юп-юмалоқ оқсоқоли иссиқдан ҳарсиллаб-гурсиллаб етиб келди. Тўғонбек васиқасини кўрсатиб, ўзи ҳеч вақт солиқ тўламаса ҳам ҳамқишлоқларини ҳаддан ташқари адолатсизликлардан кўриқлашга имкони бор қадар уннаб кўрар эди. Тўғонбекнинг афт-башарасидан ва муомаласидан, бунга сўз уқтириш мумкин эмаслигига ишонган бўлса ҳам ётиғи билан сўзлаб, инсофга даъват қилишни фойдасиз кўрмади”<sup>40</sup>. Муаллиф тарихий фактлар ҳақиқатига суянган холда бадий ҳақиқатни намоён этади. Унда тўқима ва фантазия ўтмиш макони ва замони

<sup>40</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 52.

ҳақиқатини, тарихий воқеа-ҳодисалар жараёнининг бутун моҳиятини янада тўлароқ акс эттиришга хизмат қилади. Тўғонбекка ўхшаган кишилар ҳар қандай замонда, ҳар қандай маконда яшайди ва ўзининг қора ниятини амалга оширишда ҳар қандай қабиҳ ишлардан қайтмайди. Л.Н.Толстойнинг фикрича, адабиётда маълум бир тип яратиш учун шу тоифадаги жуда кўп кишиларга хос хусусиятларни танлаб олиб, бадиий бир бутунликка жамлаш керак. Адибнинг таъкидлашича, ёзувчи бирор бир амалдор, савдогар ёки деҳқон образини яратиш учун жуда кўп амалдор, савдогар ва деҳқон ҳаётини ўрганиш, улар яшаган ўтмиш замони ва маконини ижтимоий-синфий қиёфасини, воқеа-ҳодисалар жараёнини, характерли хусусиятларни, урф-одатларни ва бошқаларни бир образда бера олиши керак. Ойбек ҳам “Навоий” романини яратишда XV аср замони кишиларига хос характер хусусиятларни, фазилатларни, маконда, Мовароуннаҳрда кечувчи воқеа-ҳодисалар жараёнини, нарса-предметларини жорийлашиш татрибини яхши ўрганган ва англаб, идрок этган. Тўғонбек каби образларни яратишда ўша замон ва макондаги разил, тубан, ўз манфаатлари йўлида халқнинг тинчлигига, турмуш тарзига раҳна солувчи кишилар ҳақидаги тарихий фактларни яхши билган ва ўша давр қиёфаси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлган романдаги Тўғонбек образи тасвири заминидан юзлаб, минглаб адолатсиз кишиларга хос хислат ва белгилар умумлаштириб, жамлаб беради. XV аср тарихий воқеалар моҳиятини улар юз бераётган замон (вақт)дагидай бадиий идрок этиш, ёзувчидан жуда катта маҳорат талаб қилади. Бу борада у бадиий тўқима образларнинг функциясидан кенг фойдаланиш мақсадида ўтмиш замони, воқеа-ҳодисалар жараёнини реал, ҳақиқий тасвирлашга интилади. Демак, тарихий асар муаллифи ўтмиш воқеа-ҳодисалари ҳақида ёзганда, бадиий макон ва замон манзарасини ҳам инобатта олиб, ўз мақсад-ниятига мос тўқима образларни киритади.

“Навоий” романи сюжетининг бошидан охирига қадар қатнашадиган ва ёзувчи ниятига кўра катта ғоявий-бадиий юк ташувчи Султонмурод ва Тўғонбек образлари икки хил тоифадаги, икки хил дунёқарашга эга бўлган кишилардир. Уларнинг бири инсофли, диёнатли, замонасининг ўқимишли,

маърифатли, адолат учун курашувчи шахс бўлса, иккинчиси, аксинча, ўз манфаати йўлида ҳар қандай қабих ишлардан ҳам қайтмайдиган, имонсиз, диёнатсиз, адолатсиз шахсдир. Бу икки шахс ҳам бир замонда яшайди, ҳаракат қилади: ухлайди, овқатланади, кундалик тумуш ишлари билан банд бўлади, ўйлайди, фикр-мулоҳаза юритади, бир тилда гаплашади. Лекин уларнинг ҳаётга қарашлари, одамларга муносабатлари икки хил, фикрлаши, ўйлаши ранг-баранг. Бу икки образ ҳам бир макон майдони бирлигида фаолият кўрсатади, бир маконнинг фарзандлари. Ёзувчи бундай ранг-баранг тоифадаги, фикр-қарашлари турлича бўлган кишилар ҳар қандай макону замонда мавжуд эканлигини таъкидлайди. Романнинг сюжетида композицион тузилишига мос тарзда танланган бу икки образнинг функциялари бир-бирдан жиддий фарқланади. Султонмуроднинг қизиқувчанлиги, жамият воқеа-ҳодисаларига адолат кўзи билан қарашлиги, эзгулик йўлида фаол кураш майдонига киришиши, замоннинг номаъқул кишилари қилмишлари туфайли азият чеккан Арслонқул ва Дилдор кабиларга ёрдам бериши Навоийдек устоз орзуларини амалга ошириш йўлидаги ҳаракатидир. Унинг бу ҳаракатида келажак замон манзараси ёрқин кўринади.

“Арслонқул дастлаб ўз қишлоғи, тирикчилиги, севгиси тўғрисида сўзлаб, бирдан Дилдор номини тилга олиши билан Султонмуроднинг ранги бўз оқариб, ичдан титроқ босди. Арслонқул ўз дарди билан қоврилиб, ерга қараб сўзлагани учун оламдаги бу ўзгаришларни сезмади. Мирзо Ёдгор воқеаси замонларида бир кечада номаълум одамлар томонидан олиб қочилган ёри ҳақида гапирар экан, Султонмурод унинг бутун азамат гавдасида қайғу барқ урганини фаҳмлади. Кейин Арслонқул Дилдорни Тўғонбек олиб қочганини эшитиб, уни қидириб Ҳиротга келгани, бу ерда тополмай баъзи одамларнинг гумонича, Астрободга боргани, ундан Балхга ўтгани, йўлларда чеккан машаққатлари ҳақида сўзлади-да, уф тортиб бошини кўтарди”<sup>41</sup>. Юқоридаги тасвирдан билиш мумкинки, романдаги сюжет унсурлари ўз-ўзидан юзага келмаган, у бадий замон (вақт) ва макон (жой)нинг уйғунлиги ифодаси ўлароқ намоён бўлган. Роман бадий тўқима образларидан яна бири

<sup>41</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 130.

Арслонқулнинг дастлабки микромакон (қишлоқ)даги тирикчилиги, севгилиси Дилдор ва унинг Мирзо Ёдгор подшолик замони (вақти)да ўғирланиши воқеаси ўзининг (персонаж – Арслонқулнинг) нутқидан ҳикоя қилади. Бундай усул эпик турга хос бўлиб, баъзан эса персонажлар бири тилидан олиб борилади. Роман бадиий замонининг ўзига хосликлари ритм (маром)да тажассум топади. Зеро, табиатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам воқеа-ҳодисалар қандайдир бир маромда такрорланиб, шу такрорлар асносида ривожланиб боради. Фаслларнинг фасллар билан, авлодларнинг авлодлар билан алмашилиши ўзининг замоний чегараларига эга.

Роман ана шу замоний чегараларни, маконий жорийлантиришни, унда яшовчи инсон тақдири, унинг жамият (кенгроқ қаралса – олам) билан ўзаро муносабатини бадиий тадқиқ этиш орқали оламу одам моҳиятини англашга, тушунишга интилар экан, унинг марказида турган қаҳрамоннинг шунга мувофиқ бўлиши тақозо қилинади.

Арслонқулнинг ҳаётидаги фожиавий қисматини эшитган Султонали ранги оқариб, замоний чегараларда, маконий майдонда ҳаракат қилувчи инсониятнинг тубан, қабиҳ ишлари-ю, эзгулик, маърифат ва адолат борасидаги фаолиятини тасаввуридан бирма-бир ўтказди. У қанчалик изтироб чекмасин, Навоийдай буюк даҳолар яшаётган макон (Ҳирот)да адолат пешвоси, инсонпарвар шоир ҳаракат қилаётган замонда, Мажидиддин ва Тўғонбекка ўхшаган диёнатсиз, қора ниятли кишиларнинг бўлиши табиий. Бундай ижобий ва салбий фазилятлар табиатига эга бўлган шахслар ҳар қандай макону замонда бир маромда яшайди, ҳаракат қиладилар. Улар доимо ижтимоий ҳаёт воқеа-ҳодисаларида зиддиятларни юзага келтиради.

Романда тасвирланган ана шундай икки қутб кишилар образидаги конфликт, сюжет воқеаларида қарама-қаршилик шиддатини оширади. Роман структурасида ана шу икки қутб қаҳрамонларининг етакчи ўрин тутиши кўзда тутилган. Уларнинг олам, борлиқ ва унда яшовчи ҳаракат қилувчи инсон, унинг ижтимоий ҳаёт, жамиятидаги маънавий, сиёсий, маиший ва маданий қарашлари ўз ифодасини топади. Ёзувчи романнинг бадиий макон ва замонидан келиб чиқиб, воқеа-

ҳодисаларни эпик қўламдорлик билан ҳикоя қилади. Романда ана шу қаҳрамонлар ҳаётининг турли даврларидан олинган сабаб-натижа муносабатларини кўрсатишга шошилмайди. Бадиий замон (вақт) бўшлиғини, бошқа эпизодлар билан тўлдириб боради. Шу боис ҳам асар сюжети, асосан, олдига қараб ҳаракатланади ҳамда ретроспектив тасвир имкониятларига эга бўлади. Бундай усул ўз-ўзидан қаҳрамонлар фаолиятини тезлаштиради, уларнинг онг ва тафаккур оламини ўсишига кескин таъсир этади. Бу каби жиҳатларни ижобий қаҳрамонларда ёрқинроқ кўриш мумкин. “Арслонқул қудратли гавдасини бир оз эгди. Юзидаги дард, товущдаги ҳаяжон билан бутун воқеани бошдан охиригача айтиб берди. Ҳеч нимани, ҳатто фолбин воқеасини яширмади. Охирида: “Умидим ёлғиз сизда. Элга кўрсатган марҳаматингизни бу бечорадан аяма-гайсиз”, деди-да, Султонмурод ёзиб берган хатни қўйнидан олиб, шоирга узатди. Навоий уни шамга тутиб ўқиди, олимнинг аҳволини сўради. Султонмурод билан унинг ўртасидаги самимиятни эшитиб, хурсанд бўлди. Кейин Дилдор билан йигитнинг илк севишган замонлари, қишлоқлари ва турмушларига доир бир кўп нарсаларни билишга қизиқсинди”<sup>42</sup>. Маълумки, тарихий шахс ҳақидаги бадиий асарларда бош қаҳрамоннинг макон ва замондаги фаолиятини ўтмиш нуқтаи назаридан очиб беришга, характер қирраларини, тафаккур оламини кўрсатишга хизмат қилувчи оддий халқ вакиллариининг образларини ҳам яратади. Бундай образлар маълум тарихий давр фуқароларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи, руҳияти ҳақида маълумот беради, бадиий асарнинг тарихан ишонарли бўлишида муҳим аҳамият касб этади. “Буюк кишилар халқнинг манфаатларини, халқнинг орзу-интилишларини қай даражада ифода эта олган, рўёбга чиқара олган бўлсалар, фақат шу даражада буюқдир,”<sup>43</sup> — деб ёзган эди И.Султон. Демак, бизнинг мақсадимиз тарихнинг буюк сиймосини қанчалик асосий диққатимиз орқали халқнинг ҳол-аҳволини кўрсатишга қаратилиши муҳим. Ёзувчи Ойбек ҳам романда халқ оммасини конкрет кўрсатиб беради. Бунда у бадиий тўқимадан фойдаланади. Бундай ҳолларда муаллифда

<sup>42</sup> Ойбек. Навоий. — Т.: Ўқитувчи, 1985. — Б. 241.

<sup>43</sup> Султон И. Адабиёт назарияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1980. — Б. 201.

тўқима ва фантазия учун катта имкониятлар очилади. Бадиий макон ва замонда ҳаракатланаётган тўқима образ бош қаҳрамон психикасининг ўзига хос хусусиятларини, унинг романда тасвирланган ва унғача вақтга қадар қандай шаклланганини тасаввур қилишга имкон беради. Роман бадиий матнида олижаноб, инсонпарвар давлат арбоби шоир ва буюк аллома Алишер Навоий билан боғлиқ сюжет макони ва замонидаги воқеа-ҳодисалар чизиғи алоҳида бадиий-функционал аҳамиятга эга. Чунки Навоий ҳақида тарихий фактлар асносида ўқувчи унинг қандай шахс бўлганлиги, ўз замонасининг халқи орасида қай даражада обрўга эга эканлигини яхши билади. Замонасининг бой амалдорларига, подшоҳларга адолат билан иш юритишларига қандай таъсир этиб, намуна бўлганлиги бутун жаҳон аҳли учун ҳозиргача маълум. Шу боис ҳам роман бадиий макон ва замонида ҳаракат қилган ҳар бир образ, персонажлар, унинг ички оламини, маънавий қиёфасини, ижтимоий-сиёсий қарашларини очишга хизмат этади. Арслонкул ва Дилдор образлари ҳам ана шундай аҳамиятга эгадир. Романда тасвирланган ўтмиш замони (вақти) воқеа-ҳодисалар жараёни, ўша воқеалар содир этилган макон майдони билан асар сюжет яратадиган замони (вақти) орасида катта фарқ бўлса-да, воқелик муҳим роль ўйнайди. Чунки тарихий асарда бир хилдаги ўтмиш материаллари ва фактлари орасидан энг зарурлари, илмий исботланганлари, асосланганлари саралаб олинади. Айниқса, бадиий макон ва замон манзарасини чизиғида, уни таснифу таҳлил этишда бу нарса жуда муҳимдир. Бадиий макон ва замонга ҳаётий, реал, ҳаққоний воқеа-ҳодисалар асос қилиб олинади. Ана шу ижтимоий ҳаёт ҳаракат қилаётган кишилар асосий образ сифатида танланади. Зеро, борлиқдаги вақт (замон) ўлчовлари аср, йил, фасл, ой, ҳафта, кун, соат, минут, лаҳза, сония улардаги воқеа-ҳодисалар жараёни алмашилиб, такрорланиб, макондаги нарса-предметлар тартибланиши, жорийлантирилиши ўзгартирилиб, янгиланиб бир маромда давомийлик касб этади. Лекин, бу алмашиш, такрорланиш, ўзгариш ва янгиланишларни замоний чегараси мавжуддир. Бадиий макон ва замонда ҳам бундай ҳолни кузатиш мумкин. “Навоий” романига асос қилиб олинган ўтмиш замони воқеа-

ҳодисаларни кузатадиган бўлсак, макон майдонининг ўзгарувчанлиги ва алмашувчанлигини кўрамиз. Эпик кўламдорлик сюжет унсурларини Мовароуннаҳрнинг турли шаҳар ва қишлоқларида содир этилган воқеа-ҳодисаларни қамраб олишга имкон яратди. Ёзувчи романидан ўрганилган, анланган, идрок этилган, ҳис қилинган тарихий воқеалар, роман макон ва замонда қайта тасвирланади. Бу қайта яратилган борлиқ-макон ва замонда муаллифнинг ўзи ҳам ҳаракат қилади, онгли тафаккур билан фикрлайди. Чунки “романнинг бадиий воқелиги муаллиф кўзи билан кўрилган ва идеал асосида қайта яратилган борлиқ экан, у қанчалик объектив тасвирланмасин, барибир ижодкор субъектини ўзида акс эттираверади. Зеро, муаллиф субъекти роман ситуациясидаёқ, яъни унда персонажларнинг жойлаштирилишию ҳар бирининг асар воқелигида тутган мавқеидаёқ кўзга ташланади”<sup>44</sup>. Бунга амин бўлиш мақсадида, Ойбекнинг “Навоий” романи яратилиш жараёнига бир назар ташлайлик. У бу романни ёзгунга қадар, Навоийнинг адабий ва илмий меросидан ташқари бир қанча тарихий манбалар билан танишган. Бу танишиш жараёнида роман сюжет композициясига мос тушадиган воқеа-ҳодисалар макони ва замонини саралаб олган. Бу ҳақда муаллиф шундай ёзади: “Кўп фактлар, материалларни йиғдим, уларни таҳлил этиб, мағзини чақиш учун чуқур ҳис этишга, ўйлашга бошладим. Бу ишга шу қадар ғарқ бўлган эдимки, романнинг иш плани қоғозда йўқ эди, у менинг кўнглимда эди, бутун борлигимни банд этган эди. Юрсам-турсам Навоийни ўйлар эдим. Унинг маънодор ақли, кўзлари, хушфёъл, раҳмдил, олижаноб қиёфаси, асл, пок, улуғ қалбини ҳис этардим, ўзимда кўрардим. Унинг теран, нозик фалсафий фикрларини тўла тушунишга уринардим. Роман персонажлари ҳақида уларнинг характерлари, бир-биридан фарқи, бир-бирига муносабатини равшан, яққол бериш устида хаёл юритиб, образларни торашлардим”<sup>45</sup>.

<sup>44</sup> Эсалняк А.Я. Об особенностях романной структуры // Принципы анализа литературного произведения. — М., 1984. — С. 99.

<sup>45</sup> Ойбек. Асарлар. Ўн томлик. Т.9. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. — Б.41.



Маълумки, буюк кишиларнинг ибратомуз ишлари доимо авлодларга қаратилган юксак маънавий тушунча ҳисобланади. Ўтмиш замонда авлодларга қарата бонг урилган буюклик, тарихга айланса-да, жонли мушоҳада ва мулоқотда бўлмаса-да, аммо хотиранинг объектига айланади. “Хотира оламида ҳодиса тамомила ўзига хос контекстга, тамомила ўзига хос қонуниятлар шароитларига, жонли мушоҳада ва амалий ҳамда фамиляр мулоқотлар дунёсидагидан бошқачароқ шароитларга тушади”<sup>46</sup>. Ёзувчи Ойбек ҳам гигант шоир Навоийни ўз хотираси, хаёлида дастлаб жонлантиради. Унинг ташқи ва ички қиёфа кўринишини – портретини чизади. Шунингдек, илм-фан ҳомийси, эл-юрт тақдири учун жон куйдирган гуманист шахс Алишер Навоийни XV аср замонининг кескин зиддиятлари фонида эпик қўламдорлик билан ифода этади. Ёзувчи “Навоий” романини ёзувчига қадар кичик жанрларда ҳам шоир ҳақида бадий асарлар ёзган. Жумладан, “Навоий” достони, “Алишернинг болалиги” қиссалари каби. Бу асарлар роман яратилиши учун хамиртуриш вазифасини ўтаса-да, лекин муаллифнинг ният-мақсадини тўлалигича юзага чиқара олмаган. Шу боис ҳам Ойбек “Навоий” романига қадар ёзган, шоир ҳақидаги асарларидан қониқмаган. Натижада, эпик турнинг катта хатли жанри романда Навоий сиймосини яратган. У эпик ўтмиши орқали Навоийни ва шоир яшаган макон ва замон воқеа-ҳодисаларини бадий идрок эта олган. Романда бадий идрок ва умуман, тасвир тўлалигича ўз ичига қамраб олинган. Романда бош қаҳрамон билан боғлиқ хотирлашга арзигулик нарсалар, авлодлар хотирасида сақланиши керак бўлган макон ва замонда кечган воқеа-ҳодисалар, нарсалар-предметлар бадий сўз воситасида тасвирланган. Романдаги образлар системаси (у хоҳ тарихий шахс бўлсин, хоҳ бадий тўқима бўлсин) муаллиф концепциясига мос ҳолда ташкилланади, бадий макон ва замонда ҳаракатланади. Ёзувчининг ягона тасвир услубига бўйсуниб, бир-бири билан узвий муносабатга киришиб, ўтмиш замонини, давр ҳақиқатини очишга тўла хизмат қилади. “Навоий” романида бундай муштарак жиҳатларни сюжет чизигининг бир қатор

<sup>46</sup> Бахтин М.М. Эпос и роман // Вопросы литературы и эстетики. – М.: 1975. – С. 364.

ўринларида кузатиш мумкин. Романда инъикос этилган макон ва замон ҳар томонлама тўлалигича ифода этилган. Макон ва замоннинг воқеа-ҳодисалар жараёни роман шакли ва мазмуни билан алоқаси, конкрет тарихий факт, материал асосида ёритилган. Роман сюжети композициясида уч замон воқеа-ҳодисалари ҳаракат қилади. Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг роман воқеалари бошлангунига қадар бўлган ҳаёти ўтмиш манзаралари. Навоий ва Бойқаро иштирокидаги, ҳаракати билан боғлиқ, сюжет линияси. Навоийнинг ёш дўстлари, шогирдлари Беҳзод, Султонмурод, Зайниддин Арслонқул ва Дилдор билан боғлиқ келгуси замонга. Маълумки, ҳар қандай бадиий асардаги образлар ситемаси, муаллиф ният-мақсадига, асар концепциясига мос тарзда танланади, сюжет ва композицион тузилишида воқеа-ҳодисаларни намоён этиш усулига қараб киритилади. Жумладан, роман сюжетига киритилган ҳар бир қаҳрамон, образ, персонаж турли воқеа-ҳодисаларда, эпизодларда (гоҳо улар катта бўлсин, гоҳо кичик бўлсин) уйғунлашади, боғланади, муаллифнинг ғоявий-бадиий нияти ва ижросига, концепциянинг ифодаланишига хизмат қилади. “Яъни, романдаги ҳар бир унсур жумладан, ҳар бир персонаж ҳар вақт ягона марказга интилади (“Центростремительности” — Затонский)ки, ўша марказ сифатида муаллиф концепциясини кўрсатиш мумкин”<sup>47</sup>.

Ёзувчи Одил Ёқубов ҳам “Улуғбек хазинаси” романига ўз идеали, ғояси, концепциясига мос тарзда образлар ва воқелик танлайди, борлиқни яхлит бадиий моделини яратиш учун макон ва замон манзарасини яратади. Шунингдек, роман структурасидаги ҳар қайси образнинг (тўқима образларни ҳам) бунда муайян роли, ўрни хизмати бор, макон ва замоннинг бадиий образи шу катта-кичик образлардан ташкил топган бутунликдир. Ёзувчи тарих руҳиятини тушунтириш, даврнинг суронли курашлари манзарасини чизишда бадиий макон ва замонда ҳаракат қилган қаҳрамон, уларнинг тилига, психологик оламига диққат-эътиборни қаратади. Юқоридаги мақсадга йўналтирилган ҳар бир образ хоҳ тарихий шахс

<sup>47</sup> Бу ҳақда қаранг: Затонский Д. Искусство романа XX века. — М., 1973.

бўлсин, бадий тўқима бўлсин муайян бир бадий макон ва замон концепциясида ҳаракат қилади. Айниқса, романда тўқима образнинг ўрни, аҳамияти жуда муҳимдир. Романдаги ҳар бир тўқима образ, Али Қушчи ҳамда Қарноқий ва Хуршидабону ўз йўналишида ривожланади ва тараққий топа борган сари аниқроқ, равшанроқ ва энг асосийси, ўзига хос қиёфа-кўринишга эга бўлиб боради. Ёзувчининг ижодий-бадий ниятига мос равишда киритилган бадий тўқима образлари бадий макон ва замон тасвирида бош қаҳрамон билан боғлиқ сюжет воқеаларини юзага чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Эътиборли жиҳати шундаки, роман воқеасининг бошланишиёқ бадий тўқима, яъни Али Қушчи чапдастлик билан ўқ узган, унинг ўқи ўкириб осмонга сапчиган йиртқичнинг кўзига тегиб, аъло ҳазратлари омон қолган эди. Шу-шу устод уни кўрганда “ҳалоскорим” деб ҳазиллашарди...” Романда Улуғбек Мирзо билан боғлиқ ўтмиш замони воқеа-ҳодисалари Али Қушчининг хотира, хаёлотида қайта жонлантирилади. Ҳақиқий ҳаётий реал заминда юз берган Улуғбек Мирзо билан боғлиқ айрим воқеа-ҳодисалар бадий тўқима образи ҳисобланмиш Али Қушчининг хотира-хаёлотида қайта тикланиб эпизодларда тасвирланади. Роман эпизодида хотирлашга арзигулик воқеа-ҳодисалар тасвирланади. Юқоридаги матн тасвирида олампамоҳ Мирзо Улуғбек билан Али Қушчининг Жайхун (Амударё) бўйлари маконидаги учрашуви фабула замони (вақти)да кўрсатилади. Ов пайтидаги тасодифий ҳодиса туфайли Али Қушчининг кўрсатган маҳорати Улуғбек Мирзони ҳалокатдан сақлаб қолади. Матн воқеа-ҳодисаси содир этилгандаги вақт (замон) қаҳрамон (Али Қушчи) фикрларининг бир хилдаги оқими ритмига мувофиқдир. Роман сюжет замонидаги (вақтидаги) воқеа-ҳодиса кундалик ҳаётидаги макон ва замон билан биргаликда қаҳрамон Улуғбек Мирзонинг бутун ҳаётини қамраб олувчи яна бир “ўзга” сюжет линиясини ҳосил қилувчи хотира — ақл, онг маконида унинг кульминацион тўхталиши билан характерланади. Ёзувчи “ақлга мувофиқ эзгу” ибтидони Улуғбек Мирзонинг бу борадаги ҳаракатларини, ишларини кўрсатиш, жонлантириш, уйғотиш мақсадида Али Қушчининг хаёлий, хотира маконига жойлаштириб, уни ҳаётнинг одатдаги

реал кундалик замонида ҳаракатлантириб ҳаётий воқеа-ҳодисалар вазиятини яратди. Макон ва замондаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар романда ҳаётий воқеа-ҳодисаларни бир маромда замоннинг такрорланиб туришига эътиборни жалб қилади ва инсон “мен”ининг мураккаб, ўзгарувчан табиатини ўзида акс эттиради. Тарихий романда биринчи турадиган эпик таҳлилийлик принциплари Улуғбек билан боғлиқ фожеаларда грамматик жиҳатдан ҳозирги замонда содир бўлаётгандай этиб тасвирланади. Тарихий романда ўтмиш замонининг ҳар қандай томонларини, ҳар қандай усуллар ва воситалар билан тасвир этиш анъана ҳисобланади. Адабиётнинг асосий материали ва қуроли бўлган тил ҳам ана шундай аҳамиятга эга. “Улуғбек хазинаси” романи ҳам, ўзбек адабий тилининг тарихида шаклланган сўз, ибора, жумла, умуман, грамматик хусусиятини ўзида мужассам этган. Роман структурасида тарихий грамматика меъёрлари муҳим роль ўйнаб, характерлар, сюжет, композиция ва бошқа компонентларнинг шаклланиши учун алоҳида аҳамият касб этади. Романда инъикос этилган макон ва замондаги воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати, ташқи қиёфа-кўринишлари тил орқали тасвир этилади, ўтмиш замонида бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар, персонаж ёки муаллиф нутқи орқали ўтган замонда ё ҳозирда бўлаётгандек ифода этилади.

## ИСТИҚЛОЛЛДИ РОМАНЛАРИДА МАКОН ВА ЗАМОН МАСАЛАСИ

### *Бадий макон ҳамда бадий замонда давр муаммоси ва инсон талқини*

Ўтмишга айланиб улгурган йигирманчи аср инсоният учун катта тараққиёт юз йиллиги бўлиши билан бирга башарият олдига ечими мушкулроқ бўлган бир талай муаммоларни кўндаланг қилиб қўйди. Инсоният табиати ўзгарувчан бўлганлиги боис бу аср ютуқларига ҳам, камчиликлари ва муаммоларига ҳам чидаб, сабр-тоқат билан бардош берди. Ҳар соҳада бўлгани каби адабиёт, санъатда ҳам юксак ютуқлар ҳамда бир талай йўқотишлар содир этилди. Жумладан, минг йиллар давомида, асосан, Шарқ халқлари адабиёти анъаналари таъсирида ривожланган ўзбек адабиёти “XX аср бошларида у янги бир маънавий оламга, Оврўпа маданияти, адабиёти тажрибаларига юз бура бошлади”<sup>1</sup>. Ўз-ўзидан бу ҳодиса миллий адабиётимизни янги-янги ютуқларга эришишига имконият яратди.

Маълумки, ҳар бир давр адабиётининг етакчи хусусиятлари, анъаналари, услуб ва шакллари ўша давр етиштирган йирик адабий фигуралар ижодида ўзининг мужассам ифодасини топади. Ўзбек реалистик насрининг шаклланиш даврида самарали ижод қилиб, унинг тараққиётига сезиларли улуш қўшган санъаткор Абдулла Қодирий: “Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш дostonчилик, романчилик, ҳикоячиликларда ҳам янги асарлар яратишга, халқимизни шу замоннинг “Тоҳир ва Зухра”лари билан таништиришга ўзимизда мажбурият ҳис этамиз”<sup>2</sup> дея таъкидлайди. Том маънода XX асрнинг биринчи чорагидаги ўзбек адабиётини изланиш ва янгилашни адабиёти дейиш мумкин. Ўз даврида адибларимиз ўзбек реалистик насрининг

<sup>1</sup> Каримов Н ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1999. – Б.3.

<sup>2</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б.3.

тасвир ва ифода имкониятларини кенгайтириш йўлида самарали излангани, хорижий адабиётларга хос поэтик воситаларни миллий адабиётимизга дадил татбиқ қилганликлари маълум. Фарб ва Шарқ адабиётларининг бадиий ютуқлари ва тажрибалари мужассамланган романчилигимиз ўзига хос жиҳатлари, ранг-баранг хусусиятлари билан жаҳон адабиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Айниқса, ўтган асрнинг “80-йиллари охирларига келиб аср одамлари умри ва фаолиятининг бемаънилигини ўзига хос тарзда дадил ва яққол акс эттирувчи”<sup>3</sup> романлар дунё юзини кўрди. Бу борада ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романи ўзбек насрида алоҳида ўрин тутади.

Маълумки, ҳар қандай миллат адабиётининг инсоният эстетик тафаккурига кўшган ҳиссаси ундаги романчиликнинг салмоғи билан белгиланади. Ўзбек романчилигига асос солинганига салкам юз йил бўлаётганлиги сабабли миллатнинг бадиий эстетик бойлиги саналмиш миллий романчилигимиз мазмун-моҳияти ва шакл, услублари билан бойиётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Чунки “роман ҳали тугал шаклланмаган, ўзгариб ва камол топиб бораётган эпик жанр ҳисобланса-да”<sup>4</sup>, у инсон, миллат, халқ тарихини тасвирловчи, миллатнинг бадиий тафаккурининг қай даражада юксалганлигини намоён этувчи ижод намунаси бўлиб келмоқда.

Ўзбек халқининг фикрлаш тарзи, оламни эстетик идрок этиши ва тасвир ҳар бир даврда ўзига хос кўринишда намоён бўлди. Роман жанри ифода усуллари жуда кўп ўзгаришларга дуч келган бўлса-да “аммо ундаги бир жиҳат — инсон, шахс жумбоғи, бу жумбоқни ечишга интилиш, инсон ҳаёти моҳиятини англашга, шахс табиати, руҳиятини”<sup>5</sup> реал воқеа-ҳодисалар асносида бадиий макон ҳамда бадиий замонда

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Д.Қуронон. Романнинг янги умри (проф. У.Норматов билан суҳбат) / “Адабиёт надур” ёки Чўлпоннинг мангу саволи. — Т.: Зарқалам, 2006. — Б.101.

<sup>4</sup> Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. — М.: Художественная литература, 1986. — С.393.

<sup>5</sup> Норматов У. Шахс жумбоғи / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. — 2001. 19 январь.

тафтиш ва таҳлил этишга уриниш деярли ўзгаришсиз қолди. Ўтган асрнинг 80-йилларида “бутун бошли ижтимоий тузумнинг, шу тузум учун ҳаётини тиккан шахс фаолиятини, моҳиятини бемаънилигини изчил тарзда таг-туги билан очиб берувчи асарларнинг пайдо бўлиши учун шароит”<sup>6</sup> яратилган эди.

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романида XX аср реал макон ва замонидаги кишиларнинг турмуш тарзи, умри, фаолияти, улар амал қилган анъаналар, ақидалар, яшаган давр ва муҳитнинг қай даражада аянчли, фожиали, бемаънилиги бадиий макон ҳамда бадиий замонда алоҳида талқин этилади. Романнинг сюжет вақтига ўтган асрнинг бошларидан то саксонинчи йилларигача бўлган реал воқеа-ҳодисалар асос қилиб олинади. Сюжет воқеаларининг макони сифатида ўлкамизнинг шаҳар ва қишлоқлари, роман қахрамонлари Яхшибоев ва Ошнолар туғилиб ўсган “Булдуруқ” (рамзий маънода қўйилган), “Ўрта кўрғон” - Самарқанд ва Тошкент олинади.

Маълумки, инсон ҳаётида содир бўладиган ҳар бир ҳаракат, воқеа вақти билан боғлиқ ҳолда кечади. Вақт ўтмиш, ҳозир ва келажак тушунчаларини ўз ичига оларкан, ҳодиса ёки кечинмалар қандайдир вақт бирлиги ичида содир бўлади. Бадиий адабиётда эса бу ҳодиса бир мунча мураккаброқ шаклларда акс этади, чунки асардаги воқеа-ҳодисалар ҳар доим ҳам бирин-кетин хронологик тартибда содир бўлавермайди. Бу борада “Лолазор” романига мурожаат этадиган бўлсак, бадиий вақт (замон) ҳамда бадиий макон асар персонажларининг хатти-ҳаракати, уларнинг характер-кайфияти, портрети ҳамда асар сюжет ва композицияси орқали юзага чиқади. Романда инсоннинг ботиний туйғулари қахрамонларнинг ўй-кечинмалари, уларнинг саъй-ҳаракатлари орқали кўрсатилади. Инсон қалбининг сиртдан сезилмаган ботиний ҳаракатлари, ғаддор ва нозик туйғулари ҳақида гувоҳлик берувчи энг табиий реал макон ва замонда кечувчи ҳаётини, яъни XX аср воқеалари гоҳ муаллиф тилидан, гоҳ персонажлар Саидқул Мардонов ҳамда Назар Яхшибоев тилида ҳикоя қилинади.

<sup>6</sup> Каримов Н ва бошқ. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1999. – Б. 54.

XX асрдаги ижтимоий-тарихий шароит ўзига хослиги: дастлаб янги давр, миллий уйғониш, ўзликни англаш ҳаракатининг бошланиши, кейинроқ ўлкада инқилобий ҳаракатларнинг авж олиши, ўттизинчи йилларда эса, ер-сув-ислоҳоти, коллективлаштириш, мамлакатни саноатлаштириш билан бирга мислсиз қатағон ва қирғинлар, қирқинчи йиллардаги иккинчи жаҳон уруши, фашизм устидан қозонилган ғалаба, шахсга сиғиниш ва унинг оқибатларининг тугаши, етмишинчи-саксонинчи йиллардаги турғунлик даври иллатлари, ошкоралик ва демократик ҳаракатлар, истиқболга эришиш каби ҳодисаларга бойлиги билан ажралиб туради. Романда бадиий макон ҳамда бадиий замонда ана шундай реал ҳаётда кечувчи воқеа-ҳодисалар ўз ифодасини топади.

Адабиётшунос М.М.Бахтин ишларида тилга олинган ҳодиса “онг оқими” (поток сознания) қўлланила бошлагандан сўнг адабиётшуносликда хотира вақти тушунчаси ҳам юзага келди. Бунда қаҳрамон хотираси унинг шу кундаги турмуши билан боғлиқ ҳолда тасвирлангани учун хотира вақти сюжет вақтидан ташқарида қўрилмайди, балки унинг хотирада келтирилган воқеалар баёни сюжет элементлари сифатида тасвирда сақлангани учун ҳам хотира вақти сюжет вақтининг таркибий қисми сифатида қаралади. “Лолазор” романида ҳам хотира вақтидаги воқеалар асар сюжетининг асосини ташкил этади. Роман қаҳрамони Назар Яхшибоевнинг реал ҳаётда бошдан кечирган воқеа-ҳодисалари хотираси орқали қайта жонланади:

“Аслида у пайтлар айбим йўқ эди: аҳил эдик, шаҳар четида, ижарада, ғариб бир кулбада, баджаҳл бир кампирнинг ғазабидан ҳайиқиброқ яшардик. Кулбанинг тагидан ариқ ўтарди, тунлари каламушлар чийиллаб безор қиларди. Муҳсина кўрқарди, мен юпатардим, аҳил эдик... Нега аҳилликни такрор ўйладим? Ичим ачидими? Эҳтимол, эҳтимол... Алам қиладигани ҳам аслида шу — эркинлик бўлмагани”<sup>7</sup>. Роман сюжетининг юзага чиқишида бадиий замон ҳамда бадиий маконнинг ўрни ва аҳамияти катта. Асардаги макон ва замон тасвири орқали қаҳрамоннинг руҳий олами, хатти-ҳаракати, ўй-кечинмалари, фикр-мулоҳазалари ифодаланади. Яхшибоевнинг кўнгили қийноқлари, изтироблари, ўтмишдаги афсус ва надоматли

<sup>7</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. — Т.: Шарқ НМАК, 1998. — Б.12.



ҳис-туйғулари хогира вақтидаги ўйлари орқали бадий макон ва замонда намоён бўлади. Яхшибоев хогира вақтида ўтмишига чуқурроқ назар ташлайди, бошидан ўтган ҳар бир яхши-ёмон воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилади. Инсон доимо теварак атрофидаги содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўз дунёқарашидан, эстетик идеалидан келиб чиқиб муносабатда бўлади. Адабиётшунос олимнинг таъкидлашича, инсон ўз атрофидаги макон ва замоннинг марказида фаолият қилади. Яхшибоевнинг “менлик ҳисси” ана шундай вазиятга келтирганди. Охири-оқибатда “азоб берадиган хогирадан” қоча олмасдан кўнгил оғриғига дуч келганда ўтмиш замонига назар ташлайди. Унинг ички оламидаги дилининг тубидаги ҳис-туйғулари, ўй-кечинмалари, замон ва макон тасвири билан уйғунликда ифодаланади. Ёзувчининг Яхшибоев характеридаги айни шу жиҳатга қайта-қайта диққатни жалб этиб, тасвирлаши бежиз эмас. Қаҳрамоннинг дилидаги “мен ҳисси”ни намоён этиш, ўзини ижтимоий ҳаётдаги, жамиятдаги ўрнини англашга интилиш, қўйилган хатоларни тан олиб, рўй-рост таҳлил этиш муҳим мақом ҳисобланади. Ўша давр ижтимоий муаммоларини акс эттирувчи ҳозиржавоблик руҳида ёзилган “Жимжитлик”, “Оқ қушлар, ошпоқ қушлар”, “Соҳилини йўқотган дарё” каби асарлар пайдо бўлдики, “улар ўз замонаси ўқувчиси чанқоғини қондирди, дедик. Лекин бадий асар, айниқса, эпик тафаккурнинг энг қудратли маҳсули бўлмоғи талаб этиладиган романнинг вазифаси фақат шу билан чекланадими? Ўқувчи чанқоқлиги фақат ижтимоий муаммолару муайян даврга хос ҳақиқатларни билишга қизиқувдангина ташкил топадими? Ахир, “ҳар кишининг ўз замони ва ўз Ошноси бор, ҳар киши ўзича бир буюк куткуга” дуч келмайдими? Ҳар биримизнинг шахсий табиатимиз — характеримиз, кўнглимиз, дилимиз, истак-хоҳишларимиз... бир сўзга жамлаб айтсак, нафсимиз — бизнинг доимий ошномиз-ку! Ундан қайга қочиб қутуламиз? Бу — Шиванинг қўлларидай кўп қўлли Ошнонинг панжаларидан халос бўлишнинг имкони борми ўзи?”<sup>8</sup>. Ҳар бир даврнинг ўз Ошнолари, ўз Яхшибоевлари, ўз Курбонойлари-ю, Чоршанбилари бўлади. Шу боис ҳам “Лолазор”

<sup>8</sup> Бу ҳақда қаранг: Кўчқор Р. Искандару Доролардан қолган латифа / М.М.Дўст. Лолазор. — Т.: Шарқ НМАК, — Б. 554.

романига қайта-қайта мурожаат этилиши бежиз эмас, албатта. Юқорида тилга олинган романлардан фарқи ҳам шу.

Маълумки, “эпик асарда пластик элементлар билан бир қаторда но plastik элементлар ҳам мавжуд бўлиб, бу элементлар муаллиф образини тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади”<sup>9</sup>. Яъни эпик асарнинг но plastik элементлари дейилганда муаллифнинг фикр-мулоҳазалари, мушоҳадалари, тасвир предметиға ҳиссий муносабати кабилар тушунилади.

“Лолазор” романини ўқир эканмиз, юқорида келтирилган ўша даврга ҳозиржавоблик руҳида ёзилган романлардан нимаси билан фарқ қилади деган саволға дуч келамиз. Бунга, албатта, бир неча сабаблар мавжуд. Маълумки, ҳаётда реал вақтни орқаға қайтариб бўлмайди, бадиий асарда эса аксинча: узоқ ўтмишға, тарихға ёки кечаги кунға қайтишға иложи бор. Юқорида тилга олинган “Жимжитлик”, “Оқ қушлар, оппоқ қушлар”, “Соҳилини йўқотган дарё” ва “Лолазор” каби романлар ўтган асрнинг саксонинчи йилларида ёзилган бўлиб, кечаги кун (ўша замон учун) замони воқеаларини акс эттиради. Юқоридаги тўрт романда ҳам йигирманчи асрнинг саксонинчи йилларигача бўлган юртимиз макони ва замонида кечган воқеалар ижтимоий муаммолар, даврга хос ҳақиқатлар тасвирланади. Аммо бу романлар орасида “Лолазор” характерларнинг табиийлиги, ишончилиги, кенг қамровлиги, сюжет воқеаларининг инсон қисмати, фожиасини, психологик оламини ёритишда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу боис “Лолазор”да вақт ўтмишдан қатъи назар эсда қоларли характер ва воқеалар талайгина. Роман ёзилганлигига ҳар қанча вақт ўтмасин сюжет тизимидаги воқеалар, характерларнинг ранг-баранг қиёфалари, табиий жонли очилган руҳий олами зукко ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Бадиий асардаги мавжуд уч ўзаро боғлиқлик нуқталари муаллиф — қаҳрамон — китобхон муносабати орқали бадиий макон ҳамда бадиий замон концепцияси ўз аксини топиши мумкин. “Лолазор” романида персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, макон ва замон муносабатлари бадиий вақтни юзага келтиришда иштирок этади. “Ўртақўрғонда биринчи қишдан эсон-омон чиқиб олдилар. Маишатлари аввалгидай

<sup>9</sup> Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. — Т.: Ўқитувчи, 2004. — Б. 168.

тангроқ эди. Ернинг қори кетиб, толлар баргак таққан маҳали Ошно ёлғиз ўзи Булдуруққа бориб келди: нонқоқи, туршак, бир халгача қурт келтирди. Қишлоқдаги янгилик шу эканки, колхоз раиси қайтиб турмабди. Ҳотам Шўро колхозга раис бўпти, мулла Гаффорни котиблиқдан туширишибди, ҳозир қишлоқ шўросига Очил сариқ, котиблигига Восит карвоннинг ўғли Эшбек сайланибди, қолганлар ҳаммаси жой-жойида, ҳаммаси соғу саломат, кўпдан-кўп саломлар йўллапти”<sup>10</sup>. Роман матнидаги вақт фақат йил билангина кифоя топмайди. Фасл, ой, ҳафта, кун, тун, ҳатто дақиқа сониялар ҳам матнда ўз бадийий функциясига эга. Юқорида келтирилган матнда ҳам марказий қаҳрамон Ошнонинг баҳор фаслида ўз туғилиб ўсган она қишлоғи Булдуруққа бориб келганлиги ва яна Ўртақўрғон шаҳрида дўсти Назар Яхшибоев билан биргаликдаги фаолияти тасвирланади. Бу ерда макон ва замон уйғунликда муносабатда бўлиб, роман сюжет вақтини юзага келтиради. Ана шу сюжет персонажларнинг ўзаро суҳбатлари орқали ўқувчи учун бир қанча муҳим янгиликлар аён бўлади. Макон ва замон сюжетни шакллантириб (аниқроғи, давомийлигини таъминлаб), қаҳрамон, персонажларнинг ҳаракатлари, психологиясини юзага чиқариш ишига ёрдам беради. Шу боис романда вақт (замон) ва макон масаласига алоҳида эътибор берилган. “Лолазор” романида макон ва замон қуйидагича ифода топган: Романда иккинчи даражали персонажларнинг хатти-ҳаракатлари, уларнинг марказий қаҳрамонлар билан ўзаро боғланиши, муносабати, сюжет вақтидаги ўрни, вазифаси аниқ кўринишга эга бўлишида муҳим роль ўйнайди.

“Эрталаб ҳаммаси оёғи куйган товуклардай зир югуриб қолишди. Ҳамширалар, врачлар, доценту профессоргача — уни йўқлаган, соғлиғини суриштирган. Гўё касалхонада ётган одамдан шуни сўраш шартдай!.. Яхшибоев аввалига аччиқланди, кейин тушунди. Масаланинг моҳияти шу эканки, бош врач қабулхонасига телефонограмма тушибди: “Ўртоқ Яхшибоев 12.00 да ўз жойида бўлсин”. Роса елиб-югуришди. Талмовсираб гап ковлаганлар ҳам бўлди. Энди эса, ажабмаски, бурчак-бурчакларга тўпланиб олиниб, секин ғийбат қилишаётган бўлса: “Анави сассиқ чол устимиздан шикоят

<sup>10</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. — Б. 130.

ёзганмикин?..”<sup>11</sup> Юқоридаги тасвирдан кўриняптики, роман муаллифи бадий макон ҳамда бадий замон мукамаллигига эришиш, ўша даврнинг тўла қиёфасини, савиясини реализм ижодий мезонларига мувофиқлаштириш мақсадида ўша давр (XX аср)да кўрган, билган, эшитган ҳаётий воқеаларни, маълумотларни синчковлик билан ўқиб-ўрганган ва улардан кераклиларини бадий матн таркибига киритган. Бу эса замоннинг ўзига хос хусусиятларини, миллий ҳудудда яшайдиган кишилар психологиясини, урф-одатларни жонли, табиий тасвир этилишига сабаб бўлган.

“Лолазор” романи сюжетининг юзага чиқишида бадий хронологиянинг ўрни ва аҳамияти катта. “Лолазор” романида XX асрнинг ўттизинчи ва саксонинчи йиллар орасидаги Ўртақўрғон (Самарқанд шаҳри), Булдуруқ (Самарқанд шаҳри атрофидаги қишлоқлардан бирига ёзувчи томонидан кўйилган ном) Тошкент шаҳри ҳудудларида, шунингдек, касалхона, Ошно ва Яхшибоевнинг талабаликда яшаган ҳужраси, Саидкул Мардонов хонадони Тўпори қишлоғи ва унинг меҳмонхонасида кечган, маиший воқеа-ҳодисалар ўз бадий ифодасини топган. Романнинг бош қаҳрамони ва ёрдамчи персонажлар характери фазилатларига ўша даврнинг илғор кишилари хусусиятлари типик қилиб олинади. Романнинг сюжет майдони бўлакларига киритилган вақт ва жой (макон) унсурлари муҳим эстетик-бадий вазифа бажарганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

“Ўша тун Тўпорининг қишлоғига жўнаб кетдик. Колхознинг меҳмонхонасига қўндик. Эрталаб турсак, қоровул чол, қўлида иккита пахмоқ сочиқ, елка ишқайдиган “мачалка” ҳаммомга таклиф қилди. Биз ҳаммом қилиб чиққунча чорпоёда нонушта ҳам тайёр турган экан. Чой устида Яхшибоев менга тегишди:

— Сиздан угина, биздан бутгина Саидкул, — деди. — Мана, биз сизга укаларингизни топиб бердик, энди сиз ҳам бир яхшилик қиласиз”<sup>12</sup>. Романда муаллиф томонидан муайян бир сана, тун, кун, эрталаб, пешин, оқшом каби вақт бўлагининг ҳамда микромакон майдони қишлоқ, меҳмонхона, ҳаммомларни бадий матн таркибига киритилиши сюжет

<sup>11</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. — Б. 139.

<sup>12</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. — Б. 254.

ривожини таъмин этиб, қаҳрамон, персонажлар ҳаёти, саргузашти, руҳий олами мана шундай унсурлар орқали ёрқинроқ, аниқроқ очиб, кўрсатиб берилган. Ҳар қандай воқеа тизими бадиий замондан, аниқроғи, унинг муайян бир қисмидан ташқарида содир бўлмаслиги, ривожланмаслиги маълум. Бинобарин, мазкур вақт (замон) унсурлари роман бадиий ҳудудида (маконида) ўзаро бирлашиб-туташиб аниқ бир ижтимоий-тарихий даврнинг ягона эпик манзарасини юзага келтиришга, шу билан бир қаторда, қаҳрамон (ёки персонаж)нинг ички — қалб диалектикаси, моҳияти, руҳий-маънавий дунёси қирраларини ойдинлаштириш, аниқлаш, тасвирлаш вазифасини бажаришга қаратилган. Роман сюжет воқеаларидан шуни англаш мумкинки, вақт (замон) ўз-ўзидан макон (ёхуд микромакон) тасвирини тақозо этади. Сюжет вақтида улар бир-бири билан узвий, жипс боғланган. Вақт аломатлари маконда намоён бўлганидек, макон замон орқали тушунилади, инкишоф этилади. Шунингдек, бадиий матн, хусусан, роман матни аслида бадиий замон ҳамда бадиий макон (хронотоп) уйғунлигида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, персонажларнинг ўзаро алоқа-муносабатлари, тўқнашув-зиддиятлар тасвиридан иборатдир. “Лолазор” романида макон тасвири бевосита бош қаҳрамонлардан бири Назар Яхшибоев ҳаёти, шахси, сафарлари билан боғлиқ.

“Район маркази жуда обод экан. Боғ-роғларини айландик, топилмайдиган китоблардан сотиб олдик. Маориф кўявермаганидан кейин мактаблардан бирида учрашув қилдик. Кўпроқ Яхшибоев гапирди. Районни мақтади, одамларини, табиатини, мактабларини... Гаплари ҳаммага ёқди. Қарсақ чалиб олқишладилар. Ўйлаб қарасам, Яхшибоевнинг тутган йўли анча жўн, лекин жуда жўяли экан... Адабиётдан сўз очмади ҳисоб. Одамларнинг кўнглидаги гапларни топиб, сал куюниб, аммо куюшқондан чиқмасдан, дейлик... ёлғондакам илғорлар ҳақида гапирди, кейин пахтакорнинг меҳнатига ўтди”<sup>13</sup>. Бадиий замон ва бадиий маконни акс эттиришда “Лолазор” романи бошқа асарлардан кескин ажралиб туради. Романнинг алоҳида фазилатларидан бири — ички маромнинг мавжудлиги, замон ўзгариши билан маконнинг шу маконда кечаётган воқеа-

<sup>13</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. — Б.139.

ларнинг ҳам шиддат билан ўзгариши, характерларнинг ривожланиб боришидир. Айрим сюжет воқеаларида замон ўзгариши билан макон ҳам ўзгаради. Асар қаҳрамонларининг ҳаракати, давомли суҳбати бунга яққол далил бўла олади. Романдаги макон ва замон тушунчаси бадиий-эстетик ҳодиса бўлиб, у йиллар ва тарих воқеалари томонидан эмас, балки муаллиф томонидан бошқарилади. Бу жараёнда муаллиф қаҳрамонлар нутқи ва ҳаракатидан асос сифатида фойдаланади.

Ёзувчининг роман поэтикасидаги маҳорати композицион тузилишнинг ўзига хослиги, у киритган тасвирий усуллар ва воситалар, услуб жиловларида кўринади. “Лолазор” романи композицион тузилиши жиҳатидан ўн икки боб ва ўн манзаралардан иборат бўлиб, бобдаги воқеа-ҳодисалар кўпроқ муаллиф томонидан, манзаралардаги воқеалар эса персонаж томонидан амалга оширилади. Романдаги сўзлар қутилмаганда янгича маъно касб этади. Ёзувчининг тилга муносабати ҳар бир сўзнинг ички шаклини эстетик идрок этишга интилишда кўринади, шу боис ҳар бир сўз — образнинг ҳаракатини бадиий ифодалашга интилади. Ёзувчи романда оламнинг бадиий моделини яратар экан, ҳаётнинг муайян рамзий образи сифатида киноявийлик билан гавдалантириб тасвирлайди. Роман қаҳрамони Назар Яхшибоев нутқидаги киноя, кесатиқ, имо-ишоралар ёзувчининг маконий-замонавий концепциясида жуда ёрқин намоён бўлади. Унда ёзувчи кундалик турмуш реал макон ва замон (инсоннинг ҳаёт оқими) ва реаллик устига қурилган, унинг интиҳоси (инсон онги, тафаккури, дунёқарashi, шуурида бўладиган ўй ва кечинма) макон, замонни ўзаро қарама-қарши қўяди. Роман қаҳрамони Назар Яхшибоевнинг реаллик устига қурилган (яъни, онги, шууридаги) макон-замондаги кечинмалари рамз ва киноя орқали юзага чиқади.

Роман учун қимматли восита тил. Муаллиф адабий тилнинг романга хос қатламлари орқали қандайдир сафсата сотмайди. Аксинча, бирор бир ғояни, идеяни илгари суради. Бу ҳолат персонаж тилида ҳам намоён бўлади. Айрим ижодкорлар ўз асарларида макон-замонда кечувчи воқеа-ҳодисаларни, рамз-киноя, кесатиқ сўзи орқали ифода этади.

Фикримизча, Мурод Муҳаммад Дўстга хос баён услубининг энг муҳим жиҳатларидан бири воқеликни рамз

ва киноявийлик орқали тасвирлашдир. “Дўстлар аслида у қадар дўст ҳам эмасди, Яхшибоевдан кўрқишарди, холос. Шу боиски, маъкул деб айтишди, айна кўҳли жумла билан роман ёки қисса жуда бўлмаганда узунроқ ҳикоя бошласа бўларкан, нозик, кўп нозик!..”<sup>14</sup> Романнинг муқаддимасидаёқ инсониятни ўраб турган дунёнинг, яъни макон-замоннинг фаройиботлари, уларнинг ижрочилари тўғрисида, ҳаминқадар билими, истеъдоди бор булдуруқли икки битлиқи ҳақида фикр юритаётган ҳикоячининг рамзий киноявий позицияси сезилиб туради. Киноя (билиб билмасликка олиш) инкорнинг бир кўриниши, тасвир объекти устидан кесатиш, қочириқ йўли билан яширин кулиш, пичинг”. Киноянинг муҳим хусусияти сўз ёки гапнинг ҳамма вақт икки маъноли бўлишида, ҳақиқий маъно айтилган сўз ёки гапнинг тескари маъноси орқали англашилишидан кўринади. Бадиий асарда ижодкор кинояда сўз ва иборанинг тескари маънода, яъни сиртқи моҳиятига нисбатан қарама-қарши маънода келишидан фойдаланади ва персонаж ё унинг бирор ҳаракат тўғрисида бир хил гапириб, бошқача ҳукм чиқаради. Жаҳон адабиёти тарихидан маълумки, хаста воқеликни фожиавий қабул қилиш ёхуд унга киноявий муносабат бадиий адабиёт учун янги усул эмас. Бу усулдан Гоголь, Гофман, Набоков, Чўлпон ва бошқа қатор ёзувчилар ўз асарларида кенг фойдаланганлар.

Адабиётшунос М.М.Бахтиннинг фикрича, романнинг қаҳрамони хоҳ эпик, хоҳ трагик маънода “қаҳрамонона” бўлмаслиги керак: у ҳам ижобий, ҳам салбий, ҳам тубан, ҳам юксак, ҳам кулгили, ҳам жиддий хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак”. “Лолазор” романининг қаҳрамонлари Яхшибоев, Ошно ва улар атрофидагиларнинг фожиали қисматларида, тақдиру азалида юқоридаги хусусиятларни топиш қийин эмас. Улар “кечаги кун одамлари” бўлиб, бу типдаги кишилар шўро замонидаги атеистик тарбиянинг иймонсизлик муҳитининг маҳсули эдилар. Бу тузумнинг шакли ва моҳияти халқимизнинг ахлоқий, маънавий ва руҳий қадриятларига тўғри келмайдиган, мос келмайдиган тизимга асосланади. Роман қаҳрамонларининг

<sup>14</sup> Мурод Муҳаммад Дўст. Лолазор. — Б. 5 (романдан олинган матннинг саҳифаси кўрсатилади).

бутун фожиаси мана шу сиёсат, мафкура, дунёқарашнинг нобоплиги билан изоҳланади. Уларнинг фожиали қисмати, аянчли тақдирида йигирманчи асрнинг ўттизинчи йилларидаги шахсга сиғиниш сиёсати, қатламлар тўлқини, марказдан бошқарилишга қурилган иқтисодий ва маданий сиёсат, юқори (Москва)нинг юзсизларча талаблари муҳим из қолдирган. Романнинг марказий қаҳрамони Яхшибоев ақл-идрок орқали ўзини дўсти Ошнони ва атрофидаги бошқа кимсаларнинг ҳаётини шафқатсизларча танқидий идрок этиб, тафтиш қилиб, рамз ва киноявийлик орқали физиаларни очиқ тасвирлайди. Ёзувчи романдаги воқеа-ҳодисаларни ҳақиқатдан юз берганлигини исботлаш мақсадида “объектив тасвир” йўлидан боради. Яъни ёзувчи холис кузатувчи мавқеида туради. Ҳаётий содир бўлган ва бўлаётган воқеа-ҳодисаларга киноявийлик билан муносабат билдиради.

Тақдиру азалнинг ўйини бўлдимиз ёки содда, самимий, ҳалол Ҳотам Шўро томонидан ташланган қуръа сабабли уларнинг қисматлари бутун бир бошли халқнинг тақдирига тикилди. Манфур тузум ҳам гўё уларни қўллаб-қувватлаганидек, ҳар бир ҳаракатига эш бўлди. “Аслида ҳаёт дегани бизни маҳф этмадимиз? Гўё бир умр майда-чуйда ўйинчоқлар тутқазиб, алдаб-авраб келгандай. Бу не ўзи, хоним? Умидсизликми?... Афсусга ўрин йўқдай, ҳар ҳолда, биз эришган нарсалар унчалик кўп эмаски, ачиниб ташлаб кетсак”<sup>15</sup>. “Лолазор” романида киноянинг турфа хил ранглари учрайди. Романда маънос, кишининг раҳмини келтирадиган киноя ҳам, кескин заҳарханда ва фош этувчи киноя ҳам мавжуд. Яхшибоев, Ошно ҳамда турфа характердаги одамлар, уларнинг тақдирини ҳал этадиган воқеа-ҳодисалар зўр киноявийлик маҳорати билан тасвирланади. Романдаги драматик коллизиялар ўзига хос аспекти кўрсатилади. Гоҳида очиқ киноявий тарзда, гоҳида ним табассум енгил кулги тарзида амалга оширилади.

Романнинг эпик концепцияси таҳлили жараёнида образлар системасини ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади. “Образларнинг бир-бири билан мазмуний муносабати асосида асарнинг мазмуни очилади. Образлар системаси композициянинг муҳим

<sup>15</sup> Бобоев Т., Бобоева З. Бадиий санъатлар. — Т., 2001. — Б. 26.



элементи бўлиб, у муаллифнинг ижодий ниятига мувофиқ таркибланади”<sup>16</sup>. “Лолазор” романида образлар эпик воқеаликда эгаллаган мавқеи, сюжет ривожда ўйнаган роли, муаллиф бадиий концепцияси ифодалаш аҳамиятига кўра тартибланган. Кўпроқ роман композицияси манзараларидаги воқеа-ҳодисаларни ҳикоя қилувчи Саидқул Мардон ёрдамчи персонаж ҳисобланади. У асар сюжетда, ёзувчи бадиий концепциясини ифодалашда етакчи аҳамият касб этади. Саидқул Мардон марказий қаҳрамон Яхшибоевнинг мураккаб характерини очишда, ҳаракатланаётган муҳитнинг хусусиятларини, унинг тақдирини кўрсатишга хизмат қилади. Шунингдек, романда ёзувчи тасвир объектининг моҳиятини маълум бир нуқтаи назардан шартли ифодаловчи сўз, яъни рамздан фойдаланилади. Ҳар бир сюжет воқеаларида буни учратиш мумкин.

“Дўстларнинг суҳбати эса оғирроқ кечади. Айниқса, эски дўстларнинг суҳбати. Ўшанда Яхшибоев, гарчи минг гумонга борса-да, гарчи кўрқса-да, бор-йўқ умидларини тикиб бўлса-да, Ошнога ростини айтди. Сен “ўртоқ Яхшибоев”ни қўй. Ошно, деди, жўнроқ гапир, менинг аҳволимни ҳам тушун, сенга, умуман, сал осонроқ, сен дўстлигингни ҳар қадамда таъкидлашинг мумкин, ҳар бир таъкиддан сўнг обрўйинг терак баробар ўсади. Лекин менчи?..”<sup>17</sup>. Ёрдамчи персонаж ҳисобланган Саидқул Мардон роман воқеаларининг айрим жойларида ҳикоячилик вазифасини амалга оширган бўлса-да, ёзувчининг ниятини, ғоясини тўла-тўқис амалга ошишига кўмак беради. Гарчи адабиётшунос Раҳмон Кўчқоров таъкидлаганидек, “Роман муаллифи муайян ҳодисаларни икки-уч нуқтаи назар ва усулда ёритиш, шу йўл билан талқиндаги кўп қатламлилики таъминлаш истагида ҳикоячиликка жалб қилгани Саидқул Мардон, нафақат Яхшибоев учун, балки ёзувчи учун ҳам мардикорликдан нарига ўтмайди”. Маълумки, ҳар қандай бадиий асарга киритилган қаҳрамон у ёки бу вазифани амалга ошириши ёзувчи мақсадини юзага чиқишида муҳим роль ўйнайди. Чунки роман муаллифи учун қаҳрамон

<sup>16</sup> Бахтин М.М. Эпос ва роман. Филология масалалари // 2005. 2-3 сонлар. — Б. 229 (тарж. М.Олимов).

<sup>17</sup> М.М.Дўст. Лолазор. — Б. 23.

восита-дунёни англаш, тушуниш воситаси ҳисобланади. Ёзувчи ҳаётни ҳаққоний тасвирлар экан, роман қаҳрамони Яхшибоев тилида рамз, киноя ва кесатиқ устун бўлса, Саидқул Мардон тилида, аксинча, мулойимлик ва сўзларни кўчма маъноси эмас, асил маъносида қўллаш кучлироқ. Ёзувчи романдаги ҳикоячи китобхонга сўзлаб бераётган воқеаларнинг бевосита шоҳиди ва иштирокчисига айланган. Шунингдек, воқеа-ҳодисаларни шиддат ва сокинлик билан ҳикоя қилади. Умуман, эпик тафаккурнинг энг қудратли маҳсули бўлган романда реал макон ва замонда кечувчи даврнинг муҳим воқеа-ҳодисалари билан бирга инсонлар ҳаёти, қисмати, уларнинг аянчли тақдири ҳамда муаллифнинг бадиий-эстетик қарашлари эпик концепция орқали номоён бўлиши керак. “Лолазор” романида ҳаёт ҳақидаги мунгли, маънос оҳанг туфайли ёзувчининг нозик рамз ва кинояси юзага келади. Романдаги қаҳрамонларнинг характери, табиати, руҳий азоблари, қиёфа ўзгаришлари, инсоний “мен”идаги худбинликлари зукко ўқувчини доимо бефарқ қолдирмайди. Шунинг учун ҳам “Лолазор” романи ўзбек адабиётининг жиддий ҳодисаси бўлиб, у миллий романчилигимиз тараққиётида муҳим босқич ҳисобланади”<sup>18</sup>. Ўзбек романчилигида рамз ва киноявийлик санъати орқали бадиий макон ва замон концепциясини намоён бўлишидаги юксак намунаси.

Бадиий макон ҳамда бадиий замон поэтиканинг муҳим категорияси ҳисобланиб, XX аср адабиётшунослигида кенг талқин этила бошланди. Чунки замон ва макон муаммоси инсон ҳаётини унинг барча кўринишларида англашга интилиш асосий тамойилга айланган XX аср иккинчи ярмидаги ўзбек адабиёти романларида ҳам алоҳида роль ўйнайди. Адибларимиз ўз асарларида инсон шахсига ҳар томонлама ёндашишга, улар руҳий оламининг кучли ва ожиз томонларини рўй-рост, ҳаққоний кўрсатишга интилдилар. Шунингдек, “бу давр адабиёт-тида бадиий тасвир доирасини имкон қадар кенгайтиришга бўлган интилиш, шакл, услуб соҳасидаги изланишлар давом этди”<sup>19</sup>. Ҳаётини воқеа-ҳодисаларни ёзувчиларимиз маконий-

<sup>18</sup> Куронов Д. Адабиётшуносликка кириш. — Т.: Ўқитувчи, 2004. — Б. 177.

<sup>19</sup> М.М.Дўст. Лолазор. Кўрсатилган китоб. — Б. 387.

замоний концепция асосида ёритиб беради. Инсон шахсига янгича ёндашув ўша давр (яъни XX аср иккинчи ярми) ижодкорлари асарларида ёрқин намоён бўлди.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов ҳам “Тушда кечган умрлар” романида қаҳрамонлар ҳаётини инсон шахсига янгича ёндашув асосида тасвирлайди. Романда шўро мафкурасининг тарбиясини олган кишилар тақдири, фожиали қисмати, алданган эътиқоди, миллат фарзандининг шу даврдаги аянчли умри акс эттирилади. Романнинг бош ғояси собиқ СССР ҳамда Афғонистон уруши туфайли ўзини алданганлигини англай олмаган шахснинг фожиасини кўрсатишдир. Романда ўзлаштирилган реал вақт (замон) қисқаради, зичлашади, бадий кўринишли аҳамият касб этади, макон-замон (вақт), сюжет вақти (замони)да кечадиган воқеа-ҳодисалар Тошкент, Телақўрғон, Кушка каби шаҳар ва қишлоқларда ҳамда Афғонистон ҳудудий макони ҳамда микромаконида, ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида содир этилади. Бу макон ҳамда замонда кечувчи ҳақиқий, реал ҳаётий воқеа-ҳодисалар роман персонажларининг хаёли, туши ва хотира вақти орқали, муаллиф ёки персонаж нутқи ёрдамида ифода этилади.

“Биқини ачишиб уйғонди. “Худойим, ўзингни раҳминг келсин”, деди пичирлаб. Эски дард яна қўзғади шекилли. Тўрт йилдирки, аҳвол шу. Сал оғирроқ иш қилса, ёқмасроқ овқат еса тамом: ўнг кўкрагини таги симиллаб оғрийди”.<sup>20</sup> Ёзувчи “ақлга мувофиқ эзгу” ибтидони уйғотиш мақсадида Қурбоной хола образини хаёлий маконга жойлаштириб ва уни ҳаётнинг одатдаги кундалик замони орқали тасвирлайди. Роман сюжети воқеаларини ҳикоя қилиш жараёнида икки хил макон ва замон (вақт) ҳолатига дуч келамиз. Биринчиси, сўзлаб берувчи, яъни муаллиф ёки персонаж томонидан белгилаб қўйилган замон (вақт) ва макон, иккинчиси, воқеанинг ҳаракат вақти (замони) ва ҳолати. Романда ўзига хос характерга эга бўлган Қурбоной хола образи, у ёшлигида адолатсизликлар сабабли қамалган отасидан бевақт жудо бўлган, онасининг Комиссар каби номардлар (ёзувчи романда Соат Фаниевни расмий-сиёсий қилиб Комиссар деб атайдди) томонидан хўрланганлиги, натижада номусдан ўзини осиб қўйишига гувоҳ бўлган, энди бахтимни

<sup>20</sup> Қўчқоров Р. Искандару Доролардан қолган латифа. – Б. 559.

топдим деганда, турмуш ўртоғидан ҳам эрта айрилиб қизи билан ёлғиз яшаб, кўча супуриб умргузаронлик қилган аёлнинг тақдири билан боғлиқ воқеалар вақти (замони) аниқ қайд этилмаса-да, у асарда билвосита намоён бўлади. Шунингдек, бу ҳолат роман сюжети воқеалари ва қаҳрамонлари табиатини тушунишда ниҳоятда муҳим вазифани ўтайди.

Романнинг бош қаҳрамонларидан яна бири, турғунлик даври фарзанди сифатида талқин этилган Рустамнинг кечинмалари хотира вақти орқали намоён этилади. Унинг хотираларини жонлантиришда “Охирги кундалик” ёзувлари восита вазифасини бажаради. “Октябрь ойининг охири. Бугун илк бор ўлим шарпасини сездим. Поста келганимизга бир ҳафта бўлди. Танкимизни катта йўл муюлишидаги окопга жойлаштириб олганмиз. Атрофимизда қоялар сўппайиб турибди. Нарироқда снарядлар омбори. Юз йигирмата снаряд тахлаб қўйилган. Танкнинг ўзида қирқта снаряд. Танк люкидан бош чиқариб қараб турибман. Ёмғир ёғаяпти”<sup>21</sup>. Сюжет вақти (замони) романда аниқ кўрсатилади, қаҳрамон фикрларининг бир хилдаги оқими – ритмига мувофиқ секин, воқеа-ҳодисасиз ҳаракат қилади ҳамда шартли макон ва замон билан биргаликда қаҳрамон – Рустамнинг бугун ҳаётини қамраб олувчи яна бир “ўзга” сюжет линиясини ҳосил қилувчи хотира, хаёл, туш-уйқу маконида унинг кульминацион нуқтага чиқиши билан тугалланади. Худди шу реаллик асносида вужудга келган хотира, қаҳрамон реал ҳаётининг туб моҳиятини ойдинлаштириб беради. Асарда хотира ёлғизлик ва инсон онги муаммоларига урғу бериши жиҳатидан бир қадар экзистенциал йўналишга эга бўлади. Ушбу ҳолатлар бир-бирига яқин келиб, романда яхлит бадиий макон ҳамда бадиий замон намоён бўлади. Рустам бир дунё орзулари билан жўшиб юрган, ўзи ёқтирган қизини севиб юрган талабалик дамларида ҳарбий хизматга чақирилади, у Афғон урушининг оловлари ичига тушиб қолади. Унинг ҳарбийда орттирган дўстлари кўз олдида жон таслим қиладилар. Ўзи ҳам ҳарбий мажбурият туфайли афғон халқига қарши ўқ узиб, одам ўлдиради. Айниқса, ўзи ўлдирган афғон аёлининг очик қолган кўзлари ва ўлиб ётган

<sup>21</sup> Норматов У. Тақдирлар романи / Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – Б.238.

онасининг кўкрагини эмиб турган ёш боланинг мўлтираган нигоҳи, бу фожиаларга чидай олмаган итнинг нолакор увиллаши Рустамнинг юрак бағрини эзади ва бир умрлик аччиқ хотира бўлиб кўз олдида сақланиб қолади. Ёзувчи ҳаётнинг шафқатсиз, реал макон ва замон манзараларини қаҳрамон хотираси орқали қайта гавдалантиради.

Маълумки, эпик турга оид асарларда, кўпинча, ижодкор тўқиган ва эсга олинган ўтмишдаги воқеа тасвирланади. Ўқувчи ҳақиқий воқелик билан тўғридан-тўғри алоқада бўлолмайди, муносабатга кириша олмайди, ҳикоя қилиб берувчи воситасида, унинг тили, тасавури ва дунёқараши орқали хотирадаги макон ва замонни, борлиқни қабул қилишга мажбур бўлади. Ҳикоячи ёрдамида воқеа хабарларининг кенглигига, янгилигига ва ихчамлигига эришилади.

Ж.Жойс, А.Кафка, М.Пруст асарларида қўлланилган “онг оқими” (поток сознания) 90-йиллар адабиёт-шунослигида кенг қўлланила бошланди ва айни шу ҳолат билан бирга адабиётшуносликда хотира вақти тушунчаси ҳам юзага келди. “Тушда кечган умрлар” романи қаҳрамон хотираси, унинг ана шу турмуши билан боғлиқ ҳолда тасвирлангани учун хотира вақти сюжет вақтидан ташқарида кўрилмайди, балки унинг хотирида келтирилган воқеалар баёни сюжет сифатида тасвирда сақлангани учун ҳам хотира вақти сюжет вақтининг таркибий қисми сифатида қаралади. Ёзувчи аффон уруши даҳшатини унинг қирғинбарот жанг эпизодларида эмас, балки қаҳрамонлар қалбида қолдирган излари орқали бериши, уларнинг хотира вақти (замони)даги руҳий кечинмалари романнинг таъсир кучини янада оширган.

“Дадам яна тушимга кирди. Тоғли йўлдан “Нива” ҳайдаб бораётган эмишман. Бир қарасам, ўзимизнинг Тошкент-Кўқон йўлига ўхшайди, бир қарасам, Афғонистонга... Дадам ясантусан қилиб олганмиш. Бошида янги дўппи... Эгнида қора костюм. Фақат оёғида доим кийиб юрадиган, оқариб кетган жигарранг этиги. Гаплашдикми, йўқми, эслолмайман. Бир маҳал осмонда вишиллаган овоз эшитилди. “Дада! Снаряд! Снаряд!” дебман бақариб. Шундоқ машина ёнида снаряд портлабди. Дадам машина эшигидан отилиб кетибди. Чўчиб

уйғониб кетдим...”<sup>22</sup> Роман поэтикасида муҳим ўрин тутган туш вақти алоҳида аҳамиятга эга. Чунки романдаги бундай эпизодлар, туш вақти тарихий вақтда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга олдиндан ишора қилади ёки М.Бахтин термини билан айтганда, “поэтик башорат” вазифасини ўгайди. Ёзувчи кундалик реал макон-замон (инсоний ҳаёт оқими) ва (инсон онги замондан ташқарида бўладиган туш) макон-замони орқали қаҳрамон психологиясини ёрқинроқ тасвирлашга ҳаракат қилади. Таъсирчан ва нозик туйғулар эгаси бўлган Рустам Афғон урушининг даҳшатли фожиаларини кўриш натижасида дийдаси қаттиқ бир шахсга айланади. Қаҳрамоннинг кундалигидаги ёзувларидан англаш мумкинки, бу гўё йигирма икки яшар навқирон йигитнинг эмас, балки ҳаётда ўз умрини яшаб, энди охират билан юзлашаётган қариянинг сўзларидай. Мана шу мунг, мунис оҳанг роман сўнгигача сақланиб қолади. Ҳаётга, келажакка, яхши ният, орзулари натижасини кутган йигитнинг уруш офати билан юзма-юз келиши, қаҳрамон характеридаги ўзгаришлар роман вақтининг алоҳида бир қатламини ташкил қилади. Ёзувчи нафақат Рустам ўйлари тасвирига, балки бошқа қаҳрамонлар қисматига ҳам сўнги ёзувлардаги “оқ зулмат” ўз таъсирини ўтказганини кузатамиз.

Бадий хронотопнинг муҳим бир қисми ҳисобланмиш замон тасвири ҳақида фикр юритадиган бўлсак, кўпгина ўзбек тарихий романлари (“Ўткан кунлар”, “Навойи”, “Юлдузли тунлар”) аниқ санани қайд этиш билан бошланади. “Тушда кечган умрлар” романида ҳам ҳар бир эпизод сарлавҳасида ой кунларининг кўрсатилиши кузатилади. Бадий матндаги вақт фақат йил билангина кифоя топмайди. Фасл, ой, ҳафта, кун, тун, ҳатто дақиқа, сониялар ҳам матнда ўз бадий функциясига эга. Улар сюжетни шакллантириб, қаҳрамон, персонажларнинг ҳаракатлари, руҳий оламини юзага чиқаришга ёрдам беради. “Тушда кечган умрлар” романига шу нуқтаи назардан қаралса, бош қаҳрамоннинг “охирги кундалик”лари орқали вақт (замон) масаласига алоҳида эътибор берилганини кўриш мумкин: “Октябрнинг бошлари. Уч ойдан бери ҳеч нима ёзмадим. Умуман ... Ҳеч ниманинг қизиғи йўқ менга. Ҳеч нимага ҳайрон ҳам қолмайман ... Қисмда ҳар ҳафтада янги гап тарқалади.

<sup>22</sup> Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. — Т.: Шарқ НМАК, 1994. — Б. 51.

“Фалон жойда кўприк портлабди”. Хўш, нима бўпти? Кўприк бўлганидан кейин портлайди-да! “Битта “дух”ни тутиб олиб, танк замбарагига тросс билан осишибди”. Нима қипти! “Дух” бўлганидан кейин осиш керак-да!”<sup>23</sup> Таъсирчан, нозик туйғулар эгаси бўлган Рустам уч ой ичида дийдаси қотиб, ўлим-у, портлаш-у, қотилликларга бепарво, беписанд, лойқайдлик билан жирканмасдан қарайдиган бўлади. Урушнинг даҳшатли оловлари, фожиаларга бой манзаралари унинг характериға салбий таъсир этади. Маълумки, инсон характери, унинг руҳий ўзига хослиги кўп жиҳатдан у яшаётган муҳит шарт-шароитға ҳам боғлиқдир. Н.Г.Чернишевский таъкидлаганидек, “ижтимоий муносабатлар ва ҳаётий тўқнашувларнинг характерларға таъсири” реал макон ва замонда юз беради. Рустам образи талқинида ҳам Ў.Ҳошимов унинг муҳит таъсирида шаклланган хусусиятларига диққатни жалб қилган. Инсон ҳаётида содир бўладиган ҳар бир ҳаракат, воқеа вақт билан боғлиқ ҳолда кечганидек, кишининг характер хусусиятлари ҳам замон ва маконда ўзгариб, янгиланиб, (салбий томонға ҳам, ижобий томонға ҳам) ўсиб боради.

Ёзувчи Рустам ўйлари тасвири орқали бошқа қаҳрамонлар руҳий оламини, хатти-ҳаракатларини, ташқи қиёфасини ҳам ифода этишға ҳаракат қилади. Бош қаҳрамоннинг сафдош дўстлари, севган қизи, ота-онаси ва акаси билан бўлган мулоқотлар сюжет вақти (замони)да ишонарли, табиий, жонли тарзда тасвирланади. Айниқса, қуролдош дўсти туғилган кунида онасидан хат олиб, ўзини бахтиёр ҳисоблаб келаётган бир зумда кўз олдида фожиали ўлим топиши Рустамнинг қалбини ларзаға солади. Бундай даҳшатли, аччиқ воқеа-ҳодисалар хотира макони ва замониға ўрнашиб, уни гоҳи-гоҳида руҳий қийноқларға солади. Шунингдек, уруш вақтида умуртқасидан яраланиб тирик қайтиши, севган қизи Шаҳноза билан турмуш қуриши, жисмоний жароҳати туфайли йигитлик бурчини бажара олмаслиги, оқибатда севиб уйланган хотиниға нисбатан ишончсизлик туйғуси қалбини кемиради, рашк ўтида ёнади, юрагида аламзадалик ва характерида пайдо бўлган кўрслик кун сайин уни мағлуб қилиб боради. Натижада, қаҳрамон ёш умрини ҳазон этиб, жонига қасд қилади.

<sup>23</sup> Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. — Т.: Шарқ НМАК, 1994. — Б.79.

Албатта, унинг фожиали ўлими, шахснинг қисмати, жамият, ўша реал макон ҳамда замондаги адолатсиз уруш туфайли содир бўлди. Шу боис ҳам бу муаммо бадий вақтда жамият фожиаси сифатида талқин этилади. Қаҳрамонларнинг фожиали қисматини сюжет вақтида тасвирлаш, мураккаб қирраларини очиш “Тушда кечган умрлар” асари учун бош тамойил даражасига кўтарилган. Унинг ўзига хос услубий жиҳатларидан бири, романдаги турли йўналишдаги воқеа ва характерларни, кундалик турмуш тарзи манзараларини бир бутунликда, бадий макон ҳамда бадий замонда бирлаштириб жойлай олишидир. Бундай услубни “Икки эшик ораси” романида ҳам кузатиш мумкин. Яна шунини таъкидлаш жоизки, ёзувчи реал макон ва замондаги даврнинг ижтимоий-сиёсий масалаларини ёритиш билан бирга қаҳрамонлар тақдири орқали ўша даврнинг қиёфасини, манзарасини кузатамиз. Адиб айрим қаҳрамонларни исмидан кўра, уларни расмий-сиёсий лақаби билан аташни кўриш мумкин. “Икки эшик ораси”да Умар закунчи деб номласа, “Тушда кечган умрлар”да Комиссар деб атайти ва асарларни ўқиш давомида, унинг бу тутими тўғри эканлигига амин бўламиз.

“Бу одамнинг Соат Фаниев деган исми-шарифи бор. Бироқ исми-шарифидан кўра Комиссар деган лақаб унга муносиб. У шахс эмас, касб, мансаб, мартаба, мафкура, сиёсат одами”<sup>24</sup>. Бу қаҳрамонларнинг ўй-фикрлари, мушоҳадалари, руҳий оламидаги кечинмалари орқали биз Иккинчи жаҳон уруши вақти (замони)даги аянчли фожиавий воқеа-ҳодисалар билан танишамиз.

Умуман, “Тушда кечган умрлар” романида реал макон ва замондаги воқеа-ҳодисалар ўзлаштирилган тарзда, бадий вақт (замон) ҳамда макон матннинг аҳамиятли муҳим категорияси сифатида асар тўқимаси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Романдаги мавжуд уч ўзаро боғлиқ нуқталар муаллиф — қаҳрамон — китобхон муносабати орқали бадий макон ҳамда бадий замон (вақт) концепцияси ўз аксини топади.

Ёзувчилар ўз асарларида инсон шахсига ҳар томонлама ёндашишга, унинг руҳий оламидаги кучли ва ожиз

<sup>24</sup> Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. — Т.: Шарқ НМАК, 1994. — Б.84-85



томонларини рўй-рост кўрсатишга интилмақдалар. Шунингдек, бу давр адабиётида бадиий тасвир доирасини имкон қадар кенгайтиришга бўлган ингилиш, шакл ва услуб соҳасидаги изланишлар давом этди<sup>25</sup>. Ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ёзувчиларимиз маконий-замонавий концепция асосида ёритиб беради. Инсон шахсига янгича ёндашув ўша давр (яъни XX аср иккинчи ярми) ижодкорлари асарларида ёрқин намоён бўлди.

Ёзувчи Ўткир Ҳошимов ҳам янги асарларида инсон шахсини янгича ёндашув асосида тасвирлайди. Унинг “асарларини жозибадор қилган, уларга ўзига хос бадиий тароват бахш этган икки муҳим хусусият бор. Буларнинг бири шуки, у бадиий асарни жўн тарғибот қуролига айлантормади, шу куннинг долзарб масалалари ҳақида бадиийлашган шиорлар ва хитоблар айтиш йўлидан бормади, балки асарларининг кўпчилигида бирон муҳим умумбашарий муаммони ўртага ташлашга интилади. Унинг асарларида унутилиб кетган ёки унутилаёзган инсоний қадриятлар етакчи ўрин тутади. Муаллиф кўпинча, инсон ҳаётининг ўзак масалаларини кўйиб, ҳар бир фикрловчи одамни ташвишга солмай қўймайдиган “лаънати саволлар”га жавоб излайди. Иккинчидан эса, шу муаммоларнинг ҳаммаси, энг мураккаб саволларга жавоб излаш кишини ҳаяжонга солувчи бадиий шаклларда амалга оширилади”<sup>26</sup>. Ёзувчининг ижодий муваффақиятларидан бири “Икки эшик ораси” (Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989) романи маконий-замонавий концепциясида жуда ёрқин намоён бўлади. Роман етти қисм ва қирқ етти бобдан иборат бўлиб, ундаги воқеалар реал макон ва замонда, ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидан етмишинчи йиллар оралигида Тошкент атрофидаги (Кўтарма, Нўғайқўрғон) қишлоқларида ва Қўқонда бўлиб ўтади. Романда тасвирланган қаҳрамонларнинг барчаси уруш туфайли азият чеккан, ўзларининг фожиали, аянчли қисматига тан бериб бардош ва матонат билан курашган кишилардир.

Маълумки, эпик турга оид асарларда макон ва замонда кечувчи воқеалар тасвирланиб, муаллиф ёки ҳикоячи

<sup>25</sup> Каримов Н ва бошқалар. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. —Т.: Ўқитувчи, 1999. — Б. 62.

<sup>26</sup> Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. — Т.: Шарқ НМАК, 1994. — Б.139.

персонаж томонидан ҳикоя қилинади. Бу, албатта, эпик асарларда ривоя, тавсиф, диалогнинг қоришиқ ҳолда келишини тақозо этади. Шунингдек, уларнинг бари бирликда ўқувчи тасавурида бадиий воқеликни пластик жонлантиришга хизмат қилади. “Икки эшик ораси” романида ўнга яқин персонаж бўлса, улар ҳар хил табиатли, ҳар хил ёшдаги кишилар бўлиб, “бунинг устига улар умр поғонасининг турли босқичларида туриб саргузаштларини ҳикоя қиладилар. Кўп ўринда бир ҳодиса икки ёки бир неча персонаж нуқтаи назаридан ҳикоя қилинади, баҳоланади”<sup>27</sup>. Романда муаллиф ровийликни ўзидан соқит қилиб, ҳикоячиликни тўла-тўқис персонажларнинг ўзига юклайди. Ҳар бир персонаж воқеа-ҳодисаларга ўзларининг дунёқараши нуқтаи назаридан келиб чиқиб фикр муносабат билдиради. Улар макон-замонда кечувчи ҳаётгий воқеа-ҳодисаларни баҳолаш жараёнида кўпроқ ўзларини ҳақ деб биладилар. Шунинг учун ҳам роман қаҳрамонларининг фикрлари, дунёқарашлари ранг-барангдир. Айрим воқеа-ҳодисалар реалликдан ташқарида бўладиган ҳаёлий маконда ҳикоя қилинади.

“Индамадим. Кўз ўнгимда яна ўша қор босган ҳовли, чақмоқ телпакли киши, музлаган перрондан сирғаниб-сирғаниб вагон кетидан югурган онам жонланди”<sup>28</sup>. Ёзувчи роман воқеасини марказий қаҳрамон Музаффар қисматини тасвирлашдан бошлайди. Музаффар урушдан кейин туғилган. Романда бу қаҳрамон фикрларининг ранг-баранг кўриниши, оқими асар ритмига мувофиқ шиддатли воқеа-ҳодисалар билан ҳаракат қилса, вақтнинг сюжетли кечиш динамикаси бир меъёрда эмаслиги, реал макон ва замон билан биргаликда қаҳрамонлар ҳаётини қамраб олувчи яна бир “ўзга” сюжет линиясини ҳосил қилади. Худди шу нарса қаҳрамонлар реал ҳаётининг туб моҳиятини ойдинлаштириб беради: “Ажаб, инсон хотираси – эшиги ёпиб қўйилган омборга ўхшаркан. Омбор олдидан ҳар кунни ўтасиз. Ўтасизу ўз юмушингиз билан овора бўлиб, қайрилиб қарамайсиз. Вақти келиб тасодифий шамол омборнинг эшигини очиб юборади-ю, беихтиёр

<sup>27</sup> Ўша ерда.

<sup>28</sup> Ўша китоб. – Б. 485.

ичкарига мўралаб қарайсиз. Шунда қизиқ ҳолат рўй беради. Омбор ичида олтиндан азиз нарса ҳам, кўзингиз тушиши билан таъбингизни хира қиладиган қақир-қуқирлар ҳам қалашиб ётган бўлади”<sup>29</sup>.

Ёзувчи романда персонажларнинг ҳикоячилик вазифасини етакчи ўринга олиб чиқади, унинг воситасида монолог ҳамда тафсилотлар (пейзаж, портрет, нарса-буюмлар ва ҳақозо)ни олиб киради. Шунингдек, романда монологнинг салмоғи катта бўлиб, бадиий воқеликни тўлақонли тасвирлашга етарлича хизмат этади. “Монолог грекча *monos* — бир ва *logos* — сўз, нутқ сўзларидан олинган. Бадиий асарда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига ёки ўзгаларга қаратилган нутқи”<sup>30</sup>. Монолог нутқда бошқа шахслар аралашмайди. Айниқса, прозаик асарларда персонажларнинг руҳий ҳолати, ҳарактерининг мураккаб қирраларини очишда монолог муҳим восита ҳисобланади.

Ёзувчи ўттизинчи йиллар ва уруш даври воқеаларини хаёлий маконга жойлаштириб, уларни ҳаётнинг одатдаги кундалик замони фонида яратади. Ўша (роман персонажлари хотираси орқали қайта тикланган Тошкент атрофидаги қишлоқларда содир бўлган воқеалар) замонавий (уруш даври фожиалари) муаммолар, тақдирлар фожиаси, аянчли кечинмалар қаҳрамонларнинг дунёқарашини, эътиқодини, матонатини ва хиёнатини ёрқин намоён бўлишига хизмат этади. Худди шу реаллик устига қурилган ҳаёт қаҳрамонларнинг реал ҳаётининг туб моҳиятини ойдинлаштириб беради. Урушнинг аччиқ сабоқлари қаҳрамонлар матонатини, сабр-бардошини, иродасини мустаҳкамлайди. Урушга бўлган нафратни кучайтиради. Романнинг муҳим ижтимоий, замонавий қиммати ҳам ана шунда<sup>31</sup>. “Бир кўнглим нон ёпгим келди-ю, ўша заҳоти ниятимдан қайтдим. Нарин борса бир қопча унимиз, уч хум жўхори қолган. Чолим қаттиқ тайинлаган:

<sup>29</sup> Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. — Б. 13-14.

<sup>30</sup> Бу ҳақда қаранг: Норматов У. Тақдирлар романи / Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — Б. 538.

<sup>31</sup> Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. — Б. 15.

“Унни эҳтиёт қилмасанг бўлмайди, ҳали бундан ҳам оғир кунлар келади”, — деган.

Уруш бўлаётган жойларга совуқ эрта тушаркан шекилли, бисотимиздаги ҳамма иссиқ кийимларни топширдик. Кимсанимнинг этиги, телпаги, чолимнинг оҳорли пахталик чопони — ҳаммасини...”<sup>32</sup>. Уруш туфайли бедарак кетган ёлғиз ўғлидан айрилган “Қора амма” ўз дардини ичига ютиб, замоннинг аянчли фожиасига матонат билан курашиб, нуқул ўзгалар ғами, ороми, бахтини ўйлайди. Унинг кечинмалари ҳақиқий ва реал ҳаётини замонда тасвирланади. Ҳақиқий ҳаёт замони ва маконида содир бўлган фожиали воқеа-ҳодисалар қаҳрамонлар характериға хос инсоний фазилатларни, дилидаги ташвиш, тугёнларни моҳирона ифода этишда, қаҳрамонлар руҳиятидаги ўта нозик ва мураккаб кечинмаларни ёритишда муҳим роль ўйнайди. Романда ўша макон ва замон кишилари тақдири талқин этилиб, уруш даврининг бадиий модели яратилади. Ёзувчи бу усулни амалға ошириш жараёнида “хогира ижоди”дан фойдаланади. Ёзувчи учун инсоннинг инсонлик шаъни, бурчи, масъулияти, эътиқоди муҳим бўлиб, ўттизинчи йиллар ва уруш даври воқеалари орқали бу муаммоларға жавоб излайди. Фақат реал ҳаётнинг воқеа-ҳодисалари, ўзгаришлари туфайли кишиларнинг ички дунёси, уларнинг шахс сифатидаги моҳиятини белгилаб беради.

“Муҳаббат дегани шу бўлса — уйига ўт тушсин! Ўша саратоннинг сариқ кунни — ўн иккинчи август ўлсам ҳам эсимдан чиқмайди. Аслида-ку, бир жиҳатдан яхши бўлди. Ўзимнинг ҳам жонимға теккан эди: бир танада икки одам бўлиб яшашдан чарчаб кетдим. Қачондир барибир шунақа бўлиши керак эди-да! Ростимни айтсам Шомурод ака урушдан қайтганидан кейин ундан аллақачон кўнглим совуганини тушундим. Гўё эримға атаб ёқиб ўтирган чироғимни Умар акам ўчириб қўйгандек, бу чироқ энди фақат шу одамни ёритиши керакдек. Лекин муҳаббат абадий бўлади, деган гап китобларда бўларкан. Бу дунёда ҳеч нима абадий эмас. Билмадим, балки манда шунақа бўлгандир...”<sup>33</sup> Романдаги Раъно ҳам ўша макон

<sup>32</sup> Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча—ўзбекча изоҳли луғати. — Т.: Ўқитувчи, 1983.

<sup>33</sup> Норматов У. Тақдирлар романи. Бу ҳақда қаранг: Ҳошимов Ў.

ва замон кишиси. Унинг хиёнат қилишига маълум маънода ижтимоий ҳаёт, яъни уруш ҳам сабабчи бўлган. Чунки ёш келинчак уруш туфайли маълум давр суюкли эридан айрилиб, ёлғиз яшайди. Улар закунчига ўхшаган давр зўравонларининг одобсизлиги сабабли ҳаёсизликка эрк беради. Аммо у ўз қилмишидан афсус чекиши билан бирга, айрим қилган ишларида ўзини ҳақ деб билади.

Ўз эри Шомурод бир оёғидан яраланиб урушдан қайтса-да, лекин Раъно хотирасидаги ўтмиш замонини, яъни Умар закунчи билан бўлган онларни унута олмайди. Шунинг учун ҳам бу аёл эри ва норасида фарзандини ташлаб ўйнаши билан Қўқонга қочиб кетади. Романдаги бошқа қаҳрамонларда ҳам хотира муаммоси (яъни хотира орқали ўтмиш воқеаларини гавдалантириш) муҳим аҳамият касб этади.

Романнинг марказий қаҳрамонларидан бири Робиянинг қалб дунёсини, драмасини кенг ва ҳар тарафлама очипда ҳам ёзувчи хотира вақтидан фойдаланади. Тўғри, бу адиб томонидан “бахтли ва бахтсиз” маконнинг муайян идеали ва ҳаётнинг тарихга айланган бир бўлак замонининг рамзи бўлиб келган ўтмишнинг образи сифатида талқин қилинади. Ёзувчи қаҳрамонлари учун бугун ўзида ўтмишни қамраб олади, фақат шундагина образлар фақат уларнинг хотираси маконида қолганлигини ҳис қилиб ҳаракат қиладилар, яшайдилар.

Робия ҳам ўз севган йигити Кимсандан айрилгандан сўнг, у билан кечган ширин хотиралар билан яшайди. Гарчанд давр, замоннинг зайли туфайли Шомуродга турмушга чиқишга мажбур бўлса-да, хотира маконидан Кимсани эсидан чиқара олмайди. Доимо у билан хаёлан суҳбат қуради. “Ҳали бошимга бундан оғир кунлар тушишини, бундан баттар бедодликлар кўришимни, Кимсан акам иккаламизнинг ўртамизда синдирилган нон увол кетиб, ушатишга ҳолва бекор бўлишини билмаган эканман.

Шу тобда биров: “Беҳуда овора бўляпсан, суйганинг қайтиб келмайди, бир йил эмас, беш йил эмас, ўн йил кутасан-да, охири Кимсан аканг у ёқда қолиб, яхши кўрган янганг — Раъно келинойингнинг эрига хотин бўласан, севасанми-

---

Икки эшик ораси. — Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — Б. 532.

севмайсанми, вақт-соати етиб шу одамдан ўғил туғасан”, деса ўша заҳоти юрагим ёрилиб ўлган бўлардим”<sup>34</sup>. Робия характериға хос муҳаббатға садоқатлилиқ, самимийлиқ, инсоний фазилатлар, дилидаги ташвиш, туғёнлар ёзувчи томонидан моҳирона ифода этилган. Унинг хотираси маконида қолган Кимсанға бўлган самимий ҳис-туйғулар қалбининг туб-тубида яшайди. У оилам, бола чақам деб бу туйғуларни сиртга ошқора чиқармайди. Ўзбек аёлиға хос ҳаё ва ибo уни доимо тарк этмайди. У қалби бутун умр бўйи интилган суюклиси Кимсаннинг висолини хотира маконида гавдалантириб, замондан узилмай яшайди.

Романда икки муваққат давр — ўтмиш (Оқсоқол, Дума, Комил табиб, “Қора амма”, Робиялар яшаган давр) ва ҳозирги кун (Музаффар ва Мунаввар яшаган давр, бугун у ҳам ўтмишға айланди — А.Т.) ҳар бири ўз ҳаёт ритми билан тасвирланади. Ёзувчи ўтмиш ва ҳозирги куннинг икки образини ҳам гавдалантиради. Ўқувчиларға бадиий-эстетик мақсадидан келиб чиқиб, ўз идея ва ғоясини сингдиришға ҳаракат қилади.

Маълумки, “романнинг бош мақсади ёки ҳеч бўлмаса, романнавислар кўзлаши лозим бўлган бош мақсад — ўқувчиларға ҳар доим эзгуликнинг тақдирланиши ва ёвузликнинг жазо топишини кўрсатиш орқали ўғит бериш”<sup>35</sup>. Романда Робия ва Шомурод, Оқсоқол ва Дума, “Қора амма” ва Комил табиб, Олимжон каби эзгулик учун курашган замоннинг оғир дамларида ҳам ўз ирода, эътиқодларини сақлаб қолган диёнатли кишилар образи ўқувчига ибрат бўлса, Умар закунчи ва Раъно каби образларнинг имонсизлиги, хиёнати, ҳаёсизлиги нафрат уйғотади. Бу Умар закунчи ва Раъноларнинг ҳаёсизликка эрк бериши кейинги авлод вакиллари ақлли, андишали Музаффар ва Мунавварларнинг бахтиға зомин бўлди. Натижада романнинг марказий қаҳрамони Музаффар шахсий ҳаётда бахтсиз, омадсиз кимсаға айланади. Мунаввар эса, замоннинг даҳшатли муаммоси маконда ва замонда юз берган зилзила ва фожиали қисмати туфайли ҳаётдан эрта кўз юмади.

<sup>34</sup> Ҳошимов Ў. Кўрсатилган китоб. — Б. 135.

<sup>35</sup> Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. — Б. 362.

Шундай қилиб, ёзувчи Ўткир Хошимовнинг “Икки эшик ораси” романи қахрамонлари билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар макон ва замон билан ҳамоҳанг тарзда бадиий талқин этилади. Ёзувчи ҳаётнинг бадиий моделини яратар экан, макон ва замон масаласига алоҳида эътибор беради.

## **МУНДАРИЖА**

Адабиётшунослиқда макон ва замон муносабатининг ўрганилишига доир.....	3
Романларда макон ва замон акси.....	32
Тарихий романларда макон ва замон муносабати.....	76
Маконий-замоний манзаралар ва бадиий тўқима образлар.....	109
Истиқлолди романларида макон ва замон масаласи....	124



*Адабий-илмий нашр*

Абдусамад Тўйчиев

Ўзбек романларида  
макон ва замон

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов  
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев  
Мусахҳиҳа: Камола Болтабоева

«MUMTOZ SO'Z»

масъулияти чекланган жамияти нашриёти  
Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-60-33

Босишга рухсат этилди 10.07.2009.

Қоғоз ўлчами 60x84 1/32. Офсет қоғоз. TimesUZ гарнитураси.  
Шартли босма тобоғи 10,0. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 9,0. Адади 500.  
Буюртма 10. Баҳоси келишилган нарҳда.

«MUMTOZ SO'Z»

масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-81-20

Абдусамад ТҲЙЧИЕВ  
Ўзбек романларида  
макон ва замон



ISBN 978-9943-363-30-4



9 789943 363304